

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ


ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ФАЛСАФА”
кафедраси

ТАСАВВУФ ЭТИКАСИ

фанидан

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



Гулистон – 2014

ББК: 87.717
УДК 177
И 81

Исмоилов С. “Тасаввуф этикаси” фанидан ўқув қўлланма. –
Гулистон: 2014. 84 - бет.

АННОТАЦИЯ

Ушбу ўқув қўллама махсус тузилган дастур асосида тайёрланиб, унда тасаввуф этикасининг моҳияти, таърифи, асосий турлари ва ҳаётдаги ўрни очиқ берилган. Тасаввуф этикасининг асосий мақсади мустақил мамлакатнинг эркин фикрли баркамол кишиларини тасаввуфий этикасий мерос анъаналари асосида комил инсон фазилятларини шакллантириш ва уларни фидоий инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат.

Гулистон - 2014 йил. 84 бет.

ANOTATION

In this book, It's used many informations to the pupils by the optimal and unusual methods which is given three importance of the “Etike sufizma” and this book gives additional informations to the teachers of social subjects and pupils which is learned independently by the “Etike sufizma”.

The intermediate questions are given at the end of the collection. This educational collection is intended for teachers and students of special part time department.

Гулистан–2014 г. 84 стр.

АННОТАЦИЯ

В этом учебном пособие обсуждается обосновать мысль о том, что можно достичь духовному развитию человека при помощью изучением произведение “Этика суфизма”. Изучая “Этика суфизма” трактуется как фактор гармоничной развитие.

Данный учебной поссobie предназначен для преподавателей и студентов.

Gulistan- 2014 y. 84 pg.

Такризчилар: ф.ф.н., доц. **Ш.Юсупов**
т.ф.н., доц. **Б.Тўйчибоев**

Масъул муҳаррир: ф.ф.н., доц. **Р.Махмудов**

ББК: 87.717
УДК 177
И 81

Ушбу “Тасаввуф этикаси” мавзусидаги ўқув қўлланма ГулДУ “Ижтимоий-иқтисодий” факультет Илмий-услугий Кенгашининг 2014 йил “26” августдаги “№ 1”- сонли мажлисида муҳокама қилиниб чоп этишга тавсия этилган.

Босишга руҳсат этилди 25.05.2014 йил. Офест қоғози гарнитураси “Times New Roman”.
Қоғоз бичими 60x84. 1/16. Босма табағи 5.25. Буюртма № 66. Адади 100 дона.

ГулДУ босмаҳонасида чоп этилди.
Гулистон ш. 4-мавзе ГулДУ бош биноси.

КИРИШ

Миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимизнинг маънавий, фалсафий меросини, шу жумладан тасаввуфий қадриятларни ҳам ҳар томонлама ўрганишни тақозо қилади.

Президентимиз мустақиллигимизнинг маънавий-этикасий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш; ватанпарварлик¹ эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Маънавий меросимиз фалсафий асосининг муҳим қисмини тасаввуф таълимоти ва қадриятлари, шу жумладан Туркистонда шаклланиб, Шарқ маданияти ва тараққиётига катта ҳисса қўшган, уч буюк тариқатлар: яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари ташкил этади. Ушбу маънавий меросни замонавий-фалсафий қарашлар нуқтаи назардан тадқиқ этиш ҳам илмий, ҳам ижтимоий-амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти бунёд этилаётган ҳозирги жараёнда, инсонни барча имкониятларини намоён қилишга, ўзлигини англашга шароит яратилган. Бу борада тасаввуф таълимотида, бир қатор ғоя, назария ва тажрибалар мавжудки, уни фалсафий жиҳатдан махсус таҳлил ва тадқиқ этиш зарур.

Тасаввуф тадқиқотчилари Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам унинг келиб чиқиши, асосий ғояси, муаммоси, тафаккур усуллари ҳамда амалиёти ва тараққиётига кўра ҳам ўта мураккаб ва кенг қамровли таълимот эканлигини Е.Бертельс, И.Мўминовлар эътироф этилган.

Тасаввуф таълимоти ва амалиётининг моҳияти мустақил дунёқараш ва фаол иродали комил инсонни шакллантиришга қаратилган. Тасаввуф инсон, унинг моҳияти, ақл-заковотига ишонч, табиатга, барча тирик жонзотларга, атроф муҳитга оқилона ва фаол муносабатда бўлганлиги кўрсатади.

Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, Баҳоуддин Нақшбанд “...тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз”²дан. “Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни “Баҳоуддин Балогардон” деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди”³.

Тасаввуф таълимотининг жамият тараққиётида тутган ўрни, мавқеи, унинг маънавий-ирфоний илдизлари, илмий-назарий ғоялари, ҳаётбахшийлиги, тарқалиш жўғрофияси ва буюк валийлар ҳаётини ёритиб бериши баҳоли қудрат мамлакатимизда ўрганилган.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. I-том. - Б. 76.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -Б. 140.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -Б. 40.

Ўзбек халқи маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг катта қисмини исломий қадриятларимиз: Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар, тафсирлар, шариат китоблари ва тасаввуфий мерос ташкил қилади. Ҳозирги давр халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёнида исломий ва тасаввуфий меросни замонавий илмий усуллар билан тадқиқ этилмоқда.

Тасаввуф таълимоти ва этикаси юзасидан бир қатор хориж ва маҳаллий олимлар тадқиқот олиб боришган. Мустақиллик йилларида том маънодаги ўзбек тасаввуфшунослик мактаби шаклланди. Бу борада М.Хайруллаев, И.Султон, А.Қаюмов, О.Файзуллаев, Н.Комилов, О.Усмон, М.Орипов, А.Зоҳидий, М.Қодиров, С.Бухорий, Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, С.Олимларнинг тадқиқотларини ва тасаввуф таълимоти тўғрисида махсус илмий ишлар ёқлаган Р.Шодиев, Э.Каримов, Р.Тиллабоев, Б.Бобожонов, Г.Наврўзова, О.Шарипова, Г.Юнусова, Э.Зоиров, О.Сафарбоевларнинг тадқиқотларини алоҳида қайд этиш мумкин. Ушбу ўринда шуни қайд этиш керакки, айна пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатган ва халқимиз тарихида катта ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий аҳамият касб этган тасаввуф таълимоти ва унинг яссавия, кубровия, нақшбандия, қодирия, суҳавардия тариқатлари тарихи, моҳияти, таълимот-ғоялари, тариқат намоёндаларинг мероси, ҳикматлари, силсиласи ва бошқа қирралари етарли даражада ўрганилган ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Ҳозирги ғоявий тожовузлар, турли ёт ақидаларни тикиштириш, исломни мутлақлаштириш ва сиёсийлаштириш кучайган бир пайтда, мавжуд иллатларига қарши ғоявий кураш воситаларидан бири бу тасаввуфий ғояларни, буюк мутасаввифлар ҳаёти ва мероси, уларнинг эзгулик, адолат, ўзликни англаш ва ватанпарварлик тўғрисидаги фикрларини ўрганиш мафкуравий иммунитет вазифасини ўтайди деган фикрдамиз.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг озод мамлакатнинг озод кишиларини вояга етказиш, камол топтириш масаласи давримизнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Бу борада мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Президентимиз томонидан баркамол авлодни шакллантириш концепцияси илгари сурилди. Бу жараёнда, ижтимоий фанларга алоҳида масъулият юкланади. 2005-2011 йилларда ГулДУда “Тасаввуф этикаси” махсус фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур фанни ўқитишдан асосий мақсад, ватанимиз фуқароларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва давримизнинг баркамол инсонларини шакллантиришдан иборатдир.

Шу мақсадда ГулДУ “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедрасида мазкур фан юзасидан ўқув дастури тузилиб, шу асосида ўқув қўлланма яратилди.

Мазкур ўқув қўлланма “Тасаввуф этикаси” фанидан давлат тилида яратилган дастлабки ўқув қўлланмалардан бири бўлганлиги сабабли унда баъзи жузъий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунинг учун қўлланма ҳақида билдирилган ҳар қандай фикр, муносабат, мулоҳаза ва таклифларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Тасаввуф этикаси фанининг мақсади ва вазифалари

Тасаввуф мусулмон Шарқи халқларининг маънавий ҳаёти тарихида кенг тарқалган таълимотлардан биридир, деб таъкидлайди академик М.М. Хайруллаев.

Тасаввуф тараққиётининг вужудга келиши, асосий ғояси, ёйилиши ва кейинги тараққиёти тўғрисида жуда кўп манба ва адабиётлар мавжуд. Тасаввуф диний-фалсафий таълимот сифатида VIII асрда пайдо бўлганлигини В.Бартольд, Е.Бертельс, И.Мўминов, В.Зоҳидов, М.Баратов ва бошқалар ўз тадқиқотларида қайд этиб ўтадилар.

Тасаввуф ўзининг чуқур онтологик, гносеологик, аксиологик ва психологик илдизларига эга. Е.Бертельс "Суфизм шунчалик кенг ва ҳар тарафламаки, унга исталган концепция, дунёқарашни киритиш мумкин", деб қайд этади. И. Мўминов эса тасаввуф ҳақида тўхталиб, "Суфизм - мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилма-хил шаклларга, мазмунга ва оқимга эга" эканлигини таъкидлайди. В.Зоҳидов ўз тадқиқотида "... тасаввуф ортиқ даражада мураккаб, чигал дунёқарашдир", - деб уқтиради¹.

Тасаввуф яхлит таълимот сифатида, то ўз давригача, яъни VIII асргача мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий ва диний ирфоний ғоя ва таълимотлар замирида вужудга келди. Тасаввуфнинг асосини пантеистик дунёқараш ташкил этади. Пантеизмнинг ўта мураккаб диний-фалсафий таълимот сифатидаги ўзига хослиги бутун ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб диний-орифчилиқ таълимотлари, бидъат ва ҳурфикр ҳаракатлар фалсафий негизини ташкил этади. Ислом таълимоти асосида тасаввуф ўз ақидаларини ишлаб чиқа бориб, "суфизм IX-X асрларда яхлит бир тизимли таълимотга айланди".

Тасаввуфнинг: А) онтологик; Б) гносеологик; В) психологик унсурлари мавжуддир.

XX асрнинг сўнгги чорагида минтақамиз олимлари тасаввуфнинг юқорида кўрсатилган асосий унсурларини, хусусан, тасаввуфдаги гносеология муаммоларини махсус тадқиқ этишга уриндилар. Лекин тасаввуфнинг психологик ва аксиологик жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилган эмас. Е. Бертельснинг фикрича, тасаввуфнинг онтологик асослари:

-Аҳадиййат-яккаю-ягоналик;

-Ваҳидиййат-бирлик, яъни ваҳдати вужуддан иборатдир.

Тасаввуфнинг бош ғояси суфийни Ҳаққа восил бўлиш йўлларини кўрсатишдан, тарғиб этишдан иборатдир. Бу жараён тўрт босқичдан иборат ҳолда кечади:

1. Шариат-ислом маросимларини, шариатнинг амалий талаблари, қонун-қоидаларини билиш ва уларга риоят этиш.

2. Тариқат-суфий томонидан «восил бўлиш» учун танланган йўл. Бунда суфий нафсидан воз кечиб, бирор пир йўлини танлайди ва унинг амалларини унга эргашган ҳолда бажариб боради.

¹ Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Т.:1970, - Б. 316.

3. Маърифат - суфий томонидан Оллоҳни таниш ва уни қалбан билишдир. Шу билан бирга Оллоҳни бутун мавжудотнинг, борлиқнинг асосчиси, яратувчиси эканлигини билишдир.

4. Ҳақиқат (фано босқичи ҳам дейилади) - бу босқичда суфий худо васлига етади. Бу даражага етган суфий авлиёлик, «анал-ҳақлик» даражасига эришган бўлади. Тасаввуф тарихий тараққиётида Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) «Менга шараф», «Мен қанчалик буюкман», Мансур Халлож (857-922) «Мен ҳақман» (Анал-ҳақ) дея ўзларини фано босқичига етганликларини қайд этганлар. Бундан ташқари Фаридидин Аттор, Насимий, Бобораҳим Машраблар ҳам бу даражага эришганлар.

Тасаввуф таълимоти илк ислом даврида маълум гуруҳ кишиларни мавжуд жамиятдаги ижтимоий тузумдан норозиликлари натижасида вужудга келган таълимотдир. Бу эса тарихан ҳижрий иккинчи асрга тўғри келади. Бу даврда Араб халифалигининг худуди Арабистон ярим ороли сарҳадидан чиқиб, Сурия, Ироқ, Эрон мамлакатларига етиб бораётган эди. Янги вужудга келаётган тузумга қарши турувчилар суфизм ғояси остида арабларга қарши ўз озодликлари, Ватан ҳимояси учун курашдилар. Бу курашни бошлаган ироқликлар эди. Тасаввуфнинг кейинги тарихий тараққиётини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин:

1-давр. Тасаввуфнинг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ёйилиши даври. VII-IX асрлар. Зуннун Мисрий, Сари Сақатий, Харроз, Қассоб, Абу Саҳл Тустарий, Хорис ал-Мухосибий, Иброҳим ибн Адҳам, Абу Усмон ал-Маккий, Жунайд Ҳаллож, Бистомий, Абу Саид ал-Харақоний.

2-давр. Тасаввуф ва исломнинг уйғунлашув даври X-XI асрлар. Ғаззолий, Абу Саид Майхоний, Абдурахмон ас-Суламий, Қушайрий, Ҳужвирий.

3-давр. Тасаввуф тариқатларининг пайдо бўлиш ва тасаввуфнинг оммалашуви даври. XII-XV асрлар.

Тасаввуф биринчи даврида (дастлаб Ироқда) зоҳидлик, ирфоний интилишлар сифатида пайдо бўлган таълимот бўлиб, ўрта асрларда асосий меҳнаткаш оммани ташкил этган камбағал деҳқон, хунармандларнинг ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик ва ҳақсизликдан норозилигини ўзида акс эттирар эди. Бу жараён то IX аср охиригача бўлган даврда мавжуд бўлиб келди. Е.Э.Бертельс "Ҳар қалай машҳур хонақоҳлар қишлоқ жойларида бўлса-да, уларнинг катта қисми шаҳарларда марказлашган эди. Айниқса, дастлабки даврларда Куфа, Басра ва Бағдод, кейинроқ Нишопур бу соҳада муҳим рол ўйнай бошлади"- деб ёзган эди. Тасаввуфнинг кейинчалик икки: Эрон ва Марказий Осиё каби ўчоқлари пайдо бўлди. Тасаввуф тараққиётини Эрон ва Марказий Осиёдагидек ҳеч бирон мамлакатда кечмаганлигини қайд этиш мумкин. Биринчи даврда О. Акимушкин фикрича, "Суфизм, фақатгина эскизлардан чиқа бошлаган" давр эди.

Тасаввуф иккинчи даврда ўз бошидан дин билан уйғунлашув босқичини кечиради. Тасаввуф ва ислом ғоялари буюк ислоҳотчилар Абу Ҳомид Ғаззолий (1158-1111), Ибн Арабий (1165-1240) кабилар томонидан уйғунлаштирилади. "Суфизм ҳаракатини раҳбариятга қандай йўл билан бўлсада бўйсиндириш

йўлини топиш лозим эди. Бу вазифани Ғаззолий ўз зиммасига олди"- деб ёзади Е. Бертельс. Тасаввуф ва ислом дини оралиғидаги "буюк хитой девори"ни олиб ташлаш миссиясини тарихда Ғаззолий ва Ибн Арабий бажарди. Ислом маънан, мазмунан тасаввуф билан шунчалик қоришиб кетдики, улар орасидаги чегара ва тафовутни кейинги даврда фарқлаб бўлмай қолди. Бу жараён эса, келгуси ислом ва тасаввуф тараққиётида фақатгина ижобий рол уйнади, холос. Ислоҳотчилар эса ўз хизматлари эвазига "ислом ҳужжати", "улуғ устоз", "аш шайх ал-акбар" каби шарафли номларга мушарраф бўлдилар.

Тасаввуф тарихида XII асрга келиб шундай бир жараён юзага келдики, бу пайтда тасаввуф таркибидан алоҳида оқимлар ажралиб чиқа бошлади. Бундай тариқатлар сони шарқшунос И. Петрушевскийнинг қайдича, бир неча ўнлаб тариқатдан иборат бўлиб, XIV асрда улардан 12-14 таси оммавий тариқатлар эди.

Фаннинг мақсади: Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бевосита Президентимизнинг раҳнамолигида янги Ахлоқшунослик фани шаклланди. "Тасаввуф этикаси" фани янги шаклланган Ахлоқшунослик фанининг муҳим таркибий ва назарий қисмларидан биридир. Тасаввуф этикасининг асосий мақсади мустақил мамлакатнинг эркин фикрли баркамол кишиларини тарихий тасаввуфий этикасий мерос анъаналари асосида комил инсон фазилятларини шакллантириш ва уларни фидоий инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат.

Фаннинг вазифалари: бош мақсаддан келиб чиқиб, "Тасаввуф этикаси" фани ўз олдида куйидаги вазифаларни бажаришни мақсад қилиб олган:

- Тасаввуф этикаси фанининг баҳс мавусини ўрганиш;
- Миллий маданиятимизнинг тасаввуфий илдизларини ўрганиш;
- Миллий маданиятимизнинг таркиби бўлган тасаввуф этикаси такомил босқичларини ўрганиш;
- Буюк мутасаввуфлар фаолияти ва меросларини ўрганиш;
- Тасаввуф этикасини "Одобнома", "Ахлоқшунослик", "Диншунослик" фанлари таркибида ўрта мактаблар, академик лицейлар ва коллежларда ўқитилиш тизимини ўрганиш;
- Тасаввуф этикасини бошқа гуманитар фанлар билан қиёсий ўқитиш йўллариини ўрганиш;
- Тасаввуф этикасини инсон онги ва қалбига сингдириш омил ва воситаларини ўрганиш ва бошқалар.

Адабиётлар:

Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Т.:1970.

Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965.

Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV вв. - Лен.: ЛГУ, 1966.

Тасаввуф этикаси ва унинг моҳияти

Қуръону Каримнинг Ал-исро сурасида ўқиймиз: "Ва лақад карромно бани одама" (биз одам болаларини азизу мукаррам қилиб яратдик) шунга асосан тасаввуф ақли инсонни худонинг ердаги халифаси, икки олам гултожи, қаймоғи деб таъриф этади. Хазрат Навоий эса "Маҳбуб ул қулиб" асарида "одамий шарифул кавнайндур" деган сўзни келтирган. Яъни "одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф маҳлуқидир". Парвардигор оламларни яратар экан, мақсади инсон эди. Олам парвардигор хусни жамоли учун кўзгу бўлса, инсон бу кўзгунинг мазҳари тангри таолло қудрати ва сиру асрори, илму каромати акс этган мўжиза хилқат. Инсон қалби ва тангри илми ва ишқининг хазинасидир. Инсон ана шундай буюк, мухтарам ва мукаррам. Шунинг учун фаришталар ҳам унга сажда қиладилар. Албатта, бу одамзод фарзандини улуғлаш, унинг кадру киммати, шаъну шарафини кўтариб, инсонпарварлик ғояларини илгари суриш эди.

Комил инсон-бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлоқ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сурату сийрати саранжом, қалби эзгу ниятларга лиммо-лим покиза зот.

Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашике, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи

Хуш давлат ул кишигаки, тушгай онинг кўзи

Дейдилар, унда тўрт малак - Жаброил, Макоил, Исрофил ва Азроилнинг хислати, Хизрнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саҳовотлиги мавжуд. Унинг кўнгли жами етти фалак ва ўн саккиз минг оламини акс эттириб, ғайб асроридан хабар бўлиб туради. Уни яна одил, оқил, фозил, фақр хазинаси, Иксири Азам, Кибрити Аъмар сифатлари билан тафсир этадилар. Комил инсон шундай қилиб, одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси, у гуё мутлоқ илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас хилқат. Бундай мартабага мушарраф бўлган инсонларни валиуллоҳ, қибла, қутб, автод, обдол деб ҳам улуғлаганлар. Мўтабар китобларда нақл қиладиларким, дунё шундай зотлар туфайли барқарор ва осойиштади. Ернинг икки қутбида иккита қутби аъзон, тўрт бурчагида тўртта автодлардан, етти иқлимда етмиш икки абдол доимий кўриқчи бўлиб турар экан. Уларнинг бири оламдан ўтса, иккинчиси дарров ўрнини босар экан. Шунинг учун ер юзида ҳар қанча гуноҳ кўпайиб кетганда ҳам, у зеру забар бўлмасдан, ўз ўқидан чиқиб кетмай тураркан. Чунки ана шу азиз авлиёлар бандалари гуноҳини парвардигордан сўраб турар эканлар.

Аммо ривоятлар тагида улкан бир ҳақиқат бор. Бу ҳақиқат шундан иборатки, дунёнинг тинчлиги ва фаравонлиги, инсоният бутунлиги ҳақиқатдан ҳам доно, оқил, пок, ниятли одамларга боғлиқ. Яъни илоҳий поклик ва нафосат, этиқод ва тафаккур бизни бало қазолардан асрайди; ҳаётни авайлаб, сақлаб туради. Тасаввуф ўз усули, ҳақиқат деб топган йўл билан шу мақсад сари интилган. Тасаввуф ахли сизинган идеал-комил инсон аслида халқ идеали, адабиёт идеали эди.

Ватан, тасаввуф шайхлари, зулм ва қоронғулик лашкарига қарши маърифатни қурол қилиб олиб, жангта кирган пахлавонларга ўхшаб кетади. Улар каъба деб кўнглини тан оладилар, кўнгил райича юрадиган, дунёни кўнгил орқали биладиган ва кўнгилга сиғинадиган одам Оллоҳнинг севгани деб чикдилар.

Шайх Азизиддин Насафийнинг "комил инсон" "мақсади аксо", "зубдатул ҳаққойиқ" номли ва бошқа рисолаларида комил инсон масаласи бирмунча бошқача ёритилган. Унда бу тушунча инсоннинг пайдо бўлиши, тараққиёти, мартабалар топиши билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. натижада биз Азизиддин Насафий таърифларида айнан ҳаётий одамга хос белгилар, ахлоқий сифатларни ҳам кўрамиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари ва муносабатларини чоғиштиради, инсонни кайҳоний вужуд сифатида ҳам, ер махлуқоти сифатида ҳам тақиқ ва тадбиқ этади.

Насафийда комил инсон рух тушунчаси билан зич алоқада текширилади. Инсон мартабалари рух мартабалари рух мартабалари сифатида олиб қаралади. Шунинг учун умумий тушунчалардан аниқ тушунчаларга ўтиб туриш бор. Бунинг сабабларидан яна бири ўз навбатида улуғ олам ва кичик олам тушунчалари билан боғланиб кетади. Бунинг сабабларидан яна бири Насафийнинг камолотини уруж ва нузул назарияси асосида тушунишдир. Бу назария ўз навбатида улуғ олам ва кичик олам тушунчаси билан боғланиб кетади. Чунки Насафий ибн Арабийга суяниб, инсон олами сағир, илоҳий олам ва моддий оламини биргаликда олами кабр деб айтади. Улуғ оламдаги жамийки нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуд; дейди у. Шу тариқа инсон юқори олам олами кабрнинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб ҳисобланади.

Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: "комил инсон деб, шариат ва тариқат ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгинки; комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўсин; яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф".

Насафий санаган хислатларнинг дастлабки учтаси, яъни яхши сўз, яхши феъл, яхши хулқ Зардушт китоби "Авесто" дан олингандир. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, рибо ва баркирдорликдан чекланади, ҳамма вақт эзгу ният билан эзгу ишларга тайёр туради. Насафий яхши ахлоқ ҳақидаги Зардушт сўзи ёнига "маъориф" яъни тасаввуфий покланиш талабини қўшиб қўйган. Унинг фикрича тариқат йўлига кирган солихларнинг мақсад ва вазифалари ушбу тўрт фазилатни эгаллашдир. Кимки "шу сифатларни камол топтирса, у камолга эришади".

Насафий мазкур таърифдан иккита хулоса қилиб чиқади. Бири шуки, олим назарида комил инсон ҳаётидан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши сифатларни эгаллаб борган одамдир. Яхши хислатларни эгаллаб борган одам шундай мартабага кўтарила олади. Иккинчи хулоса шуки, Насафийга кўра комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга кирадиган юксак мартабадир.

Биз улуг тарихий бурилишлар даврида яшамокдамиз. Жахон бизни, биз жахонни танидик. Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимиз, сўзимиз бор. Биз билан ҳисоблашмоқдалар.

Агар ўтган 22 йиллик даврга назар солсак, бу-янги давлат ва жамият пойдеворини куриш, тоталитар мафкурадан кутилиб, маънавий янгиланишлар орқали ўзликка қайтиш, миллий - маънавий тикланиш даври бўлди десам хато бўлмас. Энг катта ютуғимиз - дину иймонни қалбда сақлаган холда дунёвий давлатчилик асосларининг мустаҳкамланиши, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини танлаб бориши, тоталитар тузумнинг халокатли йўл эканлигини англаб боришдир. Бизнинг йўлимиз - миллий истиклолни мустаҳкамлаш, дунё тажрибасини ўзлаштириб, юксак тасаввуф этикаси билан қуролланган инсонлар, эркин фуқаролар жамиятини куриш. Бунинг учун эса, биринчи навбатда таълим-тарбияга эътиборни кучайтириш, миллий ғояни онгу шуурага сингдириб, чин ватанпарвар, етук салоҳиятли ва ақлий иқтидорга эга одамларни вояга етказиш зарур бўлади.

Қувончлиси шундаки, Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, ўз тақдирини халқи, ватани тақдири билан бир деб билиб, фаолият кўрсатаётган янги авлод шакилланмоқда. Улар ҳам аждодлар маънавий меросини ва умумбашарий қадриятлар, ақлий кашфиятларини баробар ўзлаштирамоқдалар. Юрагида миллий ифтихор туйғуси, ватан муҳаббати жўш урган билимдон, доно, тадбиркор инсонлар қар бир мамлакатнинг салоҳияти, келажагини белгилайдиган буюк кучдир. Жамиятда элни сафарбар этувчи етук инсонлар қанча кўп бўлса, тараққиёт имкониятлари ҳам шунчалик кўп бўлади ва айни вақтда юрт осойишталиги, сиёсий, иқтисодий барқарорлик кафолати юзага келади.

Шунинг учун ҳам бизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, у изчил амалга оширилмоқда. Яъни мамънавиятли билимдон инсонларни тарбиялаш, давлатимизнинг устувор йуналиши ҳисобланади.

Президентимиз узининг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли асарида буни қуйидагича баён этган: "Биз комил инсон тарбиясининг давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда, биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз".

Билим-қурол, яшаш қуроли, дунёни англаш, ўзини англаш қуроли. Билимсиз одам қар қандай ёлғонларга ҳам, майда-чуйда гапларга ҳам эргашиб, ишониб кетаверади. Билим, маърифат одамни уйлайдиган, мушоҳада юритиб, яхши нима, ёмон нима ажрата биладиган, ўз фикрини, қарашлари билан мустаҳкам турадиган, керак бўлса, иймон эътиқодда ҳам қатъий турадиган қилади. Билим иродани ўстиради, кишини жасур қилади. Нимага деганда билимсиз одам бирор бир масала бўйича баҳс-мунозарага киришишидан қўрқади, ўзини четга олади ва бошқаларга тақлид қилиб кетаверади.

Демак, етук, баркомол инсон ўз тарихини, ўз халқи, ўтмиши ҳақида ҳақиқатларни, билиб олган, иймони бутун, хулқ-атвори наъмунали шахсдир.

Шахс эса жамиятда иборат бўладиган ишларни амалга оширган, онг-шуури, тўғри сўзи, жонкуярлиги билан ажралиб турган обрў-эътиборли одамдир.

Ислонда тасаввуф деган муҳим бир шаръий илм ҳам бор экан, бу илмга амал қилмай туриб, шарний завқни топиб яшаш, Ислоннинг моҳиятини, руҳиятини, назокатини, асрорини фаҳмлаш ҳар даврнинг, жумладан, бугунги кунимизнинг инсонини учун ҳам имконсиздир. Чунки тасаввуф Қуръон ахлоқи, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳаёт тарзи, шариатнинг нозик одобидир. Тасаввуф худбинлик эмас, инсониятга ғамхўрлик, раҳмдиллик, муҳаббат ва хизматдир. Сўзамоллик эмас, самимият, ихлос ва ҳикматдир. Кўнгил поклиги, маърифат юксаклиги ва амали солиҳ ишлаб чиқариш корхонасидир. Разил эмас, гўзал ҳолдир, тошга гул, заҳарга асал, кўзларга нур, кўнгилларга сурурдир.

Тасаввуф даллини валий қилар, ярамасни юввош қилар, тошбағирни меҳригиё қилар, раҳмсизни меҳрибон қилар, ғофилни зулматдан нурга чиқарар, дарёда чўкаётганни саломатлик соҳилига элтар, жоҳилни тарбиялар, чўлу биёбонларни ирфон сойлари ила жўштирар, яшартирар, инсонни халққа марғуб ва мақбул қилар, Ҳаққа ҳам маҳбуб қилар, оқибат тупроқдан пайдо бўлган инсонни малак даражасига кўтарар, Раҳмоннинг ҳузурига лаёқатли қилар...

Тасаввуф соясида банда ғафлатдан халос бўлур, мўъминларнинг басират кўзи очилгай, дунё севгиси туфайли хароб бўлган қалблар Оллоҳ севгиси билан тирилгай. Маънавий зулматлар тарқалиб, инсон ботини ва зоҳири нурга тўлгай. Мўъминга зиндон ҳукмидага бу кўҳна дунё ҳаққий гулистонга айланади. Тасаввуф динимизнинг ўзаги, негизи ва ҳақиқий маъноси,

Хуллас, тасаввуф барча даврлардаги каби ХХ асрнинг ҳам асабий, айқаш-уйқаш, шубҳага тўла, дардли, бемор ва бадбахт инсонини кеча-кундуз қидираётган, ўткинчи жойлардан топилади деб ўйлаган ҳақиқий саодатнинг илоҳий йўли ва калитидир.

Демак, сен қам ҳаётини мавзу касб этган бу хусусга жиддий эътибор бер, бу нури илоҳий йўлга қадам ташла ва икки жаҳон саодатини топ!

Тасаввуф нафс тарбияси илми бўлиб, Аллоҳни билиш ва таниш (маърифатуллоҳ), унинг розилигига мувофиқ холисона бандалик қилиш илмидир. Зеро, илмларнинг энг шарафлиси ва Ислоннинг ўзаги, моҳияти ва ҳақиқати тасаввуф бўлиб, бугунга қадар етиб келган ва кенг тарқалгандир. Бугун дунёнинг тўрт тарафида тасаввуф аҳли: сўфийлар, дарвешлар, турли тариқатлар ва машраблар яшаб, фаолият кўрсатаётганлиги бизга маълум. Чунончи, Оврупо ва Амриқода тасаввуфга нисбатан кучли қизиқиш уйғонган, мусулмон ғарбликлар тариқатга кираётган, ҳатто, исмларига сўфий калимасини кўшиб фахрланаётган бир пайтда яшайпмиз. Ажабо, шу қадар турли кўринишдаги тасаввуфнинг қай бири ҳақиқий ва энг тўғри? Унинг асоси нимадан иборат?

Тинимсиз сўралаётган, ҳар бир кишида қизиқиш ва эҳтиёж уйғотган бу саволни изоҳлаш учун аввало бош манбага мурожаат этайлик: тўғри жавобни Ислоннинг асли унутилган, диний ва маънавий мавзуларда жаҳонга жаҳолат уруғини экаётган фирибгар ва сохтакорлар, турли миш-мишлар, шубҳалар

тўлиб-тошган XX асрдан эмас, балки исломий илмлар юксак ривожланган, таҳқиқ ҳукмрон бўлган ва ботил батамом йўқолиб, қақиқат куёши порлаган илк даврлардан топишга уринайлик. Шунингдек, бу мавзуда ҳақиқий мутасаввифлар, маънавий йўлбошчи бўлган буюк шахслар, авлиёуллоҳлар, улуғ муршиди комиллар, эл-улуснинг эътиборига сазовор бўлган ҳақиқий дин олимларининг фикр-қарашларини далил сифатида олайлик.

Адабиётлар:

1. Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965.
2. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Т.:1970.
3. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Т.: 1999.
4. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.
5. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV вв. - Лен.: ЛГУ, 1966.

Тасаввуф этикасининг асосий тушунчалари ва амалий усуллари

Тасаввуф китобларида одоб мавзусига жуда кенг ўрин берилган:

-“адаб маъаллоҳ” - Оллоҳ олдидаги бандалик адаби,

-“адаб маъар расул”-Расулуллоҳ олдидаги умматлик одоби,

-“адаб маъаш шайх”- шайх ҳузуридаги муридлик одоби,

-“адаб-маъал ихван”- тариқат биродарларига нисбатан дўстлик одоби каби гўзал, зариф ва назих фазилатларни билиш, ўрганиш ва уларга амал қилиш керак. Чунки шулар туфайли ҳаётингиз ранг-баранг, руҳингиз хотиржам, қалбингиз нурли бўлади.

Исмоил Бурсавий “Аҳднома” асарида шайхликнинг 235 хусусиятини зикр этади. Умумий маънода шайх бўлиш учун қуйидаги хусусиятларга эга бўлмоқ керак:

1.Илм, ирфон ва маънавий завқ эгаси бўлиш.

2.Ислонни, яъни шаръий илмларни чуқур билиш.

3.Муайян бир тариқатнинг усулига биноан сайру сулукини адо этган ва иршод билан вазифалантирилган бўлиш.

4.Ёмон хулқлардан тозаланган, яхши хулқларга эга бўлган, меҳрибон ва олийҳиммат бўлиш.

5.Мурид етиштиришга, яъни инсонларни тарбиялашга қобилиятли бўлиши.

6.Диний вазифаларни адо этишга катта эътибор бериб, уни жиддият билан бажариш. Халифа ҳам шайх даражасида бўлгани учун юқоридаги сифатлар унга ҳам тааллуқлидир.

Мурид, дарвеш, солик. Бирор тариқат шайхига байъат қилган ва сайру сулукини давом эттираётган кишига мурид, дарвеш ва солик дейилади. Тариқатларга кўра, бундай кишиларга бошқача исмлар ҳам берилади: толиб, фақир, ихвон, асхоб сингари. Тариқат аҳли мавжуд мавқесига қараб турли исмларга бўлинадилар:

-Толиб-тариқатга кирмоқчи бўлган, аммо хануз тариқатга қабул қилинмаган.

-Мурид - истаги қабул этилиб, тариқатга олинган.

-Солик - сайру сулукини давом эттираётганлар.

-Восил - сайру сулукини тамомлаб, Оллоҳга восил бўлганлар. Сайру сулук жиҳатидан ҳам қуйидагича тасниф қилинган:

Мубталий - сайру сулукини янги бошлаган.

Мутавассит - йўлнинг ярмисига келган.

Мунтахий - сайру сулуки адо бўлиб, вуслатга эришган.

Шайхда мавжуд бўлганидек, муридларда ҳам бўлиши талаб қилинадиган баъзи хусусиятлар ва амал қилиш керак бўлган хусуслар бор. Булар тариқатдаги "одоб" китобларида кенг ёритилган. Мурид шайхига, қолаверса, бошқа муридларга нисбатан вазифалари шундай:

1.Садоқат ва самимият билан бу ишни бошлаш.

2.Ҳақиқий ихлос билан тавба қилмоқ, аразлашган, жанжаллашган мусулмонларнинг орасини тузатиш.

3. Қалбидан дунё севгисини улоқтирмақ, кўнгилни Оллоҳга йўналтирмақ.
4. Бирон киши хафа қилса ҳам, мақтаса ҳам аҳамият бермаслик.
5. Дунёвий мансаб қўлга киритиш ниятига эга бўлмаслик, фақатгина Оллоҳ розилигини кўзламақ.

6. Қалбан бўлса ҳам шайхига эътироз қилмаслик.
7. Шайхидан бошқа кишига асло сирини очмаслик.
8. Зикр, ҳилват ва само вақтида қалбга келадиган васвасалардан сақланмоқ.
9. Дарвишларга баданан хизмат қилмоқ.
10. Бевақт сафарга чиқмаслик.
11. Ҳар мавзуда ўзини ноҳақ, бошқа муридларни ҳақ деб билиш.
12. Ғазабланмаслик, жанжаллашмаслик, қаҳқаҳа отиб кулмаслик.
13. Жабру жафо ва қийинчиликларга сабр қилиш, ўз манфаати учун тортишмаслик.

14. Шайхи буюрган зикр билан шуғулланиб, қалбий зикрга аҳамият бермоқ.
15. Шайхда гуноҳ содир бўлса, аралашмаслик, ўз ишида давом этиб, вазифаларига аҳамият бермоқ.

16. Эриша олмагани ҳол ва мақомлардан баҳс этмаслик.
17. Раислик ва машҳур бўлишга интилмаслик, талаба бўлишни орзу қилиш.
18. Маънавий мукошафа ва тажаллиларда ҳиссасига тушгани билан кифояланиш.

19. Диний билим ва ахлоқини янада ривожлантиришга интилиш, бу хусусда нафсига қарши курашиш.

20. Диний буйруқ ва таъқиқларга амал қилишда диққат-эътиборли бўлиш.

Бирор кишининг шайхга боғланишига "интисоб", "иноба", "байъат" ёки "қўл бериш" дейшади. Ҳар бир тариқатга кирмоқчи бўлган мурид, шайхнинг ҳузурида авваломбор тавба қилади, бундан кейин гуноҳ қилмасликка ва бунинг учун риёзат ва мужоҳада қилишга сўз беради. Бу жараён муайян асосга биноан амалга оширилади.

Маънавий тарбия йўлининг толибларига аввало ихлос зарур. Ихлосдан севги, эҳтиром, сабот, итоат, ишқ, шавқ, ғайрат туғилади. Бу хислатларсиз маънан юксалиб бўлмайди. Шу боис ихлосингизни орттиринг, унга алоҳида эътибор бериб, назорат қилинг. Тоат-ибодатга берилинг ва ихлосингизга путур етишидан, ниятингиз бузилишидан сақланинг, нафс ва шайтоннинг ҳийлаларига алданманг!

Ихлос ва ниятнинг ўзгариши ва бузилиши - нафсу шайтондан, яъни ҳаром ейишдан, бирор гуноҳ иш содир этишдан келиб чиқади. Масалан, бир киши ғийбат, тухмат ё бошқа бир гуноҳ қилиб қўйса, қалби қораяди, аҳволи ўзгаради: севгиси, файзи йўқолади.

Ҳар фаннинг мутахассиси, ҳар илмнинг билимдони, ҳар йўлнинг қуловузи бор. Тасаввуф йўлида бундай кишига муршиди комил дейилади. Инсон соғлиғи, ҳаёти хавф остида қолса, дарҳол яхши бир доктор кидиришга тушади, ҳатто Оврупо ва Амриқога ахтариб боради. Худди шунингдек, маънавият йўлининг ҳам билимдони, тажрибали, фозил, комил, етук бир йўлбошчисини излаб топиш керак. Бунинг учун мағрибу машриқни кезмоқ, топгач унга буткул

таслим бўлмоқ шарт. Акс ҳолда мақсад манзилига етишиш мумкин эмас. Ориф муридлардан бири тариқатдаги муридларни уч гуруҳга ажратади:

1. Муриди мутлақ - шайхнинг тарбиясига батамом қаттиқ боғланган, соф ниятли, пок кўнгилли, ғайратли, ҳақиқий мурид бўлиб, ихлоси ва қобилиятига кўра тарбия топиб, мақсадга етади.

2. Муриди мажозий - ҳақиқатда ўз ақли ва нафсоний хоҳишлари кетидан эргашган, зоҳиран шайхга кўл бергандек кўринган киши бўлиб, тилда мурид бўлгани учун "қол дарвеш" ёки ейиш-ичишдан манфаатдорлиги учун "ёл дарвеш" дейилади; у йиллаб такада ўтиради-ю, маънан тараққий этмайди, балки зарари ортаверади.

3. Муриди муртад - сўзида турмайдиган дарвеш; аввал шайхига боғланади, лекин, кейинчалик устозидан нафсига оғир келган муомала кўргач, ёки нафсига ёқмаган вазифа, ёки ҳикматини англамаган буйруқ берилганда саботсизлик, вафосизлик қилиб, ҳатто шайхига қарши бўлмағур гаплар айтиб, густоқлик қилиб, ваъдасидан қайтади. Бундай дарвешга барча маънавият эшиклари ёпилади, қаерга борса қам даргоҳи илоҳийга йўл тополмайди.

Ҳазрати Али каррам Оллоҳу ваҳҳақу Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан шундай бир Хадиси шарифни ривоят қилганлар:

1. Жоҳилнинг жаҳлини кеткизадиган (рад этадиган, пасайтирадиган) ҳалимлик.

2. Одамлар билан хушхулқ, хуш ахлоқ, муносабатда бўлишлик.

3. Оллоҳнинг маъсиятларидан, гуноҳларидан сақлаб турувчи, йироқ тутувчи пархезкорлик, эҳтиёткорлик

Биз шу уч нарсани исташимиз, излашимиз керак. Чунки, биз Расулуллоҳ(с.а.в.)га уммат, Оллоҳнинг яхши бандаларидан бўлишни истаимиз. “Биз сиз томондамыз, ё Расулуллоҳ! Биз Оллоҳ томонида, Оллоҳнинг дини томонда бўлишни истаимиз” деймиш... Булардан бошқа нарсаларнинг эса бизга фойдасизлигини биламиш... Кераги ҳам йўқ.!

Хуш, бу уч нарса нима

1. Ҳалимлик-салимлик... Қандай ҳалим-салимлик, яъни шундай ҳалим-салимликки, унинг воситасида жоҳилнинг жаҳлини, тажовузини қаршилаймиш. Уни юмшоқ, босиқ муомала қилиб, жаҳлидан туширамыш. Демак, биродарлар, асабий бўлмаслигимиз керак. Бир киши жаҳлимизни чиқарса, ёки асабимизга тегадиган бир иш қилса, дарҳол тепа сочимиз тикка бўлмаслиги, портламаслигимиз лозим... Юмшоқ бўлишимиз, ҳалим, салим бўлишимиз, очиқ чехрали бўлишимиз керак

Ҳалим-салим инсон ҳар қандай жоҳиллик, ҳурматсизлик, ҳақсизликка нисбатан оғир, вазмин, босиқлик билан муомала қилади, юмшоқлик билан жавоб беради. Ана шунда жоҳил ҳам жаҳлидан тушади, ёнғин кўтарилмай сўндирилади... Жамоатнинг саломатлиги, барқарорлиги, бахт-саодати учун ҳам ҳар биримизнинг ҳалим-салим бўлишимиз шарт! Ҳатто, масжидда намоз ўқийдиган, бир маслакки, бир тариқатдан бўлган кишилар ҳам бир-бирининг гапини кўтаролмайди, бир-бирига кўпол муомала қилишади. Кузатиб афсусланади. Чунки уларнинг ҳақиқий исломий тарбияни, тасаввуф одобини

эгалламаганликларини сезасан. Шунинг учун ҳам биз тасаввуф тарбиясига аҳамият берайлик уни ўзимизга сингдирайлик ҳаётимизда керак бўлади. Тарбия бўлмагандан кейин бекордан бекорга қизишамиз, арзимас нарсалардан ихтилоф чиқарамиз.

Ҳалим, юмшоклик, очик чехралик, оғир-босиқликнинг ҳам чегараси бор. Ҳалим, сабрли одам жоҳил, одобсиз, ҳурматсизга уни юмшатадиган шаклда муомала қилади, унда ҳам бўлмаса, демак, вазиятга қарайди. Нима бўлганда ҳам босиқлик яхшилик билан масалани ҳал қилиш муҳим. Лекин масаланинг бошқа жиҳатини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) олийҳиммат, раҳмдил, марҳаматли, кечирувчи эдилар. Аммо Оллоҳнинг амрларидан бири бажарилмаса, гуноҳ ишлардан бири юзага келса, арслондек ғазабга тўлиб кетардилар, сиқилардилар. Минбарга чиқиб хутба ўқиганларида, душманга хужум қилганармизнинг бош кўмондонидек улуғвор ҳайбатли бўлиб кетардилар. Оллоҳнинг бирор амри ўрнига қуйилмаганда ҳам, ҳақиқатни қарор топтиришда ҳам, шундай ҳайбатли, азамат, мардонавор ҳаракат қилардилар. Демак, ҳалимлик салимлик ўзаро муносабатларда, кундалик ҳаётда, савдо-сотикда, оилада, ҳушнидчиликда жуда лозим экан. Бироқ, Оллоҳнинг амрини бажаришда ҳеч чайналмаслик, оҳсамаслик, суст ҳаракат қилмаслик керак!

Оллоҳнинг амрида, ман этган нарсаларида, фарзда, ҳаром ишларда англашилмовчилик тушунмовчилик ёки ўзгартириш деган нарса бўлмайди. Оллоҳнинг буйруғини бажаришда эса танбаллик сусткашлик бўшашиш, эътиборсизлик хунук оқибатларга олиб келганидек ҳаром ишлар билан шуғулланувчиларни ёқтириш, бундай ишларни арзимас нарсадек ҳисоблаш кишини оқибат диндан чиқаради.

Бомдод вақтида бомдод, пешин вақтида пешин намози ўқилади. Булар маълум вақтда қилиниши керак бўлган ибодатлардир.

Демак, Пайғамбаримиз (с. а. в.) бизда мавжуд бўлишини истаган уч нарсанинг бири ҳалим-салимлик экан. Албатта, қизишмасдан ўз ҳуқуқингни ҳам ҳимоя қиласан, эсингдан чиқармайсан. Фарзларни бажарасан, ҳаромлардан сақланасанда, Оллоҳнинг динида сусткашлик, иккиланиш, тараддудланиш ё биров чекинишга йўл қўймайсан.

Бир киши келиб Пайғамбаримиз (с.а.в.)га айтдики,

-Ё Расулуллоҳ, менга насиҳат қилинг.

Буюрдиларки:

-Ғазабланма!

-Ё Расулуллоҳ, яна насиҳат қилинг.

-Ғазабланма!

-Ё Расулуллоҳ, яна насиҳат қилинг.

-Ғазабланма!

Уч марта ҳам “Ғазабланма!” дедилар.

Демак, ғазабланиш мўъминга хос нарса эмас, асабийлашмасликка, босиқ муомала қилишга буюрилганмиз, амал қилмасак муқаррар зарар кўрамиз. Ҳаётини воқеалар ҳам шуни кўрсатмоқда.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрган ва ҳар бир мўъмин мусулмонда мужассам бўлиши керак бўлган 2 нарса гўзал хулқдир.

Гўзал хулқнинг турлари кўп, бир, икки дондан иборат эмас.

Тасаввуф инсонни хушхулқ, қўшалоқли қилиб тарбиялайди ва муаммони илдизидан ҳал этади. Нафсни ислоҳ қилиб, қалбни нурлантириб, инсонни гўзал ахлоққа етказди. Юнус Эмро, Мавлоно Жалолоддин Румий, Аҳмад Яссавий каби авлиёлар шу йўл воситасида етишганлар. Биз севган ва ҳурмат билан номларини тилга оладиган барча муборак зотлар шу йўл билан камолга эришганлар.

Олимлар китобларида гўзал ахлоқ турларини 500-600 га қадар санаганлар, асосий ҳамда иккинчи даражага бўлганлар. Хўш, гўзал ахлоқ нима? Жўмардлик, марҳаматлилиқ, адолат кабилар гўзал ахлоқ турларидандир. Маълумки, Муҳаммад Зоҳид Қутку ал-Бурсавий устозимизнинг 5 жилдлик “Тасаввуфий ахлоқ” китобида, Имом Ғазолий ҳазратларининг “Ихёу улум уд дин”, “Тариқати Муҳаммадия” каби китобларда гўзал ахлоқ турлари тасниф ва тавсиф қилинган.

Мўътабар Ҳадис манбаларидан ҳам ахлоқ илмини ўрганишга ва амал қилишга ҳаракат қилиш керак. Яна пайғамбар алайҳиссаломлар ҳаётларида ҳам ибратли жиҳатлар бор. Уларнинг ҳаётларини ўқиш ва ўқиш лозим... Зеро ҳар бир пайғамбар масъул ва Оллоҳнинг танлаган бандаларидир (РизвонОллоҳи алайҳим ажмаъин).

Масалан, Одам алайҳиссалом, Айюб алайҳиссалом, Нуҳ алайҳиссалом, Шуайб алайҳиссалом ҳаётларини билмасак Исломни чуқур билмаймиз ва улар этикасида беҳабар қоламиз. Бу жиҳатга бефарқ караш жуда хунук, жуда ёмон одатдир. Дарҳол ўрганишга бел боғлаш лозим. Сўнгра саҳобаи киром, тобеъинлар, машоихи изом, авлиёи барҳақлар ҳаётини ўрганинг. Бу ҳақида кўп қизиқарли китоблар битилган. Кутубхоналардан изланг, топинг, ўқинг, маънавий лаззат оласиз.

Гоҳида сен назарга илмаган киши авлиё, хушхулқ, хушахлоқ бўлади. У билан яқин алоқада бўлсанг, диққат қилсанг аҳволидан воқиф бўласан... Ундан ибрат оласан.

Ҳаёт кўп мураккаб, одамлар ҳам мураккаб.

Ҳожи Байрам Вали обрў эътиборига қарамасдан меҳнат қилиб, буғдой экиб, уни етиштириб, шундан кун кўрар, ҳеч кимга юк бўлмас экан. Қуёш нури тафтида юзи қорайиб кетар, қўлидаа ўроғи, “мен шайхман, валиман” демасдан меҳнат қиларкан.

Ҳожи Байрам Вали бошида олим, мударрис бир киши бўлган. Кейинчалик тариқатга кириб, камолатга етишган, этикаси гўзал бир шайх даражасига чиққан.

Пиру мурид бўлган Оқ Шамсиддин ҳазратлари билан Ҳожи Байрам Вали ораларида қизиқ воқеалар бўлиб ўтган. Оқ Шамсиддин ҳазратлари иззатли, олим бир киши бўлиб, Ҳожи Байрам Вали ҳузурига мурид бўлиш учун уни ахтариб келади. Келса, яланглик, ўтлоқ бир ерда Ҳожи Байрам Вали муридлари билан ўтирибди. Ўртада дастурхон ёзилган. Нарирокда қозонда овқатлар

пишаётибди. Ҳаммага овқат тортилаётган, ҳамма овқат ейишга киришган бир пайтда Оқ Шамсиддин келиб, одоб билан Ҳожи Байрам Валига салом беради. Лекин у алик ҳам олмайди. Ҳатто, дастурхонга таклиф ҳам қилмайди. Оқ Шамсиддинниг юзига ҳайрилиб ҳам қарамабди. Оқ Шамсиддинга бошқалар ҳам илтифот қилмаган, иззатини жойига куймаганлар. Бундай ҳолда биз бўлсак эҳтимол ҳар хил гап сўзни айтиб: “Эй борэ!” деб кетиб ҳолар эдик. У бундай қилмади. Фаросат ила, босиқлик ила вазиятга тўғри баҳо берди. Имтиҳон эканлигини англади.

...Хуллас, унга ҳеч ким илтифот қилмаганидан кейин, у ўша ердаги итнинг ёнига бориб ўтирди. Унга ҳеч ким бирор лукма таом бермагандан кейин ит ялоғига қўл ўзатди... Аммо бу воқеани авлиёлик кўзи билан кузатиб турган Ҳожи Байрам Вали ҳазратлари иш охиригга нуқтага етгандан кейин уни тўхтатиб, ҳузурига чақирадилар. Унга кўп илтифотлар фанатадилар. Яъни, Оқ Шамсиддинни пир имтиҳон қилди, у эса имтиҳондан муваффақиятли ўтди. Қандай имтиҳондан тавозеъ, садоқат, сабр имтиҳонидан. Иззат обрўли киши бўлса ҳам ҳалим-салимлик имтиҳонидан ўтди.

Айтиб ўтганимиздек ўзини ҳақ кўрсатиб, турли важ билан кетиб қолиши мумкин эди. Бироқ у бундай қилмади. Натижасини кўрди. Бу дунё имтиҳон ва Оллоҳу Таоло бандаларини турли йўллар билан имтиҳон қилади.

Оллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломни ҳам имтиҳон қилди. Қандай қилиб

Ўғлингни қурбон қил! деб. У эса ҳеч иккиланмасдан бу шартни қабул қилди.

Ё Раббим, қурбон қилдим! Сен буюрар экансан, молим, жоним, фарзандим сенинг йўлингга фидо бўлсин! деди. Оллоҳдан инсонга бир амр бўлса, бажармасми кўлига пичоқни олди, ишга киришди. Лекин иш охиригга нуқтасига етганда Оллоҳ унга бир кўчқорни юборди.

Эй Иброҳим, имтиҳондан ўтдинг. Ушбу кўчқорни қурбонлик қил! деган амр бўлди. Демакки, Оллоҳ Таоло инсонни имтиҳон қилади, бандасини синайди. Охиригга нуқтагача, энг оғир холгача олиб келади...

Авлиёлар ҳам муриддини имтиҳон қиладилар. Ҳожи Байрам Вали каби муриднинг илмини, мол дунёсини, иззат-обрўйини ҳисобга олмайдилар, этикасини, тавозелигини, сидқу вафосини синаб кўрадилар... Хатто маънавий вазифаларни ҳам унга юклайдилар...

Хушхулқ гўзал: ахлоқ билан ҳаёт кечиринг. Зеро гўзал ахлоқ инсонлар орасида ҳаётнинг ширин бўлиши, ўзаро муносабатларни туғри йўлга қўйиш учун керак Шунинг учун ҳам Оллоҳ Таоло кўшалок бўлишга чақиради. Кўшалок туфайли фарзандларимиз, аҳли аёлларимиз, таниш-билишларимиз ҳам бахтли бўладилар.

Азиз биродарлар, баъзан нохуш хабарлардан кўнглимиз эзилади. Яқинда бир жоҳил, нобакор фарзанднинг мўъмин мусулмон отасини ургангани эшитиб, юрагим эзилди. Тавба!!! Ўз отасиния! Озми-кўпми художуй бир отания!... Отага ҳам қўл кўтариб бўладими! Демак, ахлоқ бузук,, тарбия йўқ!.. Тарбия бўлмаса шундай ярамасликлар бўлади.

Кимдир аёлини уради... Ўтган йили бир қиздан шикоят хати олдим. Унда: “Ҳазрат, эрим мени кўп уради. Шу даражада урадики, деворлар қон бўлиб қолади...”, деб ёзган эди. Қачон шу воқеани уйласам йиғлагим келиб кетади... “Эй ноинсоф эр, қизни сенга хотинликка беришганми ёки уриб бошини ёр, деворларга бошини ишқа, азоб бер”- деб беришганми. Оллоҳдан кўрқайсанми, сенда шафкат деган нарса йўқми. Сени ҳам бирортаси бошингни девордан деворга олиб урса ёқадими. Жим турасанми... Кучинг шу бир заифага етдими.. Бундай қилиқ эркакка ярашмайди!.. Демак, оилада ҳам, маҳаллада ҳам, жамиятда ҳам хулласки бутун дунёда ҳам гўзал ахлоққа эҳтиёж бор. Инсоният бадахлоқлик билан ҳозиргача бирор натижага эришган жойи йўқ! Бошқа динлар ҳам бадахлоқликни қоралайди. Насронийлик, яҳудийлик ва бошқа динларда ҳам ёвузликка нафрат бор. Бизнинг ҳақ динимиз бадахлоқ кишини на фақат бу дунёда, балки охирада ҳам расво бўлишини далиллар билан кўрсатиб берган... Агар ислом ҳуқуқларига, покликка риоя қилинса, Оллоҳдан кўрқилса, инсон хушёр тартади. Исломга амал қилинмаса, таълим тарбиядан исломий жиҳатлар соқит қилинса, фахш ишлар, фоҳишахоналар, қиморхонаю ичимликхоналар кўпаяди ва бутун мусулмон зурриётига зарар етади...

Ўз дини маданиятидан кечиб, ажнабийларга тақлид қилиш кулгили, аянчли ва манфур ишдир...

Гоҳида душмандан зарар кўрганинг каби, дўстингдан, ўз қавмингданг ҳам зарар кўрасан. Бу зарар сенга кўпроқ таъсир қилади... Қара, бир тақлидчи, порахўр, диёнатсиз, фоҳишабоз билан Юнус Эмро, Жалолиддин Румийлар орасида қанча фарқ бор... Шу фарқ нимада, асоси нима деб бир мулоҳаза қил... Гарчанд Оллоҳ ҳар бир кишининг қилмишига яраша адолатли жазо берсада, биз миллатдошларимизга ақл, фикр, тавфиҳ тилаймиз! Ҳалим, салим, одил, жўмард, вафоли, хуш ахлоқ бўлишларига ташвиқ қиламиз! Бу йўлда барча имкониятларимизни ишга соламыз, Оллоҳ розилиги учун елиб югурамыз.

Учинчиси, мусулмонда Вараъ бўлиши керак. Туркчада “айн” ҳарфи бўлмагани учун бироз кийинроқ талаффуз этилади. Вараъ парҳезкорлик, тақводорлик, порсолик, жуда эҳтиёткорлик деганидир. Мусулмон эҳтиёткор, сақланувчи, диққатли бўлмаса, бўлмайди. Нимадан эҳтиёт бўлиши керак. Гуноҳ ишлардан қайтарадиган, маъсиятдан тўсадиган бир эҳтиёткорлик бўлиши лозим, яъни парҳезкорлик туйғуси... Вараъ парҳезкорлик туйғусини тақво туйғусидан ҳам юқори, ҳатто шубҳали нарсадан қочиш туйғуси ҳам дейдилар... “Эътиқодли мусулмонман, яхши мусулмонман!” десангизу, гуноҳлардан парҳез қилмасангиз, виждонингизга хилоф иш қилган бўласиз, ўзингизга зарар қиласиз.

Муттақий-тақводор киши ҳаромга боқмайди, ҳаромга қўл узатмайди, ҳаромни емайди. Вараъ парҳезкор киши, шубҳали нарсага умуман яқинлашмайди. Чунки мусулмон диққатли бўлмаса, у ер бу ердан, ҳаром ейди, оз-оз гуноҳга қўл уради, борабора Оллоҳнинг жазосига, балосига, ғазабига учрайди. Жарлик ёқасидан юрган киши босган ери сирғалиб, жарликка қулаб кетиши мумкин. Томнинг чеккасида кўп ўралашган томдан ағнаб кетиши ҳеч гапмас. Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадиларки: “ҳаром билан ҳалолнинг орасида

ўралашиб юрган киши охири ҳаромга ўралашиб қолиши мумкин”. Шунинг учун шубҳали нарсага яқинлашма, ҳаромдан қоч! Яхши, покиза ердан юр. Тахликали ердан асло юрма!.. Шу ўринда мазкур ҳадисда кечган ҳалим-салимлик билан боғлиқ ибратли бир мисол келтираман.

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан кейин энг улуғ инсонлар, саҳобаи киромлар бўлишган. Чунки, улар ҳазрати Пайғамбаримизни кўриш, дўст, маслақдош бўлиш шарафига муяссар бўлганлар. Улардан кейин бошқалари...

Тўғри, қирқлар (чилтонлар) ҳам бир даврда бўладиган авлиё зотлар, Оллоҳнинг суюкли бандалари. Уларнинг хақида ҳам бундай тухмат қилиш ярамайди... Ёлғончилик уйдирма доимо халқни чалғитган, ҳатто ўз вақтида тўхтатилмаса, орага низо солиши мумкин. Бундай ёлғонлардан эҳтиёт бўлайлик, энг тўғри, ишончли сўзларни ўқийлик. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) энг тўғри ва ишончли гапларни айтганлар. Бу хусусда Қуръони Каримда кафолат бор:

Гуноҳлардан бизни сақлашга ундайдиган, шубҳали нарсадан йироқ бўлишга ундовчи вараъ пархезкорлик туйғумиз бўлиши керак. Чунки, инсон гуноҳ қилишга киришдими, қалби қорая бошлайди, иймон нури сўна боради, ҳатто гуноҳ пайтида иймонли ҳолатда бўлмайди, яъни иймондан йироқ бўлади. Тубанлашади, жирканчли махлуққа айланади. Худо асрасин, тавбасиз ўлса, дўзахга тушади. Демак, гуноҳ ишлардан, худди спиддан, вабодан, сифлисан, рақдан, арслондан, қоплондан, илону чаёндан, атомдан, нурланишдан (радиациядан) қочгандек қочиш керак!

Жонимиз азиз, ширин! Жонимизга азоб берадиган нарсадан қочамизку! Ахир гуноҳ жонингга бундан минг марта зиёд азоб берадику! Нега гуноҳдан қочмайсан! Ҳаромдан ҳазар қилмайсан!

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир жойда 5 хонадон йиғилган бўлса, жамоат билан намоз ўқишни, бўлмаса шайтон у жойларни истило қилишини таъкидлаганлар. Шайтон эгаллаган ерда хайру барақа, инсофу диёнат қоладими.

Шайтон бизга ҳоким бўлмасдан туриб, диёримизни, хонадонимизни истило қилмасдан туриб, тадоригимизни кўрайлик. Кўзимизни, қалбимизни, тилимизни, кўлимизни, борингки бутун вужудимизни ҳаромдан, шубҳали нарсалардан сақлайлик. Комил, хушхулқ, ғайратли, диёнатли, тақводор бўлишга бутун кучимизни, фаолиятимизни бағишлайлик.

Адабиётлар:

1. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон этикаси. 1-китоб. Т.: 1996.
3. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Т.: 1999.
4. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.

Нафс тарбияси

Нафс-ўзлик, рух, зот. Сўфийлар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга “доя”лик қилувчи майлларни нафсга нисбат берадилар. Уларча, нафс - золим, шум, чиркин, калтабин.

Сўфийлар назарида, нафс инсонни дунёга боғлайдиган бир “занжир”. У одамни ҳақиқатдан йироқлаштиради. Шу боис нафсга ҳоким бўлмоқ керак. Уни янчмоқ учун ранжу меҳнат камлик қилади, жиход лозим. Бу жангда эса Оллоҳнинг лутф ва ёрдамига таянмоқ шартдир.

Сизларга Оллоҳнинг саломи, раҳмати, баракоти бўлсин. Оллоҳ жалла жалолуҳу дунёда ҳам, Охиратда ҳам сизлардан лутфу карамини дариг тутмасин, саодатманд қилсин. Жаннатига, жамолига мушарраф айласин...

Бу дунё, бу ҳаёт, кунларимиз ва умримиз ўткинчидир, абадий эмас, қисқадир, вақтинчадир, сўнги ва охири бордир, ўлим бордир, ҳақиқат ва абадий ҳаёт охиратдадир, ўлимдан кейинги ҳаётдир. Охират абадий ҳаёт, бу дунё эса фоний, ўткинчи. Аслида охиратга ҳозирлик кўриш керак.

Исломнинг, имоннинг бизга тавсия этган ҳақиқати шундай. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳазратлари ҳам шундай фикр билан яшаганлар. Дунёга аҳамият бермаганлар, елиб югурмаганлар, унга ҳирс қўймаганлар. Охиратда саодатли бўлишга, Оллоҳнинг розилигини топишга бизларни даъват этганлар. Ўзлари ҳам охиратнинг шавҳи, соғинчи билан яшаганлар:

Биз ҳам шу буюк ҳақиқатга кўра ҳаётимизни қуриб, изга солиб, тузатиб яшашга мажбурмиз... Имконимиз борича шундай яшашга, ибодатларимизни қилишга, Оллоҳнинг амрларини бажаришга, ҳаромлардан, гуноҳлардан сақланишга ҳаракат қиламиз. Охират саодатига мушарраф бўлишнинг йўли шу деб, шу йўлни танлаганмиз...

Кимдир охират йўлини, Оллоҳнинг амрларини астойдил ихлос ила бажарса, кимдир зўрмазўраки, малол билан адо этади. Баъзан ҳаромларга ҳам ўралашиб қолади, савобли, Оллоҳнинг розилигига еткарувчи, улаштирувчи йўл такво йўли, эҳсон йўли дейилади. Такво ҳуркиш, сақланиш, ўз-ўзини сақлаш дегани... Киши Оллоҳдан кўрқиб, гуноҳлардан, ҳаромлардан, Оллоҳ ёқтирмаган ишлардан ўзини сақлагани учун ҳам “такво йўли” дейилади.

Яъни, нафси истаса ҳам, гуноҳ, ҳаром ишлар қилишдан ўзини сақлайди, тияди. Нафс хоҳламаса ҳам, савобли, хайрли, эзгу ишларни бажаради, савоб топади, дўзахга тушишдан, Оллоҳнинг азобига йўлиқишдан кўрқади.

Демак такводор бўлиш, такво доирасида фаолият кўрсатиш, ўзини асраш ва сақлашга ҳаракат қилиш керак. Бу ўринда ҳам нафс билан жиход қилиш керак бўлади. Нафс гуноҳ қилишни яхши кўради ва хоҳлайди. Уйин-кулги, кайфу-сафо, туй-хашам, маишат, сайру томошо, кўнгил очарлик қилишни хуш кўради. Савобли ишларни эса, ёқтирмайди. Хайрли, савобли ишлар қилиш машаққатли кўринади, қочишга ҳаракат қилади. Хайрли ишлардан қайтаришга тиришади.

Бир бола мисолида уни кузатишимиз мумкин. Онаси, отаси мажбурламаса, намоз ўқимайди. Ҳатто, ота-онасини алдашга ҳаракат қилади. Ёлғондан

“таҳорат олдим, мен намозимни ўқидим...”, дейди. лекин ўқимаган бўлади. Нега.. Чунки оғир туюлади. Ҳолбуки, савобли бир амал... Нафс сабабли савобли ишларни хуш кўрмасдан, гуноҳ ишларни эса жудаям ёқтириши мумкин.

Шундай экан, Оллоҳнинг розилигига эришишнинг йўли нафсга қарши курашишдан иборатдир. Мана шу мухолафат, кураш тақво йўлининг асоси, тасаввуфнинг энг муҳим масаласидир... Инсон нафсини қўлга олгандан кейин, енгандан кейин, нафси истамаган нарсани “савобли, фойдали, хайрли” деб мажбуран бажартиради, нафси ёқтирган нарсани эса “гуноҳ, ҳаром, Оллоҳ севмайдиган иш” деб қилдирмайди, хоҳиш, шиддатини сундиради... Демак, нафс билан курашиш, уни тизгинлаш орқали Оллоҳнинг розилигини топишга эришиш мумкин...

Тасаввуф ахли етти нафс борлигини эътироф этадилар:

1.Нафси аммора: инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завқлантирувчи нафс.

2.Нафси лаввома: бад ишлардан пушаймон қилувчи, тергаш, парҳезликка қодир нафс.

3.Нафси мулҳама: илоҳий йўл-йўриқлар ва жозибага илҳомлантирадиган нафс.

4.Нафси мутмаинна: иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафс.

5. Нафси розийя: Оллоҳдан рози нафс.

6.Нафси марзийя: Оллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла олган нафс.

7.Нафси софия: қусур ва иллатлардан батамом покланган соф нафс. Шунинг учун “тасаввуф”, “тариқат” деб айтаётганимиз нафсни тарбиялаш йўли бўлиб, энг ҳимматли йўлдир. Исломнинг ҳақиқати, асосидир. Албатта, қисқа жумлаларда изоҳлаб, тушунтириб ўтганларимни англамаганлар турли хил кўринишда эътироз билдиришади. Бир томондан кофирлар, бошқа томондан мунофиқлар эътироз билдиришади. Нафсининг асири, нафсига сиғинган, нафсу хавосига, шайтонга эргашган, шайтонга топинган инсонлар нафсини ислоҳ қилишга уринмайдилар, бу йўлга яқинлашмайдилар ҳам... Лекин энг тўғри, энг йўл биз айтиб ўтганимиздек..

Нафс мартабалари (атвори сабъа):

Сайру сулук асносида солиқ нафсида пайдо бўлган ўзгаришлар эътиборга олиниб, нафсни енгиш сафаридаги камолот сари йўналган даражалар ҳам тартибга солинган. Етти мартаба-босқичдан иборат бу даражаларнинг ҳар бир мартабасида солиқ нафсиининг хусусиятлари ҳар тарафлама изоҳланган ва ҳар мартабада қайси исмни зикр қилиш тариқат томонидан белгиланган. Бу мартабаларнинг ҳар бири Қуръони каримдаги бир оятдан фойдаланиб номланган. Бу мартабалар қуйидагилардир¹:

а) нафси аммора. Солиқ бу босқичда тамоман ҳайвоний ва шахвоний орзуларининг асиридир: "Чунки нафс албатта барча ёмонликларга

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиклол, 1999. 83-85 бетлар.

буюргувчидир " (Юсуф-12:53) ояти билан бу мартабага ишора қилинган. Сайру сулукка янги бошлаган солик бу мартабада ҳисобланади. Унда солик нафси амморанинг таъсиридан қутулиш учун шайх билдирган шартларни бажаради: истиғфор, салоту салом ва ҳаказо ибодатлар билан биргадикда "ла илаха иллаллоҳ" зикрини қилади ва унга "ла маъбуда иллаллоҳ" маъносини беради.

б) нафси лаввома. Бу босқичда солик руҳида ёмонликдан яхшилиқларга қайтиш орзуси туғилади ва аввал қилган гуноҳлари учун ўзини-ўзи қоралайди: "Ва мен маломатгўй нафсга қасам ичурманки (ҳеч шак-шубҳасиз қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсизлар) " (Қиёмат-75:2) ояти билан бу нафсга ишора этилган. Бу мартабада солик "Аллоҳ" исми билан зикр қилади. Калимаи тавҳидга эса "ла мақсуда иллаллоҳ" маъносини беради.

в) нафси мулҳима. Солик қилган зикри, риёзати ва мужоҳадаси соясида яна бир босқич босиб ўтади. Қилаётган барча ибодатидан ҳақиқий завқ ва қалбида илоҳий ишқ олови ёна бошлайди. Нафси лаввома мартабасида дунёвий завқлардан воз кечган солик бу мартабада ухравий мукофотлардан ҳам воз кечади ва фақатгина Оллоҳ ссвгиси билан машғул бўлади. Бу босқичда қилган зикрининг таъсирини бутун аъзоларида хис қилганидек, бутун борлиқларнинг Оллоҳни зикру тасбеҳ этишини тушуниб, англай бошлайди. Бу мақомда нафс ва шайтоннинг иғвоси билан йўлдан адашиш хавфи ортиқроқ. Чунки солик эришган баъзи лутфлар ва мақомга алданиб, "мақсадимга эришдим" деб ўйлайди. Нафс ва шайтон шу томондан уни чалғитишга ҳаракат қилади. Шу туфайли бу мақомдаги солик доим намоз ўқиб, рўза тутиб, ибодат қилмоғи лозим ва ўзида пайдо бўлган зоҳирий ва ботиний тажаллилар ҳақида муршидига хабар бериб, унинг тавсияларига риоя қилмоғи даркор. Бу мартабада солик "ху" исми билан зикр қилади. Бундан олдинга мартабадаги "илмал яқин" мақомида экан, нафси мулҳима босқичида "айнал яқин"га эришади. Калимаи тавҳидни "ла маҳбуба иллаллоҳ" маъносида англайди. Бундан ташқари, ҳар ишнинг бажарувчиси сифатида Аллоҳни кўради: "Айтинг, ҳамма нарса Оллоҳдандир" (Нисо - 4:78) оятига том маънода эътиқод қилиб, "тавҳиди афъол" мақомига эришади: "Ўз нафсини-жонини иймон ва тақво билан поклаган киши нажот топди ва у жонини фикр-фужур билан кўмиб хорлаган кимса, номурод бўлди" (Шамс-91:7,10) оятларида ушбу нафсга ишора қилинмоқда. Қисқаси, бу мартабада соликнинг нафсига Ҳақ томонидан баъзи илмлар илҳом орқали берилади. Бу мартабада бўлишнинг аломатлари - фойдали илм, тавозуъ, тавба, сабр, шукр, саховат, қаноат ва тадаммулдир.

г) нафси мутмаинна. Бу мақомда соликнинг қалбида илоҳий ишқ ўрнашиб, у дунё ва мосивони кўнгилдан чиқарган ва ҳар нарсада Оллоҳ феълларининг тажаллиларини мушоҳада этадиган ҳолга келади. Шу важхдан қалби таскин ва халоватга тўлиб тошади. Оллоҳдан бошқа бирон нарсага аҳамият бермагани учун ҳам ниҳоятда саҳоватли бўлади. Бу мақомда барча ашёда Ҳақнинг тажаллиларини мушоҳада эта бошлайди ва баъзи кашфу кароматларга ноил бўлади. Аммо шунга карамай, эришган тажаллиларини шайхга билдириб, унинг кўрсатмаларига биноан ҳаракат қилмоғи лозим. Чунки бу босқичда ҳам нафс ва шайтоннинг йўлдан адаштириш эҳтимоли ва таносух эътиқодига берилиб кетиш

хавфи бор. Бу мартабадага солиқда илмига амал қилиш, таваккул, очлик, риёзат, ибодат ва тафаккур каби хусусиятлар зоҳир бўлади. Бу мартабада солиқ "Ҳақ" исмини зикр қилади. Калимаи тавҳидга "ла мавжуда иллаллоҳ" маъносини беради: "Эй хотиржам-сокин жон (нафс) " (Фажр - 89:27) оятида ушбу нафсга ишора қилинган.

д) нафси розия. Бу мартабада экан солиқда башарий сифатлар йўқолиб, "бақо"га истеъдод қозона бошлайди. Оллоҳдан келган ҳамма нарсага тўла-тўқис рози бўлгани учун бу мартабага "розия" дейилади: "Сен (Оллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Оллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда парвардигоринг (хузури)га қайт" (Фажр-89:28) ояти бу ва ундан кейинги мақомга ишора этмоқда. Бу мартабада солиқ "хайй", "самад" ёки "сабур" исми билан (бу тариқатларга кўра ўзгариши ҳам мумкин) зикр қилади. Калимаи тавҳидга эса "ла мавжуда ва ла мақсуда ва ла маҳбуба иллаллоҳ" маъноларини беради. Бу мартабадаги солиқнинг сифатлари: ихлос, беҳуда сўзларни сўзламаслик, доимий зикр, вараъ ва кароматлардир.

е) нафси марзия. Бу мақомда солиқ Оллоҳдан рози бўлганидек, Оллоҳ ҳам ундан розидир. Юқоридаги оятда айтилган "марзия" (розиликка эришган, мақбул бўлган) калимаси билан бу мақомга ишора этилмоқда. Бу мақомда афъол тажаллисидан асмо ва Ҳаққа оид тажаллилларга ноил бўлади. Бу мақомга "хаққал яқин". "жамъ- ул жамъ" ва "амо" мартабаси ҳам дейилади. Бу босқичда солиқ "қайюм" исмини зикр этади. Солиқ Оллоҳнинг лутфи билан бу мақомда ушбу хусусиятларга эришади: Оллоҳдан бошқа ҳамма нарсани тарк этади, махлуқотга лутф билан муомала қилади. Оллоҳга яқинлашади, Унинг санъатларини тафаккур этади, Унинг қисматига рози бўлади ва маърифатуллоҳи кучаяди. Бу мақомга эришган комил зот, ашённинг ҳақиқати ва сирларидан воқиф бўлади.

ё) нафси комила (ёки софия). Бу мартабада солиқ энг олий мақомга эришиб, комил сифатини қозонади, барча гўзал сифатларни ўзида жам қилади, гуё шаклга кирган фаришта каби бўлади. Унинг руҳонияти жисми устидан тамоман ҳужмрон бўлади. Руҳониятининг ҳукмронлиги туфайли бу ҳолни қўлга киритиш учун аввалги мартабалардаги риёзат ва мужоҳадага бу мартабага эришган солиқ учун зарурат қолмайди. Бу мақомдаги кишининг ҳаттн-ҳаракатлари ҳасанот ва ибодатдан иборат бўлиб қолади. Сўзлари ҳикмат бўлади. Юзидаги нур унга хузур-ҳаловат бағишлайди. Уни кўрганлар беихтиёр Жаноби Ҳақни эслайдилар. Бу мақомга эришиб, "вуслат" сиррига мазхар бўлган киши барча илоҳий сирлардан воқиф бўлади. "Қасратда ваҳдат ваҳдатда қасрат" сиррига ноил бўлади. Барча бу хусусиятлари орқали "муршиди комил" сифати билан инсонларни иршод қилиш ҳуқуқига эришади. Бу мақомдаги солиқ "қаҳҳор" исмини зикр қилади.

Ушбу етти мақомнинг биринчиси, нафси амморалн қабул этмай, нафси лаввома, нафси мулҳима, нафси мутмаиннани қабул этган, розия, марзия ва комила мартабаларини ҳам мақом деб қабул этмай, Оллоҳ таолонинг бандасини ўз лутфи билан Ўзига жалб этиши, тортиши орқали камолотга эришган зотлар ҳам мавжуд.

Инсонда тўрт хил нафс мавжуд:

1. Табиий нафс-жисмдаги заррачаларнинг аралашмаслигини таъминлайди.

2. Наботий нафс - баданнинг ўсиб-улғайиши, ҳам фоліяти ва ҳоқозо биологик функцияларни таъминлайди.

3 Ҳайвоний нафс - инсондаги хис-харакатларнинг манбаи бўлиб, сезиш органлари бу нафснинг хизматини қиладилар.

4. Инсоний нафс ёки “нафси нотиқа” - Парвардигорининг амридан бўлган бу нафс- бадандан айри мужаррак –танҳо, ёлғиз бир гавхар инсон баданининг асли султонидир. Аммо, бадандаги тасарруфини ҳайвоний нафс воситасида ижро этади. Бошқа борлиқларда бўлмай, фақатгина инсонларга хос бўлган нафсдир. Бу “нафси нотақа”нинг ботини эса рухни ташкил этади.

Демак, биз нафсимизни тарбиялайдиган бир йўл топишимиз, уни енгишга ўргатадиган бир таълим-тарбияга суянишимиз керак Савобли амалларни ўрганишимиз ва уларни машаккатли бўлса ҳам, бажаришимиз керак. Гуноҳ нима, ҳаром нима билишимиз, нафсимиз хоҳласа ҳам, улардан ўзимизни тийишимиз, сақлашимиз керак

Бир яхши дарвеш менга мактуб ёзиб: “Устоз, қўлингизни ўпайин. оёғингизни ўпайин!” деб, оёғим тагини ўпмоқчи эканлигини билдирмоқда. Ҳа. ўпиши мумкин, чунки кўнгилдан, самимий ёзган. Аммо, “Фақат менинг бир айбим бор, мен ҳаромга қарашдан ўзимни сақлай олмайман!” -дебди.

Демакки, иши оддий нарса эмас... Йигит яхши йигит, дарвеш, тарикатга кирган, қилаётган ишнинг гуноҳ эканлигини ҳам билади лекин ҳаромга қарашдан ўзини тиёлмайди. Телевизорда ҳаром бор, бозорда ҳаром бор, гуноҳ бор... Газетада, журналда ҳаром бор... Албатта, йигитнинг юқоридаги эътирофи фақат караш туфайли пайдо бўладиган хунук вазиятдир... Шунга ўхшаш кулоқ орқали ҳам, нафснинг бошқа хоҳишлари сабабли ҳам гуноҳкор бўлиш мумкин... Нафси ғалаён қилиб, иштаҳаси очилиб, ҳушни боғидан мева ўғирлагани ҳам, нафсини енголмаганининг оқибатидир.

Ўзига ҳалол бўлмаган, Оллоҳ ҳаром қилган, бошқаларнинг молини олмаслиги лозим!.. Лекин ўзини тиёлмайди... “Жудаям ўрик егим келди”, деб, ўрик ўғирлайди... “Олмалар жуда кип-қизил экан”, деб, олма ўғирлайди... “қовун тарвузлар пишибди, ҳаво ҳам жуда ёкимли, шу жойдан битта олайн!”, деб, олади ва пичоқ солиб ҳаром нарсани ёйди.

Инсон ўйлаб, мулоҳаза қилиб, ақл юритиб, бир ишни бажаради. Банкни урган ҳам, ўғирлик қилган ҳам ақл билан иш қилади. Ҳамма ҳам ақл юритади, лекин, қандай ишга ақл юритганлик муҳим...

Шунинг учун, исломнинг асли, ҳақиқати, асоси, жон томири тасаввуфдир, нафс тарбиясидир. Нафс тарбияланса, инсон таскин топади, ҳузур-ҳаловатга эришади. Нафс тарбияланса, инсон ёмон хулқу одатларини ташлаб, яхши ахлоқ ва фазилатларга эришади. Нафс тарбиялангач, инсон Оллоҳнинг буйруқларини бажаришга шошадиган, савобталаб ва фойдали бир инсонга айланади.

Шундай экан, тасаввуфга бўлаётган эътирозлар Куръондан, Ҳадисдан, фикҳдан насибасиз инсонларнинг эътирозларидир.

Кимдир: “Рух устоз! Ахир эътироз билдираётганларнинг баъзиси илоҳиёт факультетида ўқитувчи ёки Саудия Арабистонида дин олими ёки тарихдан маълумки, фалонча китобларни ёзган фалонча олим, бир неча асарлар ёзган ёзувчи, кишиларку”, деб эътироз билдиради...

Уларнинг эътирозларини ўрганиб, текшириб чиқсангиз, асосан тасаввуфни яхши билмаганликларидан ёки бирор ботил тариқатни кўриб, “Тасаввуф шундай бўлса, демак ёмон, хато”, деб нотўғри таърифлайдилар, уни танқид қиладилар. Ёки: “Мен мутасаввифман”, деб атрофига ҳар хил яхши-ёмон кишиларни тўплаган шахсларни кўриб ҳам “Тасаввуф яхши нарса эмас шекилли”, деган ёмон хаёлларга боради ва тасаввуфга қарши чиқади.

Биз ҳам тасаввуф аҳлимиз, тариқат аҳлиданмиз; ундай тасаввуфга биз ҳам қаршимиз. Мен ҳам қаршиман, сиз ҳам қаршисиз. Қуръонни ўқийсиз, ҳадис ўқийсиз; ичкилик ҳаромми... Ҳаром... Бириси “тариқат ақлиданман”, дейди, ҳам ичкилик ичади. Бунга қарши чиқилмайдими... Қарши чиқилмаса, мусулмонлик қаерда қолади. Албатта, қарши бўлишимиз керак.

Арнавудлик бош муфтий келиб, уйимизга меҳмон бўлди. “Арнавудликларнинг 40 фойизи бектошийлик тариқатига мансуб, улар ичкилик ичармиш”, деди. Мен ҳам эшитганман, биламан. Газеталар шу ҳақда мақолалар беришганди, шундан биламиз. Ичкилик ичишга руҳсат берган тариқат, тариқат эмас, у асло тариқат ҳисобланмайди. Қандай тариқат бўлсин! Улар залолатга кетганлар! Тагин уялмай “бектоший тариқатиданман” дейдилар...

Ботилга эргашилмайди, ботил ўрнақ асос қилиб олинмайди. Ақлнинг, хулқнинг ва шариатнинг қонуни шундай.

Шунинг учун тасаввуфни билмаганлар билмаганликлари учун ҳам унга қарши гапирадилар ёки “аҳли тариқатданман” деган ёмон инсонларни кўриб, тасаввуф ҳақида нотўғри хулосага келадилар ва уни ёмонлайдилар.

Биз ҳам ботил йўлдан юрганларга душманмиз. Биз ҳам ҳақ йўл тарафдоримиз. Чунки асосий нарса Оллоҳнинг розилигини қозониш, Қуръони Карим йўлидан юриш, ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннати санийасига маҳкам амал қилмоқдир. Бизнинг йўлимиз шудир.

Демак, бизнинг йўлимиз, Пайғамбаримиз (с.а.в.) замонида, Қуръони Каримда, Ҳадиси шарифларда, саҳобаи киромлар қўллаган, билишган ном билан атасак эҳсон йўлидир. Оллоҳни кўраётгандек ибодат қилиш йўлидир. Бизнинг йўлимиз тақво йўлидир. Қуръони Каримнинг бир неча ерида тақво калимаси зикр қилинган. Санамадим, лекин, юздан ортиқ ерда тақво сўзи учрайди...

Бизнинг йўлимиз тақво йўлидир. Биз тақво аҳли бўлган мусулмон бўлишимиз керак ҳамма ишимизни Қуръонга мувофиқ ҳолда қиламиз. Бизнинг йўлимиз ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ахлоқларига ахлоқимизни мувофиқлаштириш, у кишининг хулқу одоблари қандай бўлса, ўшандай хулқу одобга эга бўлиш учун ҳаракат қилиш, у кишига ўхшаб яшаш йўлидир.

Оллоҳ Таоло бизни, динимизнинг ҳақиқатларини ўрганган ва ҳаётида билганларига, илмига амал қилувчи тақводор, умрини баракотли, хайрли, савобли ишлар билан ўтказувчи, Раббил Иззат ҳузурига севиқли ва розилигига

етишган қули бўлиб, саодатманд, бахтиёр, ибодатда ихлосли, қалби нурга тўлиқ бандаларидан айласин...

Адабиётлар:

1. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон этикаси. 1-китоб. Т.: 1996.
3. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислон, тасаввуф ва ахлоқ. Т.: 1999.
4. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.
5. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиклол, 1999.

Зикр тарбияси

Зикр - сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, ёд айлаш, хотирдагини унутмаслик маъноларини англатадиган арабча бир калима. Тасаввуфда бу калима ғафлат ва нисён - эсдан чиқаришнинг зидди ўрнида татбиқ этилган.

Зикр тасаввуфдаги ҳар бир тариқатда, ҳар бир тасаввуф ахлининг наздида барча қоида, усул ва одобларнинг бошидир. Тариқат пирлари ва муридларнинг зикр фойдалари ҳақида умумий қарашлари тахминан бундай бўлган: зикр - шайтонга қарши энг ўткир яроғ. Қалбдан ғам, қайғу ва ғуссаларни ҳайдаб, дилга қувонч, фараҳш ва кенглик бағишлар; тафаккур ва маърифатнинг юксалишини таъминлар; ҳар турли ёмонликларнинг илдизини қуритиб, хато ва гуноҳларнинг олдини олар...

Тасаввуф тариқатлари диний-фалсафий, ирфоний таълимоти ва амалиётида Зикр (Оллоҳни эслаш, ёд этиш) асосий ўринни эгаллайди. Яъни, зикр худо васлига етиш, маърифатини ҳосил қилишнинг деярли бирдан-бир воситаси, техникаси, механизми сифатида тушунилади. Зикр Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар кўрсатмалари, тафсирларга асосланади ва тамомила исломий ҳодисадир. "... зикр орифлар таомидур"¹. "Зикр ҳақида Қуръони каримда саксонга яқин оят бор. 500-600 та ўзим тўплаган Ҳадиси шарифлар бор"² -деб ёзади Жўшон.

Биз қуйидаги Қуръони каримда зикр борасида келтирилган ояти карималарни келтириб ўтиш билан чекланамиз. "Намозни адо қилиб бўлганингиздан кейин ҳам турган, ҳам ўтирган ва ёнбошлаган пайтларингизда доим Оллоҳни ёд этингиз!".(4:103);

"Оллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур" (13:28);

Нур сурасида, масжидлар ҳақида марҳамат қилиниб, "...уларда Ўзининг номи зикр қилинишига изн берган..." (24:36-37); "Оллоҳни зикр қилмоқ (барча нарсадан) улуғроқдир" (39:45); "Ва эртаю кеч Парвардигарингизнинг номини зикр қилинг!" (76:25); "Эй мўминлар, Оллоҳни кўп зикр қилинглар!" (33:41); "Дарҳақиқат, Биз сизларга бир китоб-Қуръон нозил қилдикки, унда сизлар учун зикр (яъни шаъну шараф) бордир" (21:10).

Юқорида келтирилган ва бошқа сура ва ояти карималарда келтирилган зикр ҳақидаги Оллоҳ Таоло марҳаматлари илк тасаввуф салафлари Зуннун Мисрий, Хасан Басрий, Тустарий, Жунайд, Бистомий, Халлож ва бошқалар учун руҳий-маънавий изтироблар, фожеъий инқиروزлардан сақланиш ва Оллоҳга яқинлашиш, яъни бу дунё хою-ҳавасларидан қочиб, узлатга кетиш, зару-забар, бойлик ва бу дунё кибридан қочиб худога илтижо қилиш, маънавий инқироздан чиқиб кетиш, халос бўлиш воситаси бўлган бўлса, ва охири-оқибатда Оллоҳ Таолони шарафлаш воситаси бўлган бўлса, тасаввуф тариқатлари даврига келиб,

¹ Хожа Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. - Т.: 1994. – Б. 7.

² Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. - Т.: 2001.

1) Зикр мутасаввифларнинг Оллоҳ Таолони билиш, унинг васлига етишиш, яъни маърифат ҳосил қилишга олиб борувчи махсус ва узлуксиз давом этадиган машқлар тизмига;

2) Тасаввуф тариқатлари, масалан яссавия, кубровия, шу жумладан нақшбандия тариқати жамоасини зовия, такъягоҳ, хонақоҳларда ташкил этувчи, уюштирувчи асосий арконга айланди.

Тасаввуф тариқатларида Зикрнинг қуйидаги 3 шаклини мутахассислар санаб ўтадилар:

-Зикр-ул-авқот (кундалик амалга ошириладиган зикр);

-Зикр-ул-ҳафий (би-л-жалола ёки жалла)-(дилда айтиладиган индивидуал зикр);

-Зикр-ул ҳадара-қўпчилик, жамоа бўлиб, мусиқа, шеър ва хикматлар айтиб, самоъ рақслар жўрлигида баланд овоз билан амалга ошириладиган.

Тариқатлар юзага келиб шакллангач, такяларда жамоа бўлиб зикр қилиш кенг тарқалди ва вақт ўтган сайин ҳар бир тариқатга оид маълум одоб ва арконга эга зикр тарзлари пайдо бўлди. Алоҳида жамоа ҳолида ижро этилган зикрларга ҳарр бир тариқатда алоҳида исмлар қуйилди. Буларнинг машҳурлари қуйидагилар¹:

а) самоъ. Мавлавийларнинг зикрига "самоъ" дейилади. Мусиқа жўрлигида, тик ҳолда ва айланиб ижро этилади. Бу зикр асносида дарвишлар ўз ҳаракатлари билан турли диний-тасаввуфий мавзуларни тимсол этадилар. Самоъ зикрига "муқобала" ҳам дейилади.

б) хатми хожагон. Нақшбандия тариқатида ижро этиладиган зикр. Шайхнинг ишораси билан истиғфор айтиб бошланади. Бу истиғфор шайхнинг хоҳишига кўра беш ё ўн беш марта такрорланиши мумкин. Кейин кўзлар юмилиб, робита билан бирга калбага назар солинади. Ўнгдан етти киши "Фотиха" сурасини ўқийди. Кейин юз марта "Саловоти шариф", етмиш тўққиз марта "Иншироҳ,, сураси, минг бир марта "Ихлос" сураси ўқилади. Шундан кейин чапдан етти киши "Фотиха" ўқийди. Кейин юз мартаба "Саловот" келтирилиб, охири ашри шариф (тиловот) ўқилади ва шайх қилган дуога барча омин деб зикр ниҳоясига етади. Хатм асносида "вуқуфи қалбий"га эътибор берилганидек, силсиланинг ва улуғ машойихнинг ҳам руҳан бу мажлисда ўгирганлигини ўйлаб, одоб сақланад.

в) дарби асмоъ. Ҳилватийлар зикри. Ҳалқа шаклида ўтириб, енгил солланиб бажарилади. Баданнинг бу нозик ҳаракатланиши мосивони тарк этиш учун бир восита сифатида қабул этилади.

г) зикри қиём. Руфойи ва саъдайлари тик ҳолда овоз чиқариб ижро қиладиган зикрга айтилади.

д) даврон. Қодирийлар ўтириб, тик туриб ва айланиб қиладиган зикр.

е) зикри арра. Яссавийлар ўтириб ва тик туриб қиладиган зикр.

Тариқатлар жамоа ҳолида қилган зикрлар ва хусусан "даврон" ва "самоъ" мадраса уламосининг танқидига учради ва бу ҳақда хатто асарлар ҳам ёзилган.

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиқлол, 1999. 76 бет.

Жамоат бўлиб қилинадиган зикрга қатнашадиган ҳар бир мурид зикр бошлашдан олдин, зикр пайтида ва зикр битгач, бир канча қоидаларга амал қилмоғи лозим. Бу қоидалар эса тариқатларга қараб ўзгаради. Фардий-шахсий қилинган зикр амалиётга кўра учга бўлинади¹.

1. Қалб иштирокисиз фақатгина тил билан қилинадиган зикр.

2. Тил қатнашмаган ҳолда фақатгина дил билан қилинадиган зикр.

3. Ҳам тил, ҳам дил билан қилинадиган зикр. Бундай зикрни ҳақиқий маънода бажариш қийин бўлиб, фақатгина улуғ авлиёуллохнинг қўлларидан келади, холос.

Бошқа бир жиҳатдан эса, зикр иккига бўлинади:

1. Жаҳрий - овоз чиқариб қилинадиган зикр.

2. Хафий - овоз чиқармай қилинадиган зикр.

Хафий зикр икки хил куринишда қилинади:

А. Фақат тил билан қилинадиган махфий зикр;

Б. Махфий ва қалбан;

Қалбан қилинадиган зикр ҳам тўрт кўринишда амалга оширилади.

а) лафзи жалолни (Аллоҳ номини) дили билан, нафасини тутган ҳолда, вужудни ҳаракатлантирмай, кўз юмуқ ва тилни томоққа ёпиштириб зикр қилишади;

б) қалбан, аммо нафасни тутмай, калимаи тавҳидни зикр қилмоқ;

в) нафасни тутиб, қалбан калимаи тавҳидни зикр қилмоқ, бунда бош ҳаракатланиши мумкин;

г) вужуд аъзоларини қимирлатмасдан, нафасни тутиб, калимаи тавҳидни зикр қилмоқ.

Қонун-қоидаси ва одоб-усулига риоя қилган ҳолда ижро этилган зикр - тариқат аҳдининт доимо Оллоҳни эслаши, дунёда эгасиз эмаслигини, ҳар бир кадамини Оллоҳ қўйган ўлчовларга кўра босиш кераклигини эслатиб турадиган назорат воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам зикруллоҳ - тасаввуфий таълим-тарбияда жуда муҳим аҳдмият касб этади.

Зикр шакллари, техникаси, тренинг амалиёти тизими Дж.Тримингэм, Ю.Пауль, О.Акимушкин, Н.Комилов, А.Зоҳидов, О.Усмоновлар томонидан ҳозирча мумкин бўлган даражада бир тизим сифатида қаноатлантирилган даражада тавсифлаб берилганлиги учун биз буни бу ерда қайтариб, такрорлаб ўтирмай, тадқиқотчи, ўқувчилар диққатига мазкур умумлаштирувчи тавсифларни ҳавола қилиш билан чекланамиз.

Хожагон-нақшбандия тариқати Баҳоуддингача ҳам, айниқса Абдулҳолик Гиждувонийдан бошлаб, Хизр алайҳиссалом ва Увайс Қараний йўлида Зикри ҳафийга мойил бўлиб келган бўлсада, фақат 1342-1347 йиллардагина Баҳоуддин яссавия тариқати билан орани ойдин қила бошлаган жараёнларда, унинг узил-кесил ва қатъий иродаси билан нақшбандия тариқатининг бирдан-бир зикр усули, риёзат амалиёти, тренингги механизми сифатида Зикри ҳафий

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиклол, 1999. 77 бет.

шакиллана бошлаган. “Зикри ҳафий нақшбандияда ҳатми хожогон” -деб юритилган. Гарчи Дж Тримингэм зикри ҳафийни шартли тарзда дилдаги илтижо, нола сифатида “айтиладиган” индивидуал зикр деб атасада, зикрнинг бу шакли ҳам бир неча кишилар, кичик жамоа гуруҳлари пири-муршид етакчилигида, унинг бошқаруви ва масъулияти остида амалга оширилади. Аниқроғи, зикри ҳафий қатъий индивидуал тарзда ҳам, кичик-кичик солиқлар гуруҳлари қўламида ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган.

Нақшбандия тариқати вакиллари фақат зикри ҳафийга амал қилган, эътироф этган дейиш ҳам том маънода тўғри бўлмайди. Чунки, биз Баҳоуддиннинг “Биз буни қилмаймиз, ва лекин уни манъ ҳам қилмаймиз” деган машҳур эътирофи, Хожа Аҳрор, айниқса Маҳдуми Аъзам, Афоқ Хожалар тариқат амалиётида Зикри жаҳрни очик қўллаганликларини манбалар ва тариқатлар тасдиқлайди.

Аввало, Баҳоуддингача ҳам, айниқса унинг бевосита пири-муршиди Саййид Амир Кулол халқасида қатнашувчи солиқлар ҳам зикри жаҳрийни, ҳам зикри ҳафийни ўз ихтиёрлари ва талабларига кўра бажариб келганлар. Шу анъанадан келиб чиққан ҳолда Баҳоуддин ҳам ҳар икки усулнинг қўлланилишига эътиқодий бағрикенглик ва сабр-тоқат муносабатида бўлган. “Дил зикр билан (булбули) гўё бўлганда ҳам (яъни зикри ҳафийда ўта моҳир, бўлганда ҳам) тил билан зикр айтишдан (яъни зикри жаҳрийдан) ҳам қолмаслик керак”.

Бу даврда у тутган мавқеъини унинг қўйидаги икки ўғити яққол ифода этган:

1) қайсики зикрни қилмасин “шояд ният, кўзлаган мақсад тўғри бўлса!”;

2) зикри жаҳр Баҳоуддин униб-ўсган муҳитда Хожа Азиз Ромитаний, Қусам Шайх, Шайх Ҳалил Ота ва бевосита пири-муршиди Саййид Амир Кулол тариқатлари солиқлари жуда кенг ва фаол қўлланганлиги, гарчи Баҳоуддин унга табиати, руҳиятига кўра мойил бўлмасада “Биз бу ишни қилмаймиз, ва лекин уни манъ ҳам этмаймиз!” дейишга мажбур этган.

Энди Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳар икки зикрни қўллашга бўлган муносабатида келсак, унинг бу борада эътиқодий бағрикенглиги, сабр-тоқат билан, узокни мўлжаллаган стратегик мавқеъда турганлиги маълум. Лекин, Баҳоуддиннинг ўзи ҳам зикри ҳафийчи сифатида зикри жаҳрчиларга нисбатан фаол босим ўтказганлиги, ҳатто бу масалада ўз пири-муршиди Саййид Амир Кулолни ўз тарафига тортишга уринганлиги, ҳамда унинг бу уринишига қарамай Саййид Амир Кулол бўйин бермаганлиги ҳақидаги шохидликларга эгамиз.

Мавлоно Ориф, Хожа Юсуф, Шайх Хусрав ва бошқа бир гуруҳ уламолар билан ўтирганда Баҳоуддин Шайх Хусравга қараб: «Кел, сенинг масалангни қўлларида фатво қалами бўлган уламолардан сўраб, фатво олган эдик, энди эса яна сўрайлик, токи жавобини ўзинг эшит» дедилар. Сўнг Хожа уламоларга савол қилиб дедилар: «Ҳақ субхонаҳу йўлида юрган толиблардан бири бир Шайхнинг суҳбатига етишган бўлса, маънавий руҳ топган ёки топмаган бўлса, сўнг бир дарвешнинг суҳбатига эришса, суҳбатига маънавий руҳ топувчи роқ

бўлса, ботин оламининг унинг суҳбатида очилишини билса, бу дарвешнинг хизматини адо қилишга киришса, ул Шайх эса бу толибга қасам бериб, бу дарвеш билан иккинчи марта ўтирмайсан, деса, шунда бу толибга қандай йўл тутиш лозим бўлади, қани айтинглари, бу ҳолда имомлар,..., нима дейдилар?».

Мана шу шоҳидликлар зикри жаҳрийдан зикри хафийга пири-муршид, шу жумладан Баҳоуддин солиқни қандай ўтказганлиги механизмини, бу руҳоний-маънавий риёзат кураши ҳар бир солиқ, унинг онги ва иродаси учун нақадар қатъийлик, изчиллик ва мурасасизлик, лекин юксак инсонийлик маданияти, қонуний асосда олиб борилганлигини яққол кўрсатади. Бундан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда тасаввуф этикаси ва маърифат учун олиб борилаётган курашда ўрнак, ибрат олса бўладиган намуна сифатида фойдаланса бўлади деб ўйлаймиз.

Баҳоуддин Нақшбанднинг зикри хафийнинг афзаллиги ва уни нима учун ихтиёр қилганлиги ҳақида шундай эътирофлари бизга етиб келган. “Ҳазрати Азизондан икки хил зикр нақл қилинади, ... Бири-жаҳр ва бири-хуфя. Хуфя зикри кучли ва авло бўлганлиги учун биз уни ихтиёр қилдик”¹.

Баҳоуддин зикри хафийнинг ҳақиқий моҳияти ва маъносини Қуръони карим оятлари асосида очиб берган. Буни биз юқорида Баҳоуддиннинг “Рисолаи аврод»идан келтириб, таҳлил этганимизда кўрсатиб берган эдик. Абул-Мухсин Муҳаммад Боқир тузган мақомотдагиларнинг маъноларини келтириб ўтамиз: «Раббингизга зорланиб ва хуфя ҳолда тилак тиланг, чунки У ҳаддан ўтказувчиларни ёқтирмайди», “Зикрнинг ҳақиқати-ғафлат майдонидан чиқиб, мушоҳада фазасига чиқишидир”.

Зикрда тўхтовсиз такрор воситаси бўлган Калимаи шаҳодат борасида Баҳоуддин “Ло Илоҳа (сўзи) табиат илоҳини инкор этиш, “Иллоллоҳ” эса Маъбуднинг ҳақ эканлигини исботлашдир. Зикрдан кўзланган мақсад-зикр айтувчини “калимаи тавҳид” ҳақиқатга етишидир, зикрни кўп айтиш шарт эмас”; “Зикр айтишдан мақсад “Ло илоҳа иллоллоҳ” эмас, балки сабабдан сабабгача бориш ва неъматни сабабчидан деб билиш”.

Мана шу юқорида келтириб, таҳлил этганимиз илоҳий ва қудсий асосларга таяниб, Баҳоуддин ўзи шакллантирган нақшбандия тариқати йўлининг асл моҳияти ва маъносини ҳаммага маълум ва машҳур 11 қоидада очиб берган эди. “Бу йўлнинг ҳақиқати икки сифатда: вужудни инкор қилишда ва борини нисор этишда”; “Камолот ва нисор аҳлининг йўли шундай: бу йўлнинг чақалоғини тариқат бешигига белаидилар ва тарбият кўкрагидан сут эмизадилар, шундай қилиб, висол чегарасига етказадилар, сўнгра бирор усул билан уларни ўзликларидан қайтарадилар, аҳадият (вахдат) саропардасига маҳрам қиладилар.

Шундай қилиб, йўлловчининг воситасисиз Оллоҳдан файз олади ва висолга етувчи абадий умр топиб, бунинг шукрини адо қилмоқчи бўлса ҳам адо қилолмайди”.

¹ Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. –Т.: 1993.

Демак, зикрдан мурод, Баҳоуддин фикрича висолга етиш, файзи илоҳийни бирон бир воситачисиз Оллоҳ таолонинг ўзидан тўғри қабул қилишдир “Бардавом файз яшин каби келади ва бир зумда кетади, уни илғаб олиш учун “Вуқуфи қалбий” керак... Абдуллоҳ Ансорий, ... айтган эди: “Дилни тозаловчи курол бу-зикр, одам учун Ҳақ субҳонаху томон йўл фақат доимий зикр айтиш орқалидир”.

Тадқиқотлардан маълумки, умуман зикр, шу жумладан Зикри ҳафийни эгаллашда таомилда бўлган кўплаб усул, машқ-риёзатлардан бири “Исми Аъзам” (Исми Оллоҳи Аъзим)ни қудсий зикр қилиш, тўхтовсиз такрорлашдан иборат бўлган.

Хилват, чилла, арбаин. Тариқат таълим-тарбиясида муҳим ўрин тутган яна бир унсур хилват бўлиб, луғатда “бир киши билан ёлғиз, якка қолиш”, “танҳо қолиш, ёлғизлик” каби маъноларни англатади. Хилват - тасаввуф истилоҳида “бирон киши ёки дунё моли бўлмаган бир жойда руҳнинг Оллоҳ билан сўзлашуви” демақдир.

Тариқатларда нафсини тарбиялаш ва руҳни тасфия қилиш мақсадида баъзи вақтлар хилватга кириб, маълум муддат Оллоҳ билан яккама-якка, дунёвий машғулот ва ўй-фикрлардан узоқ ҳолатда ибодат ва зикр билан шуғулланиб, вақт ўтказилади. Бунинг маълум муддати йўқ. Аммо умуман қирқ кун ўтириш анъанадир. Шу боис, хилватга “қирқ” (қирқ кун) маъносини берувчи форсча “чэхил”дан келиб чиққан “чилла” ва арабча “арбаин” (қирқ) сўзлари қўлланади.

Бу таъбирларнинг барчаси айни маънони билдиради. Бир киши бир неча бор хилватга кириши мумкин. Баъзан узоқ вақт хилватда қолиб кетган кишилар ҳам бор. Чунончи, хилвага алоҳида эътибор берадиган хилватия тариқати сивосия тармоғининг машҳур шайхларидан Абдулахад Нурий (1650 м.й. вафот этган) пешма-пеш қирқ дафъа хилватга киргани, яъни давомли 1600 кун хилватда қолгани манбаларда айтилган. Хилватда асосан қирқ кун қирлиш Қуръондаги ушбу оятга асосланади: “Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик, сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг (унинг учун белгилаган) вақти комил қирқ кеча бўлди ” (Аъроф - 7:142).

Улуғ авлиёulloҳдан Кумушхонавий хазратлари хилватдан кутилган натижага эришмоқ учун 25 шартга амал қилиш кераклигини айтган.

Хилватга кириш - нафсининг ўлдирилиши ва руҳнинг инкишоф этишида восита вазифасини ўтайди. Асосий жиҳат қалбнинг мосиводан буткул алоқани узиб, хар он Оллоҳ билан бирга бўлишидир. Шунинг учун хар бир солиқ ҳаётининг хар онидан ўзини хилватда билиши, дунёни хилватхона деб билиши керак.

Робита. Арабчада боғланиш, алоқа воситаси, алоқд, муносабат маъноларини билдирувчи “робита”, тасаввуфий истилоҳда, “соликнинг комил шайхга кўнглини боғлаб, унинг хузурида ва ғайбан шайхнинг сифати, сийрати ва айниқса, руҳониятини ҳаёлида ўзи билан бирга эслаб, ёнида эканини ўйлаб, одоб сақдаши- демақдир.

Холид Бағдодийнинг таълимотига кўра, робита - муриднинг комил шайх суратини хаёлан сақлаш орқали унинг руҳониятидан истимдод тилаш демакдир.

Асосан, нақшбандия тарикатида кенг тарқалган робита - тасаввуф психологиясида муҳим ўрин тугади. Робита сабабли Арабистон ва айниқса, мағриб худудида дарвишларга "муробит", тақяларга эса "рибот" дейилади. Робита - айна вақтда мурид жисман муршиди билан бирга бўлмаса ҳам, руҳан унинг ҳузурда эканини ва муршидининг маънавий мавқеининг давомийлигини сақловчи воситадир. Айниқса, мубтадий - янги бошловчи солиқларга робита ўз-ўзини назорат қилиш вазифасини бажарувчи пурфойда асосдир. Мурид шайхига робита қилиш орқали Муҳаммад а.с. билан, унинг воситасида эса Жаноби Ҳақ билан робита қилган - алоқа ўрнатган бўлади. Робита мавзусида мустақил асар ёзган Абдулҳаким Арвосийнинг ёзишича, бевосита Аллоҳдан файз олиб, истифода қилишга қодир бўлмаган солиқ - робитага муҳтож. Даражаси юксалиб, бевосита Оллоҳдан файз олши қудратига эришгач эса робитани тарк этиши вожибдир. Шу жумладан, Имом Раббоний ҳам солиқнинг камолотга эришувида робитанинг зикрдан ҳам фойдалироқ эканига ишора қилади. Робита - муриднинг маънавий мартабаси ва уни бажариш шаклига кўра турли хусусиятлар келиб чиқаради. Муриднинг даражасига кўра робита учга бўлинади:

1. Мубтадий муриднинг шайхига қилган робитаси: мурид ҳар он ва ҳар жойда шайхининг ҳузурда тургандек ҳаракат қилади, ҳаёлан ҳар доим шайхи билан бирга эканини, ҳаракат ва туйғуларидан шайхи хабардор эканини, хатто ухлаётганида ҳам гуё ёнида ётганини ўйлаши, хатти-ҳаракатларини шунга қараб назорат қилиши ва одоб сақлашидир. Буни амалга ошириш жараёнига "фано фиш шайх" дейилади.

2. Мутаваассит мурид Муҳаммад а.с. га робита қилади. Бу хил робита эса сайру сулукда маълум босқичдан ўтган солиқ ҳаётининг ҳар онда Муҳаммад а.с. нинг ҳузурда ва мураккаби остида эканини ўйлаб, унинг ахлоқи билан хулқланишга интилишидир. Буни рўёбга чиқарган солиқ, шайхда фоний бўлиш мартабасини ошириб, "фано фир расул" мартабасига юксалади.

3. Мунтаҳий мурид Оллоҳ билан робита-алоқа ўрнатади. Вуслат мақомига эришган солиқ ҳам шайхда, ҳамда Муҳаммад а.с. да фоний бўлиш мартабаларидан ошириб, "фано филлоҳ" мартабасига эришгай. Бу мартабада солиқ ҳар он ва ҳар жойда Оллоҳ таолонинг ҳузурда эканини идрок этади. Робитанинг эса мукамал ва охириги кўриниши бўлган бу мақомда мурид, бутун борлигини Оллоҳга фидо қилиб, ўзини ва дунёни Оллоҳнинг борлиги олдида ҳеч нарса эмаслигини англаб етади.

Яна бошқа бир таснифда ҳам робита учга бўлинади:

1. Робитаи мавт: мурид ҳар лаҳза ўлимни эслаши керак.

2. Робитаи муршид: мурид шайхни гуё икки коўининг ўртасида тургандек тасаввур қилиб, кўнглига мослаши ва шайхи калбидаги файзларнинг ўз қалбига оқишини ўйлашидир.

3.Робитаи хузур: Оллоҳдан бошқа ҳамма нарсани ақлу хаёлидан улоқтириб ташлаб, тамоман Оллоҳ севгиси билан тўлган қалб билан Ҳақнинг хузурда эканини ўйлашдир.

Шайхга уч хил кўринишда робита қилинади:

1.Мурид шайхининг рўпарасида турганидек тасаввур қилиб, унинг икки қоши орасига то ўзидан (хушидан) кетгунга қадар қарайди.

2.Мурид ўзини шайхи суратида кўради ва ўзидан кетгунга қадар бу ҳолни давом эттиради. Шу тарзда робита қилган солиқ, ўз зотини шайхининг зотида, сифатларини ҳам унинг сифатларида фаний қилган бўлади.

3.Шайхининг хаёлий суратини ўз рўпарасида кўриб, уни қалбининг ўртасига туширади ва кўнглини узун ва кенг даҳлиз ҳисоблаб, шайхини бу даҳлизда юрганини ва ўзи томон келаётганини хаёлан тасаввур қилади.

Робита ғоятда хассос мавзу бўлиб, моҳиятини тўла-тўқис тушунмай ва усулига риоя этилмай қилинган робита, муриднинг яшрин ширкка йўлиқишига сабаб бўлиши мумкин. Чунончи, баъзан робита қиламан деб, худо асрасин, шайхини Оллоҳнинг ўрнига қўйиб, ҳамма нарсани ундан кутиш ўта даражада таҳликалидир. Шу туфайли ҳам тасаввуфга қарши бўлганлар энг кўп эътироз билдирган мавзулардан бири робитадир.

Сайру сулук. Сайр ва сулук сўзлари луғатда кетмоқ, бормоқ, юрмоқ, кирмоқ деган маъноларни билдиради. Тасаввуфий истилоҳда эса тариқатга кирган ҳар бир солиқ танлаган йўлининг бошидан то вуслат мақомига эришувита қадар, яъни тариқатдаги ғоясининг рўёбга чиқишига қадар босиб ўтган қалбий ва маънавий сафари маъносини англатади. Сайру сулук тамоман руҳоний ҳодиса бўлиб, мурид тариқат асослари доирасида қилган ибодати, дуолари, риёзати, мужоҳадаси, хилвати ва тафаккури натижасида руҳининг тадрижий (босқичма-босқич) софлашуви ва илоҳий ҳақиқатларни англашига тўсқинлик қилувчи пардаларнинг кўтарилиб, аслий ўзлигига эришуви демакдир, Буткул руҳий ҳодиса бўлгани учун сайру сулук вақтида солиқ яшаган ҳолларни сўз билан тўла тушунтириш имконсиз. Шу билан бирга, тасаввуф арбоби сайру сулук тўғрисида жуда кенг изоҳлар қилганлар. Сайру сулук сафарида тадрижий равишда руҳий камолотга эришув муҳим аҳамият касб этади.

Сайру сулунинг мартабалари¹:

а) сайр иллОллоҳ (Оллоҳга сайр): нафснинг орзуларидан юз ўгириб, қалбан Оллоҳнинг иродасига таслим бўлишдир. Амалий жиҳатдан - ёмон ишлардан қочиб, эзгу амалларга йўналмоқдир ва оқибатда қалбдаги "вахдат"ни тўсиб турган "касрат" пардаларини кўгаришдир. Бу сайрнинг ниҳоясида қалб мақомининг охири бўлган "уфуқи мубин"га эришилиб, олий илмлар кўлга киритилади, ёмон ахлоқдан асар ҳам қолмай, гўзал хулқлар билан безалиб, "фано филлоҳ" мақомига эришилади. Бу сайр сўнггида солиқда Оллоҳнинг исмлари тажалли этади.

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиклол, 1999. 82 бет.

б) сайри филлах (Оллоҳда сайр): Ҳақнинг сифатлари билан сифатланши, исмларнинг таҳаққуқ эттириш ва ахлоқ билан ахлоқнанмоқ "уфуқа аъло"га эршимокдир. Бу мартабага эришган солиқда башарий сифатлардан асар ҳам қолмайди. Бу мартабанинг сўнггида ладуний илм инкишоф этади. Бу мартабага "бақо биллоҳ" дейилади.

в) сайр маъОллоҳ (Оллоҳ билан сайр): бу мартабада зоҳир-ботин, обид-маъбуд муносабати бартараф бўлиб, солиқ "аҳадият" мартабасини қозонади. Бунга "қоба кавсайни ав адно" мақоми дейилади ва бу мақом валийлик мартабасининг ниҳоясидир. Бу мақомга эришган солиқ назарида ҳар хил зиддиятлар ҳал қилинган "айнул жам" ҳоли пайдо бўлади.

г) сайр аниллоҳ (Оллоҳдан сайр): бу мақомда солиқ ваҳдатдан яна касратга сайр қилади. Яъни, толибларни тарбия ва иршод қилиш мақсадида Ҳақдан халққа қайтади. Бу мақомга "бақо баъдал фано", "саҳв бавдал маҳв" ва "фарқ баъдал жам" каби номлар берилган. Бу мақомга эришган солиқ, ваҳдатни касратда, касратни ваҳдатда кўради. Бу мақом мартабаларнинг энг устунидир. Бу сайрлардан "сайр ил-лаллоҳ" билан "сайр филлах" орқали валийлик мақомига эрмишилади "Сайр маҳаллоҳ" ва "сайр аниллоҳ" орқали эса даъват ва иршодга ҳуқуқ олинади. Бу пайғамбарларга ва комил авлиёларга мансубдир. Шу ҳолда аввал Ҳақда восил бўлиш, яъни қалбан ва фикран факатгина У билан машғул бўлиш лозим. Машаққатли бу сафарнинг ўзига хос шартлари бор. Буларнинг биринчиси муршид яъни комил бир раҳбар топиб, унга қўл бермоқдир. Акс ҳолда йўлдан адашиш мумкин. Бу сафарнинг муваффақиятли рўёбга чиқаришда иккинчи шарт – илохий ишқ бўлиб, бу ишқсиз бирор мақсадга эришиб бўлмайди. Яна бир шарти эса "ихлос" ва "эҳсон" билан бутунлашган бир иймондир. Демак, факат илм билангина бу маънавий сафарни босиб ўтиш имконсиз. Бу иш ҳол билан амалга ошади. Яъни бир киши барча бу мақомларни илман билса, аммо "яқийн" илмидан, "ҳол" ва "завқ"дан бебаҳра бўлса, унга солиқ дейилмайди. У асалнинг тотли эканини ўрганган, лекин ҳеч асал емаган одамга ўхшайди.

Адабиётлар:

- 1.Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. -Т.: 2001.
- 2.Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон этикаси. 1-китоб. -Т.: 1996.
- 3.Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. -Т.: 1999.
- 4.Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. -Т.: 1993.
- 5.Хожа Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. - Т.: 1994.
- 6.Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиклол, 1999.

Яссавия ахлоқи

Тарихда Туркистон тасаввуфнинг кенг тарқалган ҳудудларидан бири бўлган. Шарқшунослар: Бертельс, Петрушевский, Брагинский, Заходер ва бошқаларнинг фикрича, Туркистон ва Эронда тасаввуф ўзининг камолотига эришган. Бу таълимот Туркистон сарҳадига араб дунёсидан Эрон орқали кириб келган. Тадқиқотларда тасаввуф Мовароуннаҳрга XI асрда кириб келганлиги қайд этилади, ҳолбуки бу ерда тасаввуф, ҳатто Хужвирий, Қушайрийлар манбавий шохидликларига кўра, оташпарастлик ва буддавийликнинг диний-ирфоний ғоя ва анъаналаридан ташқари Иброҳим ибн Адҳам, Боб Фарғонийлар, Абу Бакр ал-Воситий ал-Фарғонийлар ва бошқа азиз авлиёлар номи билан боғлиқ ҳолда энг камида IX асрдан бошлаб катта диний-ирфоний жараён сифатида ривожлана бошлаган. Биз ушбу фаслда тасаввуф тариқатларининг Туркистон, Марказий Осиё минтақасидаги мураккаб тараққиёти тўғрисидаги А.З.В.Тўғон, Ж. Флэтчерлар XX аср I-ярмида илгари сурган ва Ф.Майер, П.Юрген, Де Вин Де Визлар XX аср IV чорагида ривожлантира бошлаган ва ҳозирги кунда бизнинг минтақамизда А.Мўминов, Б.Бобожонов, А.Зоҳидий, немис олимаси А. фон. Кюгельгенлар ривожлантираётган тасаввуф тариқатлари манбаларининг янги герменевтик ва экзегетик талқини ва концепциясини атайлаб таҳлилга жалб этишни мақсадга мувофиқ кўрмаймиз. Чунки, мазкур жиддий манбавий таҳлилга асосланган талқин концепцияси ҳали яқунлангани йўқ.

Туркистонда тасаввуф тариқатларининг мураккаб тараққиёти, ҳозирда мавжуд тасаввуф тадқиқотчиларининг пешқадамлари проф. Н.Комилов, А. Муҳаммадхўжаев, О.Усмонлар, махсус докторлик тадқиқотлари муаллифлари Р. Шодиев, З.Қутибоев, Э.Каримов, Г. Наврўзова ва бошқа муаллифлар тадқиқот ва илмий-оммабоп нашрларида ўз ифодасини топган.

Тасаввуфнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ. «У ҳазрат Туркистонда тасаввуф дарахтини ўрнатган зотдир». В. Бартольд қайд этиб ёзадики, «ал - Қодир (1077-1166) замондошларидан бўлган Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кўчиб келиб, бу ерда 1140 йил вафот этади. У Марв яқинида дафн этилгандир. Мана шу дарвишлик мактабидан Ўрта Осиёда дарвишларнинг энг йирик вакиллари етишиб чиқдилар».

Юсуф Ҳамадоний Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ва Хоразмда фаолият кўрсатади. Бу ерда ўз тасаввуф мактабига асос солади. Унинг мактабидан келгусида, тўрт машхур шогирд: Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувонийлар етишиб чиқади. Ва улардан иккитаси кейинчалик Туркистонда машхур бўлиб, оммавийлашиб кетган «яссавия» ва «хожагония» тариқатларининг асосчилари бўлиб етишади. Ислом дунёсида ва тасаввуф тарихий тараққиётида қатор Туркистонлик мутафаккирларнинг жуда катта диний-ирфоний ва маънавий таъсири борлиги шубҳасиз. Булар: Имом Бухорий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, аз-Замахшарий, Марғинонийлар бўлиб, уларнинг хизматини бутун дунё тан олган.

Туркистонлик Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) каби валийлар эса тасаввуфнинг жаҳоншумул тариқатларининг асосчиларидирлар. Ўрта асрлар даврида Туркистонда уч асосий тариқат: «Яссавия» XII асрда, «Кубровия» XII-XIII асрларда, «Хожагон - Нақшбандия» XIII-XIV асрларда шаклланиб, кейинги асрларда ўз тараққиётини бошдан кечирди.

Яссавия тариқатининг асосчиси туркистонлик Аҳмад Яссавийдир. Аҳмад Яссавий адабиётларда 1166 йил пайғамбар ёшида чиллага кирганлиги қайд этилади. Агар ушбу санадан пайғамбар ёшини чиқарсак 166-63-1103 келиб чиқади. Шунга қараганда, Аҳмад Яссавий 1103 йил туғилган бўлиб чиқади.

“Ҳазрат Яссавий дастлаб ўз ватани Сайрамда ханафия фақиҳи Баҳоуддин ал-Исфижобийдан анъанавий ислом илмларидан дарс оладилар. Сўнгра Ўтрорда маҳаллий мубаййидий фирқаси етакчиси Арслонбоб қўлида таҳсил кўради”.

Яссавий Арслонбоб кўрсатмаси билан Яссавий боради ва у ерда маълум вақтгача толибларга ислом асосларидан дарс беради. Кейинроқ ўз билимини бойитиш учун Бухорога бориб машҳур мутасаввуф Юсуф Ҳамадоний қўлида сабоқ олади. Қайтиб Яссавий келиб ўз ғояларини тарғиб этади. «Буюк мутафаккир ва файласуф Яссавий турк дунёсидаги биринчи тариқатнинг асосчидир», «Унгача на динда ва на турклар тарихида бирор шоир ва мутафаккир бўлган эмас эдики, турк дунёси ривожига сезиларли таъсир этган бўлса». Яссавий манбаларда нафақат туркий тасаввуфий таълимот асосчиси, балки «...туркий тасаввуф шеърятининг асосчиси сифатида дунёга машҳур»лиги ҳам айтилади. Унинг «Ҳикматлар девони» ҳам диний, ҳам тасаввуфий, ҳам бадий асардир. Яъни, айна тасаввуфона, содда халқ тилида ифодаланган шеърят, давра рақслари тариқат, зовия, такъя, хонақоҳлар ҳаётида, кейинчалик эса дарвишлар тариқатлари, қаландарлар амалиётида асосий роль ўйнай бошлаган эди. Ва бу тасаввуфона бадиият асосини Яссавий бошлаб бериб, Ҳаким Сулаймон ва бошқа мутасаввуфлар давом эттирган «ҳикмат» айтиш анъанаси ташкил этар эди. Демак, Яссавий дунёқараши ва яссавия тариқати тўғрисида сўз айтар эканмиз, аввало унинг ҳикматларига, қилган амалларига ва Яссавия издошлари, жумладан Сулаймон Боқирғоний, Занги Ато, Атоий, Азим Хожа Эшон ва бошқаларнинг у ҳақидаги маълумотларига таянамиз.

Яссавия ҳам бошқа тасаввуфий тариқатлар каби «фано йўли» ни, «Ҳаққа восил бўлиш»ни тарғиб этади.

Ҳақиқатда Яссавий ҳаётида «фано йўли»га амал қилди ва бунга етишиш учун Муҳаммад Мустафо йўлини танлади. У ҳазрат, ҳазрат пайғамбаримизнинг «фақрлик фахримдир» қудсий калималарини ўзининг доимий ҳаётий шиори қилиб олдилар ва бунга амал қилдилар.

Умуман олганда, «фақрлим-фахрим» ҳадисини тасаввуфона талқини фақат Яссавийга эмас, XI-XII асрлардан анча олдин, масалан, X аср аввалларида ҳам, кейинги тариқатлар даврида ҳам кўпчилик буюк мутасаввуфларга бирдек хос

эди дейиш мумкин. Нажмиддин Кубронинг фикрича; «Фақр - нури Худо турур, ҳар кимга ул нурнинг зиёси тегса, онинг зиёсидан камоли ишқ топур», ёки Мансур Халложнинг фикрича «Фақр дийдори Ҳақ таъоло турур, ҳар ким кўрди, кўрмади», фақр одам Оллоҳга тегишли, инсоннинг вужуди ҳам ўзиники эмас, чунки у ҳам Яратганнинг мулкидир, дейди бошқа бир мутасаввуф.

Фақрлик йўлининг асоси бу ҳоксорлик, Яссавий ҳазратлари ибораси билан айтганда;

«Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ

Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ»,

Ёки: «Барча яхши, биз ёмон,

Барча буғдой, биз сомон», демакдир.

Фақрлик мақоми, Бохарзий таснифи бўйича, бир неча босқичлардан, яъни Жамоли, Жалоли ва Камолидан иборатки, бу Оллоҳнинг Гўзаллик, Қудратлилик ва Етуклик каби номларига мос келади. Уни ўзлаштириш эса, «Комил инсон» мақомига эришиш саналади¹.

Ғариблик, фақрлик, етимлик, ҳоксорлик, камбағаллик фоний дунёда сўфийни Ҳаққа восил бўлиш йўлида ҳар қандай чекинишлардан, бурилишлардан, тойилишлардан сақлайди. Энг муҳими бундай сўфийлар нафс балосига гирифтормликдан ҳоли бўладилар ва имкон қадар кўпроқ Ҳақ ёди билан яшайдилар. Яссавиёна айтганда:

Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,

Ўшал туни Меърож чиқиб дийдор кўрди.

Ғариб фақр, етимларни ҳар ким сўрар,

Рози бўлур ул бандадан Парвардигор.

Демак, фақирлик йўлдан борувчилар Муҳаммад Мустафо ҳазрати пайғамбаримизга ва ҳатто Яратганга маъқул кишилар саналар эканлар.

Яссавий ўз ҳикматларининг бирида фано йўлига 22 ёшида етишганлигини айтади:

Мен йигирма икки ёшда фано бўлдум,

Марҳам бўлиб, чин дардликка даво бўлдум,

Ёлғон ошиқ, чин ошиқга гувоҳ бўлдум,

Ул сабабдан Ҳаққа сигниб келдим мано.

Яссавий фақрлик йўлига тўрт ёшида кириб, умр бўйи кишиларни бу йўлга даъват этди. Ушбу тариқат, йўналиш асосчиси Аҳмад Яссавий фақрликни ўзига маёқ қилиб олиб, Муҳаммад Мустафо изидан бориб, 63 ёшида қолган ҳаётини ер остига кўчирди:

Тўрт ёшимда Ҳақ Мустафо берди хурмо,

Йўл кўрсатдим, йўлга кирди неча гумроҳ,

Қайга борсам, Ҳизр бобом менга ҳамроҳ,

Ул сабабдан олтмиш учда кирдим ерга.

Яссавия тариқати баъзи бир муаллифлар ёзганидек «таркидунёчилик», «нисбатан содда тариқат» эмас, балки чин маънодаги халқчил, илғор ва аҳамиятли, кенг қамровли тариқат эдики, у тасаввуф тарихий тараққиётида

¹ Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989. –С. 112.

ўзининг муносиб ўрнига эга. У ўзида умумий тасаввуфий ғояларни ифодалаб, бу борада бошқа тариқатлар билан узвий боғлиқдир.

Тасаввуф тарихида «Султон - ул - орифин» - орифлар султони номини олган Аҳмад Яссавий ҳақиқатда ориф инсондир. Шугина эмас, Яссавий «орифлар султони»дир, яъни Ҳақни таниганлар етакчисидир.

Ҳазрат Алишер Навоий Аҳмад Яссавий тўғрисида «Туркистон мулкининг Шайх-ул-машшойихидур ..», «Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур» - деб ёзганлар. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг турбатини уч маротоба зиёрат қилиш оддий халқ назарида, анъанасида хаж фарзини адо қилиш билан баробар ҳисобланган.

Яссавия тариқатининг кейинги тараққиёти унинг издошлари фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Кейинги асрларда Яссавия тариқати таркибидан Боқирғония (асосчиси Ҳаким Ота ёки бошқача айтганда Сулаймон Боқирғоний), Бектошия (асосчиси Ҳожа Бектош Валий) каби шоҳобчалар ажралиб чиқди. Ориф Усмоннинг таъкидлашича, Ҳожа Бектош Валий Аҳмад Яссавийнинг муриди Шайх Лукмон Парранданинг шогирдидир. Яъни, Ҳожа Бектош Валий Аҳмад Яссавийнинг шогирдининг шогирдидир. Ўз шоҳобчаларнинг таъсири натижасида яссавия тариқатининг таъсир доираси Мовароуннаҳр чегарасидан чиқиб, Кичик Осиё, Туркия, Эрон, Кавказ, Шарқий Туркистон, Волгабўйи халқлари орасида кенг ёйилди ва жаҳоншумуллик касб этди.

Адабиётлар:

1. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон этикаси. 1-китоб. Т.: 1996.
3. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Т.: 1999.
4. Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989. –С. 112.

Кубровия ахлоқи

Бир неча асрлар давомида Шарқу-Ғарб халқларининг тасаввуф этикасида кучли ижобий таъсир кучига эга бўлган, тасаввуфдаги кубровия тариқати Ватанимиз сарҳади кўҳна Хоразмда XII асрнинг сўнгги чорагида ва XIII асрнинг бошларида вужудга келди. Халқ бу тариқатни улуғлаб, «Тариқати заҳобия», яъни «олтин тариқат» деб атаган. Ушбу тариқатга Аҳмад ибн Умар Абу-л- Жанноб ал-Ҳевакий ал-Хоразмий (1145-1221) асос солганлар.

Аҳмад ибн Умар тарихда «Нажмиддин», «Кубро», «Таммат-ул-Кубро» (Энг буюк хотима), «Шайхи валитарош», «Шайх Нажмиддин Кубро» каби шарафли номлар билан маълум ва машҳурдир. Яъни дин ва тасаввуф тарихидаги эришган камолотлари эвазига «Нажмиддин» - арабча «дин юлдузи», «Кубро» - арабча «улуғ олим», «Шайхи валитарош» - «валийлар тарбиячиси, валийлар етиштирадиган Шайх» каби номларни олган.

Аҳмад ибн Умар ҳаётини шарқшунос олим О. Бўриев шартли равишда уч даврга бўлади:

1. 1145-1170 йиллар – унинг болалик ва йигитлик йиллари;
2. 1170-1200 йиллар – унинг илм талабида сафар йиллари;
3. 1200-1221 йиллар – унинг ҳаётининг сўнгги даври.

Манбаларда қайд этилишича, Аҳмад ибн Умарнинг болалик йиллари Хоразмда ўтади. Умуман унинг ҳаёти Хоразм давлатининг Салжукийлар давлатига қарамлиги (1038-1157), ундан қутулиш (1157-1193) ва Хоразмнинг йирик давлатга айланиш даврига (1193-1221) тўғри келади. Аҳмаднинг ёшлик йилларида мамлакатдаги ўзаро ва ташқи феодал низолар уни ўзга юртларда илм олишга мажбур қилди. У ҳаётининг яқин 30-35 йилини Эрон, Ироқ, Миср, Сурия, Арабистон каби мамлакатларда илм олиш билан ўтказди. У ўз даврининг етук олим, донишмандлари: Рўзбехон Ваззон ал-Мисрий, Шайх Бобо Фарож, Аммор Ёсир, Исмоил Қасрий кабилардан сабоқ олди. У кейинроқ устозлар кўрсатмаси билан Хоразмга келиб, бу ерда тасаввуф илмини ёйди ва мустақил тариқатга асос солди. Нажмиддин Кубро ўз таълимотини ўнга яқин яратган асарларида асослаб берган.

Айтиш мумкинки, кўпчилик олимлар Ориф Усмон, М. Қодиров ва бошқалар ўн қоида¹ни, яъни Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Таважжух, Сабр, Мууроқаба, Зикр, Ризони кубровия тариқатининг асосий ўн қоидаси деб талқин қилмоқдалар. Ҳолбуки, бу мақомлар нафақат кубровия тариқатида, балки умуман тасаввуфдаги муҳим қоидалардандир. Бу қоидалар бошқа, жумладан, яссавия, нақшбандия каби тариқатларга ҳам хосдир. Бертельс Е. ва Муҳаммадхўжаев А. асарларида бу қоидаларнинг моҳияти етарли даражада очиб берилган. Шу булан бирга ушбу қоидалар бутун тасаввуф таълимотига оидлиги таъкидланган. Бу мақом ва қоидалар турли тасаввуф намоёндаларида турлича талқин этилган. Масалан, Абунаср Саррожда (ваф. 378 хижрий) 7 та,

¹Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (Усули ашара). - Т.: 2004. –Б. 49-80. Шаҳри рисолае одобул зокирин. - Урганч: 1997. –Б. 23-53.

ал-Газзолийда 9та, Нажмиддин Розийда 18 та, Мир Саид Али Ҳамадонийда (XIV аср) 40 тага етказилган.

Инглиз олими Ж. С. Тримингэмнинг талқинича, келгусида кубровия тариқати таркибидан бир неча шаҳобчалар ажралиб чиққан. Улардан баъзи бирлари ўша худудларда ҳозиргача фаолият кўрсатмоқда. Америкалик тадқиқотчи Крейд Мокрей хабарига кўра, жумладан, кубровиянинг неъматуллоҳия шаҳобчаси айни чоқда АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Франция, Эрон каби мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда.

Кубровия тариқати аввало Эрон, Ироқ ҳамда Миср тасаввуф мактаблари замирида вужудга келган бўлиб, у ҳам умумтасаввуф ғояларига содиқ қолади. У ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларга таянади. Қатор тариқатларда бўлган ўзига хослик, яъни бирор ақидани ёки бирон ҳадисни асосий шиор қилиб олиш кубровия тариқатида ҳам мавжуддир. Шарқшунос олим Ш. Жузжонийнинг таъкид этишича¹, кубровия тариқатининг моҳиятини «Ўлмасдан олдин ўлингиз» ҳадиси белгилайди. Бу Ҳадиси шарифнинг мазмуни то жисмонан ўлишгача, ўз танангизда мавжуд хою-ҳавас, истаклардан кечиш кераклигини билдирадики, бундай ўлиш инсон руҳиятини ҳақиқий, абадий ҳаётга олиб боради. Бу йўл руҳни поклаш йўлидир. Покланиш асоси эса Нажмиддин Кубро талқинига кўра - тана поклиги; Хилват; давомли сукут; рўза; зикр; таслимиёт; хотира поклиги; ҳидоятга йўлловчи пир; эҳтиёжга кўра уйқу; емоқ ва ичмоқда меъёр ташкил этади. Покланиш кишига хою-ҳавас, истак беради. Улар инсон руҳиятига таъсир этади. Нажмиддин Кубро «Биз шарҳламоқчи бўлган йўлимиз йўлларнинг энг яқини, энг аниғи ва энг тўғрисида», дейди.

Нажмиддин Кубро Ҳаққа етишнинг уч йўли:

- аҳрор (аҳёр) – эзгу одамлар йўли;
- аброр – такводор кишилар йўли;
- шаттор – жазбага берилганлар йўли борлигини айтади.

Нажмиддин Кубро «Бешиқдан то қабргача илм изла» Ҳадиси шарифига амал қилганлар. У узоқ ўлкаларда юриб, диний, илоҳий, ладуний илмлар билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўрганишга эришди. Унингча, ҳар икки билимнинг ҳам натижаси кишини Ҳақ жамолига олиб боради:

Ул бода ичиб демасман: хушёр бўлайин,
Бул мастлиғ аро наинки бедор бўлайин.
Бир жома тажаллийи жамолинг манга бас,
То йўқлигу борлиқдин безор бўлайин.

Шу ўринда динийликни дунёвийлик билан боғлашга ҳаракат қилиш ушбу тариқатнинг ўзига хос жиҳатларидан бири эканлигини қайд этиш мумкин.

Нажмиддин Комиловнинг фикрича, Нажмиддин Кубро тасаввуфга «Офок ва анфус» назариясини, яъни олами кабир ва олами сағир муносабатлари масаласини киритган. Кубро талқинича, олами сағирдаги ўзгаришлар олами кабир ўзгаришларига боғлиқдир. Олами сағир – инсон олами, олами кабирга – Худога ички руҳий етуклик орқали етишади. Бунда суфий олами сағир

¹ Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. - Т.: 1995. –Б. 4.

тўғрисидаги билимларга эга бўлмоқ керак. Бу ерда тариқатни инсонпарварлик йўналишдалиги кўринади.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги хизмати Н.Комиловнинг қайдича, «жувонмардлик ғояларини тасаввуфга жорий этиш бўлди»¹. Буни биз Кубродаги оддий халқни зулмдан қутқариш, эзгу, хайр ишлар, Ватан учун жон фидо қилиш каби сифатларда кўрамиз. У билимга ва бошқа амалларга шиддат, жаҳд билан киришарди ва Хоразмни мудофаа қилиб, ўз шогирдлари билан бирга мўғул босқинчиларига қарши курашганлиги ва унда шахсий қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, шаҳид бўлганлиги фикримиз далилидир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари жавонмардлик, аҳли футувва ҳаракати, анъанаси фидойиси бўлганликлари учун ҳам, Ватан озодлиги, мустақиллик учун қаҳрамонона курашганлар.

Нажмиддин Кубро фақатгина тариқат асосчисигина эмас, у улуғ шайх, буюк донишманд, чин ватанпарвар, миллий қаҳрамон, меҳрибон устоз ва бағрикенг, шижоатли улуғ инсон эди.

Ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти нуқтаи-назардан муҳими кубровия тариқати Туркистон минтақасида Шарқ мумтоз илм-фани, диний-ирфоний ва маданий анъаналарини сақлаб қолиш, келгуси авлодларга етказишда хизмат кўрсатиб қолмай, кубровиянинг ичида асосан сунний бўлган қанот билан шийаликка мойил қанот ўртасида, кубровия билан хожагон-нақшбандия, яссавия тариқатлари, уларнинг турли шаҳобчалари ўртасида рақобат кураши ҳам борганки, бу бизнинг минтақамизда ҳали деярли ўрганилмаган энг қизиқарли ва илмий аҳамиятли муаммо мавзусидир. Хусусан, XIII-XIV, XVI-XVII асрларда Бухоро, Самарқандда, Тошкент ва Ҳисори Шодмонда мазкур ҳар уч тариқат ўртасидаги рақобат кураши жуда кучли бўлган. Машхур ўзбек мутафаккирлари Хожа Мирзажон Шерозий, Юсуф Қаробогийлар, шайбонийлар, аштархонийларнинг турли сулола вакиллари ўртасидаги рақобат кураши воситасида ўз таъсир доирасини кенгайтириш ва кучайтириш учун яссавия, кубровия, хожагон-нақшбандия ўртасида борган узоқ ва мураккаб рақобат кураши ҳақидаги ҳозирча аниқланган баъзи маълумотлар шундан далолат беради.

Ушбу фаслнинг мақсади ақшбандия таълимоти ва тариқат амалиётига яссавия тариқати ҳал қилувчи назарий ва амалий таъсир кўрсатганлигини, шу билан бирга Баҳоуддиннинг Кубро номини, ўғитларини бевосита тилга олиб, ўзига раҳнамо сифатида уларга риоя этиши, ҳамда кубровияда ўнта назарий ва амалий талаблар (вирдлар), "Хилват", "пир", орифлик билан дунёвийликни омихта қилиш, жавонмардлик анъаналарининг кучли ифодаланганлиги, кубровиянинг ҳали манбавий аниқлашни талаб қиладиган хожагон-нақшбандияга таъсири тўғрисидаги хулосамизни билдиришдан иборат.

Адабиётлар:

1. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон этикаси. 1-китоб. Т.: 1996.
3. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Т.: 1999.

¹ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. - Т.: 1995. -Б. 24.

4. Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989.
5. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (Усули ашара). - Т.: 2004.
6. Шаҳри рисолае одобул зокирин. - Урганч: 1997.
7. Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. - Т.: 1995.
8. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. - Т.: 1995.

Нақшбандия ахлоқи

Академик Иброҳим Мўминов ёзганларидек "Суфизм-мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилма-хил шаклларга, мазмунга ва оқимларга эга". Тасаввуф тарихий таракқиётида нақшбандия тариқати ҳам ана шундай мураккаб мазмун-моҳиятга эга бўлган тариқатлардан биридир. Тадқиқотлар зоҳидлик, орифлик, узлатга кетиш, фақру-фанони дунё фаровонлиги ва тўқлигидан афзал билиш, дарвишлик, қаландарлик, камбағал-қашшоқликни бир эзгу неъмат деб санаш анъаналари айниқса Туркистонда ислом келмасдан олдин ҳам минг йиллар давомида яшаб келганки, бу айниқса буддавийлик дини ва диний-орифчилик маданияти Туркистонда гуллаб яшнаган. Эрамиздан аввалги II эрамизнинг IV-VI асрларда жуда кучли туркий-буддавий цивилизация анъанаси сифатида ўзини намоён қилган эди деган хулосани беради. Туркистонда то ислом давригача, илк ислом даврида ҳам "Ихван ас-сафо", (X-XI) футувват, ахийлик, жавонмардлик каби орифий-зоҳидлик ғоя ва ҳаракатлар мавжуд эдики, ўшалар асосида тасаввуф қарор топган эди. Г. Э. фон Грюнебаум ўзининг "Мумтоз Ислом" асарида "...суфийлар ўз ғояларини футуонлардан (яъни футувватлардан) қабул қилган» -деб ёзади. IX-XI асрлардаги дарвишлар жамоаси хунармандлар билан узвий алоқада бўлганлигини Е. Э. Бертельс таъкидлайди.

Кайковус ҳам ўзининг "Қобуснома" асарида: "Жувонмардликка яқин бўлгил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғайсан",- деб ўғли Гилоншоҳга насиҳат қилади. Ва давом этиб ёзади: "Агар жувонмардлик йўлида юрмоқ тиласанг, ҳамиша уч нарсани кўзда тутгил: кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан ва тилни ёмон сўздин сақлашни. Уч нарсани дўст ва душманга очиқ тутгил: уй эшигини, суфра бошини, ҳамённинг боғичини".

Бу жавонмардлик амал-фазилатлар суфийлар амаллари билан тўла мос келади. Бу тасаввуф Туркистонда XI асрдан кейин шаклланганлиги тўғрисидаги Ғарб шарқшунослигидаги мавжуд анъанавий талқинини инкор этади. XII асрга келиб, ислом таълимоти билан тасаввуф таълимоти бир-бири билан яқинлашиб, уйғунлашиб кетди. Бунда Абу Ҳомид Ғаззолий ва Ибн Арабийларнинг ислоҳчилик ҳаракатлари, ғоя ва таълимотлари ҳал қилувчи роль ўйнади. "Ибн Арабий испаниялик араб эди, лекин унинг мистик ва пантеистик таълимоти кўпроқ Эронга, форсларга ёки Марказий Осиёдаги эронлашган халқларга таъсир этиб, улар бутун XII ва XIII асрларда араб худудларидаги тариқатларни ва диний-фалсафий фаолиятни ривожланишида ҳақиқатда буюк рол ўйнадилар".

Ғаззолий суфийлар ҳақида ёзади: "Менга мутлоқ шу нарса аён бўлдики, олий ибтидо Оллоҳ йўлидан айнан суфийлар бормоқдаки, уларнинг ҳаёт тарзи энг ибратли ҳаёт тарзидир, уларнинг йўли энг яхши йўлдир ва уларнинг урф-одати энг соф урф-одатдир». Бу талқин XII аср остонасида илгари сурилган бўлиб, худди ўша даврда Туркистонда Ҳамадоний тасаввуф мактаби замирида "яссавия" ва "нақшбандия" тариқатлари ўсиб чиқмоқда эди. Дейиш мумкинки, шундан сўнг тасаввуф халқлар орасида оммавий тарзда ёйила бошлади. Бу

жараён барча исломий ҳудудларда бўлганидек, Туркистон ҳудудида ҳам содир бўлди. Натижада X аср охирлари, XI аср бошларидан бошлаб, тасаввуфда дастлабки шаҳобчалар, яъни тариқатлар юзага кела бошлади. «Тариқат» тушунчаси араб тилида йўл, усул маъноларига, синоними эса «сулук», унга амал қилувчи эса «солик»дир. «Тасаввуфий тариқат» номи соф техник атама сифатида XI аср охири – XII асрдан қўлланила бошлаган. Ҳар бир тариқат, йўналиш ўз асосчиси, моҳияти, қоидаси, издошлари ҳамда ўзининг "силсилаи насаб" ва "силсилаи заҳаб"ига эга бўлган.

Нақшбандия тариқатининг асосчилари тўғрисида тўхталадиган бўлсак, унинг маънавий асосчиси Абдулҳолиқ Ғиждувонийдир. Ҳожаи Жаҳон ушбу тариқатдаги ўн бир муқаддас калималарнинг дастлабки саккизтасини асослаб бергандир:

1. Ҳуш дар дам (ҳар дамни ҳуш ўтказиш);
2. Назар бар қадам (ҳар бир қадамни назорат);
3. Сафар дар Ватан (Ватан бўйлаб саёҳат);
4. Хилват дар анжуман (эл -улус билан бирга бўлиш);
5. Ёдқард (эсга олиш ёки ёд этиш);
6. Бозгашт (қайтиш);
7. Нигоҳдошт (асраш ёки сақлаш);
8. Ёддошт (Эслаш ёки хотира).

Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд бу қоидаларга яна учта муқаддас қоиданини қўшиб 11 тага етказди:

9. Вуқуфи замоний (замон амри);
10. Вуқуфи ададий (тартиб амри);
11. Вуқуфи қалбий (қалб амри).

Ҳожагон-нақшбандия тариқатининг 7 пирлари орасида Ғиждувоний ва Нақшбанднинг тариқат олдидандаги хизматлари бекиёсдир. Ғиждувоний издошларининг деярли барчаси, Ҳожа Ориф Ревгарий, Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ҳожа Али Ромитоний, Ҳожа Муҳаммад Бобойй Саммосий, Сайид Мир Кулол ва Сайид Баҳоуддин Нақшбандлар кўпроқ амалиётчи бўлганлар. Улар маълум маънода Ғиждувоний ғояларини халқ орасига олиб кирдилар. Нақшбанд ҳазратлари улардан фарқли ўлароқ, бу тариқатнинг ҳам назариётчиси ва ҳам амалиётчисидир. Буни биз унинг уч муқаддас калимаи қудсияни асослаб берганлигида, ҳазратнинг амалиётчилигини эса тариқатни у киши номлари билан боғлиқ ҳолда ҳаётда кенг тадбиқ этганлигида кўриш мумкин. Ушбу тариқат ҳозирда кўпроқ уч ном билан: "Ҳожагон", "Нақшбандия", "Ҳожагон-нақшбандия" тариқати деб юритилмоқда.

Ҳожагон этимологиясининг келиб чиқиши тўғрисида шуни қайд этиш мумкинки, хўжалар дастлабки тўрт халифа (чорёрлар) - Абу Бакр, Умар, Усмон, Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган авлодлар дейилса, бошқа манбаларда арабларнинг истилочилик юришларда бошчилик қилган саркардаларнинг авлодлари деб ҳисобланади. Хўжалар исломда оқсуяклар табақаси сифатида саййидлардан кейин туриб, маълум имтиёзларга

эга бўлган. Ўрта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида хўжалар катта нуфузга эга бўлганлар, жуда катта ер ва мулкка эгалик қилганлар.

"Хожагон-нақшбандия" атамасининг иккинчи бўлаги «нақшбандия» оммага Баҳоуддин Нақшбанд номи орқали кўпроқ маълум бўлганлигини англатади. Чунки ул зот барча ўтмишдошлари таълимотларини ўрганиб, такомиллаштириб, бу таълимотни кенг халқ оммаси орасида тарғиб ва ташвиқ этилишига сабаб бўлдилар. "Хожагон-нақшбандия" этимологияси ҳақида гапирганда, одатда бу иборани кўпроқ илмий доираларда қўлласада, ҳар икки атама ҳам ислом оламида бирдек маълум ва машҳурдир.

Нақшбандия тариқати соликлари, суфиёна кийиниб, фақирона овқатланишган, энг камсуқум ҳаёт кечиринган. Бунда айниқса Гиждувоний ва Баҳоуддин беҳад юксак ва қатъий намуналар кўрсатганлар. Арпа унидан тайёрланган нон еб, ўзгаларга буғдой нон раво кўрганлар. Улар унчалик баланд бўлмаган оқ рангдаги, юрак белгиси ичида "Оллоҳ" калимаси ёзилган қалпоқ кийиб юрганлар. Бу эса уларнинг "Дил ба ёру даст ба кор" бош шиорини ўзида ифода этган. Нақшбандийлар ўз ҳимматларини мискинлардан ҳеч аямаганлар. Шунинг учун нақшбандия оммавий, халқчил, ибратли тариқат саналган.

"XV асрдан бошлаб, нақшбандия қодириядан кейинги энг кенг тарқалган диний уюшма эдики, у Миср ва Босниядан то Гоньсу ва Суматрагача, Повольже ва Шимолий Кавказдан то Жанубий Ҳиндистон ва Ҳижозгача бўлган ҳудудга ёйилган эди".

Нақшбандия тариқатининг асосий диний - фалсафий ғоялари қуйидаги уч манбага таянади:

-Тариқатнинг ўн бир муқаддас қоидаси-рашҳаларга; Улардан тўрттаси (чаҳор калима); «Хуш дар дам», «Хилват дар анжуман», «Назар бар қадам»; «Сафар дар Ватан» машҳур калима, қоидадир.

-Тариқатнинг асосий шиори бўлган "Дил ба ёру даст ба кор";

-Нақшбандия тариқатида асосий ўринни эгаллаган «Зикри ҳафия» (яъни овоз чиқармай қилинадиган ички илтижо, тиловат, зикр - бунда Қуръони карим сура, оятлари, ҳадислар билан бир қаторда ҳаётбахшлик, юксак инсонпарварликни, Ҳалолу-покликни тараннум этишга қаратилган Нақшбанд «вирдлари» – яъни илтижо, нидолари, ўғитлари, нурлари (баҳои)) ташкил этади.

Нақшбандиянинг назарий асоси ва амалиётида руҳий жиҳат шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат бўлиб, улар қуйидаги 7 та мақомлар тизимидан иборат: тавба, вара, зуҳд, фақр, сабр, таваккул, ридо.

Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд мазкур мақомларни ижодий ва танқидий қайта ишлаб, жуда мураккаб ва юксак инсонпарвар, ҳаётбахш ғояларни сингдирганлар, тамомила оригинал, янги 11-қоидада лўнда ифодаланган таълимотни яратганлар.

1. "Хуш дар дам". Тасаввуф таълимотига кўра олам иккига: фоний ва боқий дунёга бўлинади. Бу олам фоний-ўткинчи дунёдир.

Инсон учун чекланган миқдордаги бу дунёни ҳар бир лаҳзаларини хуши ўзида ўтказмоғи керак бўлади.

2. "Назар бар қадам" қондаси киши ҳаётидаги қўйиладиган ҳар бир қадам назорат остига олинмоқлигини таъкидлайди. «Назар бар қадам» инсоннинг ҳаёти, тақдири, аъмоллари қандай бўлиши учун жавобгарлик, бутун масъулият инсон, шахс зиммасига Оллоҳ томонидан юклатилганлигини билдиради. Ана шу масъулиятни англаш, уни амалда қўллаш, унга интилиш ва риоя қилиш, бошқаларга бу борада ибрат кўрсатиш комил инсон ҳаётининг моҳиятини, мантиқини белгилайди. Нафс тўғрисида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ёзадилар: "Нафси худро ба бадий шинохтан-худшинохтан аст" (Ўз нафсингни ёмонлигини таниш-ўзлигингни танишдир). Бу қоида ўзликни танишга, идора этишга қаратилгандир. "Ўзини таниган киши ўз Роббини танийди" деган Ҳадиси шариф моҳияти бу қоидада бир қадар ифода этилган. Яъни солиқ ўзлигини англаб етгач, ўз ҳаётини ҳам идора қила олади. Бунда у ҳар бир қўйилган қадамини, ҳар бир сўзини ва феъли-ҳаёлини назорат қилиб турмоғи керак. Нақшбандийликда "Назар бар қадам" қондаси олдинги ўринларга қўйилади. Ғаззолий ёзади: "Шайх-муридани тарбиялашда, деҳқон ҳосилини етиштиришда уни бегона ўтлардан тозалагани каби, уни қусурлардан тозалаб боради". Ҳар бир киши ўз-ўзини тақомилини кузатиб бормоғи ва ўз қусурларини ўзи бартараф этмоғи лозим. Ўзига-ўзи виждон ва Ҳақ олдида баҳо бериб бормоғи талаб қилинади. Зеро инсон Яратганининг севган бандаси. У ўз ақли ва хулқи билангина инсон, ҳазрати инсон, ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини назорат қила олиши эса уни комиллика, етукликка, қолаверса Ҳаққа етаклайди. Назар бар қадам қондасини мазмуни шудир.

3. "Сафар дар ватан". Инсон борки у сайёҳ. Унинг ҳаёли сайёҳ. Жисми сайёҳ. Оламдаги ҳар бир нарса-ҳодиса ва мавжудотни макони, ватани бор. Инсонда ҳам Ватан мавжуд. У биосоциомавжудот сифатида белгиланган ҳудудда-маконда яшайди. Бу унинг моддий Ватани. Бошқа бир томондан у руҳий мавжудот. Унинг руҳи боқий дунёда, Оллоҳ наздида ватан топади. Ислонда сафарнинг энг олийси бу Ҳақ йўлига сафар. Тирикликда эса кишини энг олий сафари ҳаж сафаридир. Тасаввуфда дарвиш-қаландарларнинг асосий хусусияти сафар қилиб, ҳаёт кечириш бўлган. Бу тартиб нақшбандийликда ҳам ўз ифодасини топган. Сафарга чиқиш, Ватан сарҳадларига сафар, муқаддас қадамжоларга сафар, ҳаж сафари каби сафару-саёҳатлар осонликча кечмайди. Сафар бу машаққат, машаққат эса суфийни сайқаллайди, унинг тақдирини белгилайди.

4. "Хилват дар анжуман" Хилват дар анжуманнинг оддий ифодаси жамоа ичида яккалик, ёлғизлик демакдир. Ҳазратдан «тарикатингизнинг асоси нимадан иборат?», деб сўраганларида, "Хилват дар анжуман ба зоҳир халқ ва бо ботин Ҳақ",-деб жавоб берганлар. Зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан жумласи хилват дар анжуманнинг мантиқий шарҳидир. Н. Комилов талқинича, ушбу ўринда Нақшбанд ҳазратлари "халқ ва Ҳақ, хилват дар анжуман, зоҳир ва ботинни бир-бири билан келиштирган"лар¹, деб қайд этади. Ҳақиқатда бу талқинда асос бор, чунки олам, одам ҳаёти ва улар тараққиёти бир-бири билан уйғун боғлиқликда кечади. Ушбу қоидада суфий учун улуғ оламга (олами

¹ Комилов Н. Тасавуф ёки комил инсон ахлоқи. I-китоб. - Т.: 1996. - Б. 101.

кабир) етишиш учун оддий кичик (олами сағир) одамлар билан бирга бўлиши лозимлигини қайд этилади. Ориф Усмон "Юқоридаги қоида Абдулхолик Гиждувоний томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, хожагон (нақшбандия) сулукидаги машхур "Дил ба ёру даст ба кор" шиорига айнан мос келади"¹, деб таъкидлайди.

Ёхуд Абдулхолик Гиждувоний ёзганларидек, "Сув ариққа дўстлар мадади билан келади".

Хилват дар анжуман нақшбандийликдаги умумий қоидалар таркибидаги дастлабки гуруҳни (олдинги тўрт қоида) якуний мазмунини ва умуман мақом-қоидалар моҳиятини ифода этади.

Юқоридаги нақшбандия қоидаларининг дастлабки тўрттаси тариқатнинг асосий қоидаси эканлигини Алишер Навоий қайд этиб ўтадилар: "Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,

Чалинмоқ не тонг хуш давлат санга.

Бу охан ила бўлғасен нақшбанд,

Навоий агар етса навбат санга",

яъни бу ерда юқоридаги 4 рашхаларга ишора қилинмоқда.

5. "Ёдкард" - бу қоида "Рашаҳот"да баён этилишича лисоний ёки қалбий зикрдир.

Ёдкард қоидасидан бошлаб қолган уч мақом аввалги мақом-қоидаларни мазмунан тўлдириб боради. Ёдкарднинг маъноси тариқатдаги суфийлар фоний дунёда ҳамиша Ҳақ ёди билан яшамоғи лозимлигини англатади. Доимо суфийнинг қалби, вужуди Ҳақ ёди билан бирга бўлиши керак, чунки суфий учун Оллоҳдан ўзга борлиқ йўқ. Ёдкард қалбий зикр, қалб тили деб айтилиши бежиз эмас. Чунки Оллоҳни қалбан ёд этиш, қалбни унга нисбатан мурожаати бу суфий учун энг аҳамиятлидир.

6. "Бозгашт" - бунинг маъноси инсон умри фонийлиги, ундан албатта боқий дунёга қайтажаклиги таъкидланади. Суфий ўз умрининг ўткинчилиги, ўлимнинг барҳақлигини, қиёматнинг ҳақлигини уққан бўлмоғи лозим. Яъни у бир кунмас-бир кун Яратган қошига боражагини, охиратни билган ҳолда яшамоғи керак. Шу билан бирга ёмон фикрлар, ишлардан қайтиш ҳам бу қоида замирига сингдирилган. "Бозгашт калимаси яхши ёки ёмон фикрларни одам тафаккуридан ҳайдовчи бўлиб, у зикрни холис қилади, зикрни ўзга нарсалардан озод этади".

7. "Нигоҳдошт" - бунинг маъноси киши ўзини ҳар қандай шайтоний йўллардан пок сақлаши кераклигини уқтиради. Бу қоиданинг биринчи томони поклик бўлса, иккинчи томони нафсни сақлай билишдир. Бу икки жараён уйғунликда кечади. Поклик - бу ботиний ва зоҳирий бўлиб, яъни бунга кўра киши ўзини ҳар қандай ғайри йўллардан тортиб, ўз-ўзини моддий, маънавий ва руҳий идора қила билмоғи лозим.

8. "Ёддошт" - "Ҳақ субхонаху ва таолони доимо завқу-шавқ билан ёдда (хотирада) тутиб, огоҳ бўлишдир. Баъзилар уни "ғойиб бўлмайдиган ҳузур" деган ибора билан ҳам айтадилар" деб қайд этилади Боқир мақоматида. Бунга

¹ Ориф Усмон. Хожа Абдулхолик Гиждувоний. // Мулоқот. -1993. -№ 1. – Б. 33.

кўра солиқ доимо Оллоҳни қувонч билан хотирламоғи лозимдир. Ғойиб бўлмайдиган ҳузурлик Оллоҳни хотирлаш аввало ўзимизни виждон-имонимизга ҳавола. Иккинчи бир томондан, Оллоҳни хотирлаш - бу чексиз ва туганмас ҳузур, руҳий лаззатланишдир.

Маълумки, нақшбандия тариқатида Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари асос солган рашаҳалар алоҳида аҳамият касб этади. Улар учта бўлиб, тариқатнинг 9,10,11-рашҳаларини ташкил этади:

9."Вуқуфи замоний" - бунинг маъноси суфий ўз умридаги ҳар бир дақиқани, сонияни, вақтни Оллоҳга шуқр айтиш билан ва унинг бандаларига фақат яхшилик қилмоқликка сарфлаши лозимликдан иборат. Ҳар бир замонда бандасини ҳоли ва ҳаёти қандай кечади, буни кузатиб бормоғи лозим бўлади.

10."Вуқуфи ададий" - бунинг маъноси зикр жараёнида тартиб, сон алоҳида ўрин тутишлигини қайд этишдан иборат. Муқаддас дуоларни, калималарни қаерда, неча марта айтиш лозимлиги, қайси ҳолларда тоқ ва қайси ҳолларда жуфт маротаба зикр қилинишини билиш ва унга риоя қилиш кераклигини уқтиради. Суфий зикр пайтида сон қоидаларига амал қилмоғи шартдирки, бу эса зикр қувватини оширади.

11."Вуқуфи қалбий" бунинг маъноси суфий зикри қалбан, яъни юракдан бўлмоғи даркор¹. "Зикр айтмоқлик пири комил томонидан мукаммал бўлиши керак. Шундагина у яхши натижа беради. Биз зикри хуфияни танлаганимиз сабаби бу зикр кучли ва афзалроқдир. Чунки зикри жаҳрияда зикр айтувчи ҳаракатда бўлади ва хушёрликдан четлашади. Агар дилда, яъни хуфия зикр айтса, шайтон васвасасидан огоҳ бўлиб туради".

Нақшбандия тариқатига биноан, юқоридаги ўн бир муқаддас қоидаларни мукаммал бажарган киши комил инсон даражасига эришади. Нақшбандия тариқатининг асосий қоида-мақомлари билан бирга "Дил ба ёру, даст ба кор" шиори ушбу тариқат таълимотининг мағзини ташкил этади:

-инсон Оллоҳ яратган мавжудодларнинг энг шарафлиси ва аълосидир. Унинг Зоти тажаллиси. Демак унинг борлиғи илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради. Бу борлиқ инсонда шуқроналик туғдиради ва бу инсон қалби орқали намоён бўлади. Демак, инсоннинг Оллоҳ билан илоҳий-ирфоний муносабати унинг зотини фавқулудда шарафли қилиш билан бирга ўзининг ҳар бир нафасида у олим, нозир, қодир ирода-назаридан туришини ҳам чуқур англатади. "Албатта Оллоҳ дилларни эгаллаган (сирларни) билгувчидир";

- Оллоҳ инсонга ақл, беш сезги, шуур, ирода берган, сабий-ҳаракат, бахт-саодатга элтувчи юрак бериб, унинг қалбида туриб, уни эзгуликка даъват этади. Яъни бунда дил Оллоҳ макони эканлиги таъкидланади;

- инсоннинг Оллоҳга, ҳаётга ва бошқа тирик жонзотларга, кишиларга бўлган мураккаб муносабатларнинг яна бир муҳим қиррасини - тил ва дил фарқлари ёки мутаносиблигини ҳам кашф қилади. Маълумки, тил дилдаги бор маънавий-вужудий талаб ва эҳтиёжларни тўла ифодалай олмайди. Бунга унинг ўзига хослиги халақит беради. Ана шундай тил-дил ғайримутаносиблигини

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳоуддин. - Т.:Ёзувчи, 1993. – Б. 84-86.

инсоннинг ўз дили билан қиладиган мулоқоти - "Дил ба ёр.." илтижомунуножотлари, мувоқабата жуда самарали бартараф этилиши мумкин. Дил билан қилинадиган муносабатлар жамики ҳаётий-илоҳий муносабатларнинг энг аҳамиятлисидир;

- инсон ҳаётнинг ўткинчи эканлигини бутун моҳияти билан англаб етиш, инсонни умидсизлик, узлатчиликка эмас, ҳаётнинг қадрига етиш, фаол инсонпарварлик, ҳаётбахшликка чақиради. Ҳаётдаги эзгу ишлар инсонга ҳайр бахш этиб, башарият хотирасида ўчмас ва шарафли ном қолдиришни, адолатли ишлар эса инсонни заҳматлар, ўнганмас ғам-ташвишлар қаърига отибгина қолмай, инсон вафотидан сўнг, "бирор савобли, яхши иш қилмаганлиги учун" маломатига учраши, тавқи-лаънатига дучор бўлишини уқтиради. Фоний ҳаётдаги барча амаллар Оллоҳ номи билан, унинг шарафига бағишлаб амалга оширилади. Ўша амалий жараёнда ҳам Оллоҳ киши қалбида бўлиб, руҳий мадад бўлади;

- инсон ўз ҳаётида юксак илоҳий нишон - қадриятга эга эканлиги, ана ўша нишон - қадрият юксаклигидан туриб, унинг меъёрлари асосида, хатто энг оғир мусибатлар чоғида ҳам ўзини йўқотмай, инсонлик шаънини юксак тутиб яшаши, ҳур-озод, ҳаётбахш ва гўзал инсон бўлиш зарурлигини англатади;

-инсоннинг ҳаётдан, ўзининг буюк зот - Инсон эканлигидан, Оллоҳ берган неъматлардан розилигини жуда чуқур ва лўнда ифода этади. Дил рози-худо рози чин розилик қалбан берилган айтилган розиликдир;

-бизга Оллоҳ ҳақу, адл-инсоф, эзгулик йўлига даъват қилишини, инсон ҳаётидан мурад адл-инсофни рўёбга чиқариш, саодатга эришиш эканлигини англатади. Нопоклик, хиёнат, икки юзламачилик, муртадлик, лоқайдлик ва беғамликдан ихота қилишни уқтиради. "...Оллоҳ ҳақ йўлга ҳидоят қилур". "Шак-шубҳасиз ҳидоят (яъни инсонларни тўғри йўлга йўллаш) ёлғиз бизнинг зиммамиздадир";

- киши қалбида Оллоҳни бўлиши, яратган ожиз бандасини ҳар қандай салбий ўй-хаёл, фикр, ҳатти-ҳаракатлар ва фаолиятдан қайтариб туришини таъкидлайди. "(Оллоҳ) кўзларнинг хиёнатини (яъни қараш ҳаром қилинган нарсага ўғринча кўз ташлашни) ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур" (40:19);

- Оллоҳ ҳаётдаги ҳақиқатсевар, адолатли, эзгулик йўлида юрган ҳар бир бандасини ўз карами билан мукофотлашини ифодалайди. «Ҳидоят топган-тўғри йўлга юрган зотларга эса (Оллоҳ) яна ҳидоятни зиёда қилур ва тақво ато этур (яъни уларга ҳаромдан парҳез қилиш йўллари кўрсатур)» (47-17);

- Яратган инсон қалбига нур, ёруғлик олиб киради, Оллоҳнинг қалбда бўлиши бу нурнинг қалбда бўлишидир. Оллоҳ нури инсон вужудини, қалбини, ҳаёт йўлини ёритишини, ҳамда инсоннинг биосоциал оламини ва инсоннинг барча инсонийлик қирраларига нур бахшида этилишини аён қилади;

«Дил ба ёру, даст ба кор» шиорида асосий ғоя-инсон қалби мутассил Оллоҳ ёди билан, инсон қўли, амалиёти эса ижтимоий фойдали иш, меҳнат, касб-ҳунар билан банд бўлмоғи, инсонга бахшида этилган умрининг бир дақиқаси бўлсин зое кетмаслиги зарурлигини таъкидлашдир. Бу ғоя билан

боғлиқ равишда хожагон тариқати анъаналарига қаттиқ риоя қилган Баҳоуддин Нақшбанд «Зикри ҳафия»ни, яъни Оллоҳ таолога қарата инсоннинг ички илтижо-мурожатига урғу берганлар.

- "Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл". Бу ўғитда ифода этилган мазмун-маънони ҳазратнинг етук издошларидан бири бўлмиш мавлоно Абдурахмон Жомий қуйидагича назмий баён қиладилар:

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан,
Ўзгалар базмини қилади равшан.

Бу ерда "шамга ўхшаш" лик, яъни ёниш - ўз Ватани, халқи, миллати учун ўзни қурбон қилиш. Колаверса, ўзни фидо қила туриб Ватан, ватандошлар учун нур, зиё, ёруғлик сочиш. "...токи ҳаммага равшанлик бағишла" эса - ҳаммага баб-баравар эзгулик қилиш. Шамнинг ёнишини кузатайлик, унда такаббурлик, адолатсизлик, оғмачилик мутлақо йўқ. Ҳаммага бирдай, ҳаммага тенг нур улашади. Шу билан бирга у кишининг тунини, зулматини нурафшон этади. Эзгуликнинг иккинчи бир қирраси бу киши қалбини равшанлаштириш, илиқлик киритишдир. "...қоронғуда бўлиш" лик ўзни шам каби ўзни фидо қила туриб, ушбу фидоликни таъна қилмасликдир. Президентимиз Ислом Каримов Баҳоуддин Нақшбанд маънавий кадриятларидан илҳомланиб, бизни «Шу азиз Ватан барчамизники», «Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак» деган шиорни ўртага ташлайди.

Нақшбандиёна ўн бир қоида, бош шиорнинг турли истилоҳлари, турли нақшбандиёна панду-ўғитлар тўғрисида билдирилган турли фикр-хукмлар бизга Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати дунёқараши, фалсафаси, ҳамда тасаввуф этикаси тўғрисида етарли даражада маълумот олиш имконини беради.

Бағрикенглик тушунчаси бугунги кунда жуда кўп талқин этилаётгандек соф диний тушунча эмас, балки у соф этикасий тушунчадир. Биз кўпчилик ҳолларда диний бағрикенглик тўғрисида тапирсақда, унинг бундан ташқари фалсафий, сиёсий, этикасий ва тасаввуфий шакллари мавжуд. Бизнингча, бағрикенглик қуйидаги мезонларни ўзига асос қилиб олади:

1. ўз-ўзини англаш;
2. ўз юкини ўзи кўтариш;
3. ўзгаларни хизматга буюрмаслик;
4. ўзгалар юкини ўзига олиш каби.

Бағрикенглик қуйидаги шакл-кўринишларда намоён бўлади:

- сўзда – ширин сўз ёки далда тарзда;
- муомилада – ўзаро алоқада, муомила маданияти тарзида;
- амалда – яъни ўзгалар учун машаққат чекиш, уларни юкини ўз зиммасига оилш шаклида.

Бағрикенглик тушунчаси тасаввуф таълимотидаги ҳам марказий тушунчалардан бири бўлган. У имон, тавҳид, зикр, одоб, тавба, шукр, маърифат каби тасаввуфий тушунчалар билан бир қаторга қўйилган.

Тасаввуфнинг айниқса нақшбандия тариқатида бағрикенглик кенг тушунилиб, тариқат арбоблари ҳаётининг мазмунига айланган. Буни Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти билан боғлиқ бўлган қуйидаги бир қатор жиҳатларда кўришимиз мумкин.

1. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг балоғардонлик назарияси ва амалиёти. Нақшбандия тариқатининг асосчиси Нақшбанд балоғардонлик каби эзгуликка, бағрикенгликка, олижанобликка йўналтирувчи ақида-тажрибанинг раҳнамосидир. Исломда бу дунё бизга синов учун берилганлиги, бу синов-имтиҳон муваффақиятли бажарилса, киши ҳақиқий боқий дунёда Оллоҳ неъматини ила тақдирланажаги англанади. Агар ожиз банд ва бандалар бу йўлдан адашса, шайтоний йўлга киришса, у гуноҳкор бўлади ва унинг бошига балолар ёғилади. Инсон бу жазодан қутулмоқ учун, ўз ҳаётини эзгулик, ҳидоят ва яхшилик устига қурмоғи лозим. Ҳазрат Нақшбанд Бухоро музофоти аҳлини кўп марта уларга ёғилаётган ўлим, касаллик, очлик, олов, сувсизлик каби балолардан қутқариб қолган. Шунинг учун ҳам халқ унга Баҳоуддин Балоғардон шарафли номини берган.

2. Ҳазрат Нақшбанднинг «шамдек бўлишлик» ғояси. «Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл»,¹ – деб ёзган Баҳоуддин Нақшбанд. Бу ўғитда ифода этилган мазмун-маъно ҳазратнинг етук издошларидан бири бўлмиш мавлоно Абдурахмон Жомий қуйидагича назмий баён қилади:

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан,
Ўзгалар базмини қилади равшан...

Бу ерда «шамга ўхшашлик», яъни ёниш – ўз Ватани, халқи, миллати учун ўзини қурбон қилиш. Қолаверса, ўзни фидо қила туриб, Ватан, ватандошлар, одамлар учун нур, зиё, ёруғлик сочиш. «... Токи ҳаммага равшанлик бағишла» эса – ҳаммага баб-баравар эзгулик қилиш. Шамни ёнишини кузатсак, унда такаббурлик, адолатсизлик, оғмачилик мутлақо йўқ. Ҳаммага бирдай, ҳаммага тенг нур улашади. Шу билан у кишиларни тунини зулматини нурафшон этади. Бағрикенгликнинг иккинчи бир қирраси – бу киши қалбини равшанлаштириш, илиқлик киритишдир. «...Қоронғуда бўлиш»лик ўзни шам каби фидо қила туриб, ушбу фидоликни ҳам керак бўлса таъна қилмасликдир.

3. Ҳазратнинг «мутлақ эзгулик» ғояси. «Табиатга, барча тирик жонзотлару ўсимликларга, ҳайвонлару инсонларга бирдек мутлақ эзгулик, меҳр-шафқат кўрсатишдек орифий талабни Баҳоуддин Нақшбанд илк бор бони башарият ва коинот, борлиқнинг умумий ва бирдан-бир фундаментал принципи даражасига кўтарган», - деб ёзади А. Зоҳидий.

Муҳаммад Боқирнинг ёзишича, Баҳоуддин Нақшбанд пири Ҳазрати Азизоннинг, яъни Хожа Али Ромитанийнинг «Дўстнинг уловига яхши хизмат ва тарбият лозим, негаки бу жонивор дўстнинг ташриф буюришига сабаб бўлган» – деган сўзларини нақл қилиб юрар эканлар.³ Ҳатто ҳазрат ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб бериш кераклигини уқтриб ўтганлар:

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. «Мақомати Хожи Баҳоуддин Нақшбанд».- Т., 1993. Б.95.

³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Кўрсатилган асар. Б.57.

Яхшиларни яхши кўрар дунёдаги ҳар киши,
Ёмонларни яхши кўрмоқ фақат ғолиблар иши.⁴

Ижтимоий-маънавий тарихий тараққиётда адолат, эзгулик, тўғрилиқ, бағрикенглик каби тушунчалар ҳар қандай бунёдкор мафкурада алоҳида ўрин тутиб келган. Нақшбандийлик таълимотининг «балогардонлик», «шамдек бўлишлиқ», «мутлақ эзгулик» каби тушунча ва ғоялари биз учун бағрикенгликнинг ибратли мактабидир.

Юқорида санаб ўтилган нақшбандиена бағрикенглик қирралари бугунги кун миллий мафкурамизни шакллантиришда ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ғоявий манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон этикаси. 1-китоб. Т.: 1996.
3. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Т.: 1999.
4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон этикаси. I-китоб. - Т.: 1996.
5. Ориф Усмон. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. ҒҒ Мулоқот. -1993. -№ 1. – Б. 33.
6. Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомати Хожи Баҳоуддин Нақшбанд.- Т., 1993.

⁴ Шомухамедов Ш. Абдурахмон Жомий. –Т., 1963. Б.19.

Тасаввуф комил инсон ахлоқи тўғрисида

Барча жамиятларда ўша жамиятнинг етук инсонлари камолоти ҳамиша долзарб мавзу бўлиб келган. Шу жумладан бу борада тасаввуф таълимотида алоҳида бир таъриф ва талқинлар мавжуд.

Улуғ илоҳиёт назариётчиси Ал-Ғаззолий ўзининг «Кимёи саодат» асарида “Одамийни тамоми саодати Ҳақ-таолонинг маърифатини қилмоқ ва анга ибодат ва бандалик қилмоқдур” - деб ёзадилар.

Тавҳид ва комил инсон мавзулари тасаввуфнинг марказий мавзуларидан эканлигини эътироф этиш лозим.

Тасаввуфнинг асосий ғояси ҳам инсон ва унинг маънавий камолатни юксалтиришдан иборатдир. Буни амалга ошириш жараёнида тасаввуф таълимоти аввало инсон руҳиятини таҳлил этади. Буюк мутасаввуфлар инсон руҳини руҳи, сир, сиррус сир, хавий ва ахфо деб атаб, уни «латоифи ситта» дейишади. Илк мутасаввуфлар эса таб, нафс, қалб, сир ва руҳга ажратишадилар.

Рух ва Оллох ўртасидаги пардалар кўтарилиб ахфо мартабасига етилади. Орада ҳеч қандай парда қолмайди. Солиқ ҳаққа яқинликни мушоҳада этади. Бу мартаба тасаввуф таълимотида «инсонни комил» ёки «комил инсон» тушунчаси билан ифодаланади.

«Комил инсон –атрофида бутун борлиқ олами айланаётган бир қутбидир: Борлиқ яратилгандан бери комил инсон бордир ва унинг ўзига хос ҳақиқати бор. Асли исми Муҳаммад бўлиб, ҳар асирда бошқа суратда ва бошқача номлар билан кўринади. Дунё яратилгандан бери ҳар хил пайғамбарлар шаклида кўринган ҳам комил инсондир. Қиёматга қадар энг улуғ валий ҳам у»³.

Комил инсон-бир идеал, барча дунёнинг ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлоқ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот. Бундай мартабага эришган инсонлар профессор Н Комилов талқинича «валиуллоҳ, қибла, кутуб, ғавс (мардикор), автод (устунлар), абдал (бадал қилинган)-деб улуғланганлар»⁴.

Комил инсон тушунчаси тасаввуфий адабиётларда кўп марта тилга олиниб ўтилади. Кўп мунозара ва баҳсларга учраган. Комил инсон мавзусига бағишланиб, алоҳида, махсус китоблар ёзилган. Булардан Саййид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» номли рисоаларини келтириб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчасини биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Мухъйиддин Ибн-ал-Арабий (1165-1240) томонидан муомилага киритилганлигини қайд этмоқ жоиз. Ибн Арабий наздида комил инсон бу ахли аввал ёки нафси аввал, ахли кулл тушунчалари билан маънодошдир.

“Оллох одамни раҳмон суратида яратади» деган Хадиси Шариф мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Оллохнинг раҳмони Раҳим сифатларига эга бўлди. Комил инсон тимсоли Ибн Арабий ва Абдукарим Гилоний талқинларича бу Муҳаммад Саллоллоху алайҳи ҳазратлардир. Азизидин Насафий эса комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг,

бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”.

Демак комил инсон тушунчаси учун икки жихат асос қилиб олинади:

1. Комил инсон тасаввуф босқичлари: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтган бўлиши керак.

2. Комил инсон бир қатор илохий ва дунёвий сифат-фазилатларга эга бўлиши лозим.

Бизнинг назаримизда комил инсон ўз тарихий тараққиётда: «имонли-тақводор инсон», «фақр инсон», «аш-шаъра», «рубъу маскун» ва бошқа шаклларни босиб ўтган. Улар ўз сифатий кўринишлар ибтидосини ислом таълимоти замиридан олган ва бир меъёрга келтирилган.

Қуръони Карим «Бақара» сураси 177 оятда «Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхши эмас, балки Оллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қуларни озод қилиш йўлида берадиган, номозни тўқис адо этиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларга вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу-жадал пайтда сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар»⁶ дейилади.

Хадиси Шарифлардан бирида тақвадор инсонни : «Мени сифатим Аҳмад, таваккул қилувчи, қўпол эмас, бадхулқ эмас, яхшиликка яхшилик қайтарадиган, ёмонликка ёмонлик эмас балки яхшилик қайтарадиган, туғулган жойи Макка хижрат қилган жойи Мадина, умматлари эса Оллоҳга ҳамди этувчи, сатри авратлари изор билан ёпилувчи (иштон), атрофи очик жойларни ювувчи, тахоратда юрувчи, Қуръонлари дилларида ёд берувчи, номозга урушда сарф олувчи, Оллоҳга яқин бўлишлик учун жон ва қонларни аямовчи, кечалари ибодатда қаттиқ, кундузлари ишда шер кабидирлар⁷ каби сифатлар санаб ўтилади. Юқоридаги Қуръони Карим ва Хадис Шарифдаги «илохий» сифатлар асосида (улар Қуръонни Каримда 10та Хадис Шарифда 11та) Тасаввуф таълимотда ва унинг йирик тариқатларида комил инсон мақомларини ишлаб чиқилган. Бу мақомлар яссавий тариқатида саккизта бўлиб, «Фақр инсон» деб аталади:

“Фақр мақоми саккиз турур: аввал-тавба турур, ибодат турур, мухаббат турур, сабр турур, орифлик турур. Аввали хазрати Одам АС дин қолди, обидлик-хазрати Идрис АС дин қолди, шукр ва мухаббат-хазрати Иброхим АС дин қолди, сабрлик-хазрат Айюб АС дин қолди, зоҳидлик-хазрати Исо АС дин қолди, орифлик-хазрати Муҳаммад Мустафо соллоҳу алайҳи вассаллам дин қолди”⁸.

Худди шундай Кубровия тариқатида ўн қоида, яъни «аш-шаъра», Нақшбандий тариқатида ўн бир рашаха, мақом-қоидалари ишлаб чиқилган. Бу мақомларни бажарган солиқ комил инсон мартабасига эришади. Хатто Нақшбандий қоидаларини дастлабки 4 рашахасини бажарган солиқ ҳам

Алишер Навоий талқинича ер-юзида улуғ мартабага, «рубъу маскун» мақомига, яъни комилликка эришади.

Бу тўрт иш била рубъу маскун аро
Чалмоқ не тонг қуси давлат санга.
Бу оҳанг ила булғасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат сенга9.

Умуман олганда тасаввуф таълимотида комил инсон тушунчасини моҳияти ва асосий мезонлари ҳали XII асрдаёқ буюк мутасассуфлар томонидан атрофлича таҳлил қилиб чиқилган. Бунинг учун эса такводор инсон фазилатлари, мезон ва мақомлари асос сиватида қабул қилинган.

Хулоса ўрнида тасаввуф таълимотидаги комил инсон муаммоларини қуйилиши ва унга муносабат борасида қўйидаги жиҳатларини қайд этиб ўтиш мумкин:

- Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммосига кенг эътибор берилган.
- Тасаввуфдаги муаммолар орасида комил инсон муаммоси етакчи ўринда туради.

- Комил инсонни асосий мезон ва мақомлари имонли инсон мақомлари асосида яратилган.

- Комил инсон фазилатлари мустақиллик даври баркамол инсонларни тарбиялашда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

- Комил инсон мақоми шариат босқичлари ва маълум мақомларни бажариш орқали амалга оширилади.

- Тасаввуф таълимоти ва унинг турли жабҳасидаги ғоялари мамлакатимиз мустақиллиги учун муҳим ғоявий, мафкуравий таянч бўлиб хизмат қилади.

Зеро, Абдулло Қодирий айтганларидек “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир”. Президентимизда ҳам “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади” –деган ибора мавжуд. Шу маънода тасаввуф тарихини ва унинг комил инсон тўғрисидаги таълимотларини тадқиқ этиш давримизнинг энг долзарб илмий тадқиқот мавзуларидан бири бўлиб қолади.

Комил инсон тушунчаси тасаввуфий адабиётларда кўп марта тилга олиниб ўтилади. Кўп мунозара ва баҳсларга учраган. Комил инсон мавзусига бағишланиб, алоҳида, махсус китоблар ёзилган. Булардан Саййид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» номли рисоаларини келтириб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчасини биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Мухъйиддин Ибн-ал-Арабий (1165-1240) томонидан муомилага киритилган. Ибн Арабий наздида комил инсон бу ахли аввал ёки нафси аввал, ахли кулл тушунчалари билан маънодошдир.

«Оллох одамни раҳмон суратида яратади» деган Хадиси Шариф мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Оллохнинг раҳмони Раҳим сифатларига эга бўлди. Комил инсон тимсоли Ибн Арабий ва Абдукарим Гилоний талқинларича бу Муҳаммад Саллоллоху алайҳи хазратлардир. Азизидин Насафий эса комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шариат, тариқат ва

ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф»¹.

Бизнинг назаримизда комил инсон ўз тарихий тараққиётда: «имонли-тақводор инсон», «фақр инсон», «аш-шаъра», «рубъу маскун» ва бошқа шакллари босиб ўтган. Улар ўз сифатий кўринишлар ибтидосини ислом таълимоти замиридан олган ва бир меъёрга келтирилган.

Куръони Карим «Бақара» сураси 177 оятда «Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхши эмас, балки Оллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қуларни озод қилиш йўлида берадиган, номозни тўқис адо этиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларга вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу-жадал пайтда сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар»² дейилади.

Юқоридаги Куръони Каримдаги «илохий» сифатлар асосида комил инсон мақомларини ишлаб чиқилган. Бу мақомлар яссавий тариқатида саккизга бўлиб, «Фақр инсон» деб аталади:

«Фақр мақоми саккиз турур: аввал-тавба турур, ибодат турур, мухаббат турур, сабр турур, орифлик турур. Аввали хазрати Одам АС дин қолди, обидлик-хазрати Идрис АС дин қолди, шукр ва мухаббат-хазрати Иброҳим АС дин қолди, сабрлик-хазрат Айюб АС дин қолди, зоҳидлик-хазрати Исо АС дин қолди, орифлик-хазрати Муҳаммад Мустафо сОллоҳу алайҳи вассаллам дин қолди».³

Тасаввуф таълимотида комил инсон масаласида қўйидаги жиҳатларини қайд этиб ўтиш мумкин:

- Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммосига кенг эътибор берилган.
- Тасаввуфдаги муаммолар орасида комил инсон муаммоси етакчи

ўринда туради.

- Комил инсонни асосий мезон ва мақомлари имонли инсон мақомлари асосида яратилган.

- Комил инсон фазилатлари мустақиллик даври баркамол инсонларни тарбиялашда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

- Комил инсон мақоми шариат босқичлари ва маълум мақомларни бажариш орқали амалга оширилади.

- Тасаввуф таълимоти ва унинг турли жабҳасидаги ғоялари мамлакатимиз мустақиллиги учун муҳим ғоявий, мафкуравий таянч бўлиб хизмат қилади.

Комил инсон тушунчаси тасаввуфдаги асосий мавзулардан биридир. Ҳозиргача мавжуд диний ва дунёвий адабиётларда унинг шаклланиш мезонлари ҳақида бир қатор талқин ва таърифлар илгари сурилган. Комил инсон шаклланишининг қуйидаги жиҳат-мезонларини қайд этиб ўтиш мумкин.

1. Комил инсон бу Оллоҳни халифаси эканлиги. Яъни Тангри инсонни ўзининг ердаги халифаси, ўринбосари сифатида яратган. Қуръони Каримнинг Ал-исро сурасида «Биз одам болаларини азизу мукаррам қилиб яратдик», - деган оятни ўқиймиз. Комил инсон руҳ кишиси, у ўз-ўзидаги руҳий камолотни такомиллаштириб боради. Инсон руҳий такомил жихатдан ҳақиқатни ва илоҳий сирларни англаш қобилияти адо этилган ягона мавжудотдир. У бутун умр Оллоҳни барча исм ва сифатларини ўзида жам этишга тиришади. Оллоҳнинг жамол, жалол сифатларини ўзида намоён этишга интилиб, комил сифатларига яқин келади ва комил инсон мартабасига эришади.

2. Комил инсон – Муҳаммад Алайҳиссалом сифатидаги инсондир. Абдулкарим Жимий «Борлиқнинг яратилгандан бери комил инсон бордир ва унинг ўзига хос ҳақиқати бор. Асли исми Муҳаммад бўлиб, ҳар асрда бошқа суратда ва бошқа номлар билан кўринади. Дунё яратилганидан бери ҳар хил пайғамбарлар шаклида кўринган ҳам комил инсондир. Муҳаммад Алайҳиссалом ҳар хил суратда кўриниш кудратига эга. Ҳар замон инсонларнинг энг комил суратига кириб, уларнинг шаънини юксалтиради. Суратига кирган кишилар зоҳиран унинг халифалари, ботинан эса - уларнинг ҳақиқатидир», - деб ёзади.¹ Комил инсон тимсоли Ибн Арабий ва Абдукарим Гилоний талқинларида бу Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи ҳазратларидир.

3. Комил инсон тариқат босқичларини босиб ўтган инсондир. Азизидин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгинки, комил инсон деб шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгинки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Комил инсон Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраблар талқинида тариқатни тўрт босқичини босиб ўтган инсондир.

4. Комил инсон – Ҳадисларга амал қилувчи зотдир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Барча ҳолатда ҳам қадамнинг амру наҳий кўчасида бўлсин, суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо саллОллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расуллуллоҳ саллОллоҳу алайҳи вассаллам ва унинг улуғ саҳобалари, ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъин асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!», -деб васият қиладилар ўз шогирдларига. Бундан ташқари бошқа ўринда «Кимки битта ҳадисга умр бўйи амал қилса, кафил бўламанки, у мақсадига етади». Масалан, у: «Ман аслаҳа жавори ҳаҳу аслаҳОллоҳу жавонибаҳаҳу» ҳадисига (Кимки қўлоғини тўғри ишлатса, Оллоҳ таъоло унинг насибасини тўғри қилиб беради) амал қилса, кафил бўламанки, унинг иши дин ва яқин йўлида охирига етади», - деб такидлайди. Яъни кимки ҳадиси шарифларга ҳаётида қаттиқ амал қилса, у комиллик шарафига эришади. Бундан талқин Имом Бухорийда ҳам мавжуд.

5. Комил инсон - мутасаввуфлар томонидан ишлаб чиқилган маълум мақомларни босиб ўтган кишилардир. Бундай мақомлар яссавия тариқатида *та, кубровия тариқатида 10та, нақшбандия тариқатида 11та ва ҳоказо. Ўша мақомларни барчасини ёки бирон қисмини босиб ўтган киши комиллик

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи.- Т., 1999. Б.140.

даражасига етади. Масалан, ҳазрат Алишер Навоий нақшбандия рашаҳоларини дастлабки 4тасини босиб ўтган киши ҳам «рубъу маскун» мартабасига эришади, деб уқтиради. Тасаввуфшунос олим Н. Комилов «Комил инсон этикаси концепцияси ишлаб чиқилганлигини қайд этади.

6. Комил инсон нафсини тийган, саҳоватпеша, ҳаёти фақат яхшилик қилишга бағишланган инсондир. Бундай талқинлар Маҳмуд Асър Жўшан, Усмон Турар каби тасаввуф билимдонларида мавжуд.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, комил инсон мақомига турли хил йўл, қоида амалларни бажариш орқали эришиш мумкин. Бу мезон ва мақомларни исломий имонли инсон мақом-даражалари ташкил этади. Комил инсон бир қатор илоҳий ва дунёвий сифат-фазилатларга эга бўлган зот. Комил инсон мақомларини илмий жиҳатдан ўрганиш бугунги кун баркамол авлод вакиллари маънавий қиёфасини шаклланишида асос, мезон бўлиб хизмат қилади.

“Оллох одамни раҳмон суратида яратади” деган Ҳадиси Шариф мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Оллохнинг Раҳмони Раҳим сифатларига эга бўлди. Комил инсон тимсоли Ибн Арабий ва Гилоний талқинларича бу Муҳаммад Саллоллоху алайхи васаллам хазратлардир. Азизидин Насафий эса комил инсонга таъриф бериб ёзади: Комил инсон ўз тарихий тараққиётда: «имонли— такводор инсон», «фақр инсон», «аш-шаъра», «рубъу маскун» ва бошқа шаклларни босиб ўтган. Улар ўз сифатий кўринишлар ибтидосини ислом таълимоти замиридан олган ва бир меъёрга келтирилган.

Комил инсоннинг қуйидаги шакллари мавжуд бўлган:

1. Диний комил инсон. Имонли киши, такводор инсон ёки этиқодли одам. Еттинчи асрда вужудга келган. Фазилатлари 10 та.

2. Дунёвий комил инсон. Фозил инсон. Ўнинчи асрда шакланган. Фазилатлари 12 та. (Фаробий).

3. Тасаввуфий комил инсон. Фақр инсон, аш-шаъра, рубъу маскун инсонлар. Ўн иккинчи-ўн тўртинчи асрлар. Фазилатлари 8, 10, 11 та.

4. Этикасий комил инсон. Мукамал инсон. Ўн бешинчи асрда вужудга келган. Фазилатлари 10 та. (Воиз Кошифий).

5. Жавонмард комил инсон. Ахи, соф биродарлар, футувват, сарбародар ва бошқалар. Тўқизинчи -ўн бешинчи асрлар. Фазилатлари масалан Футувват инсонда 6 та.

Умуман олганда тасаввуф таълимотида комил инсон тушунчасини мотиви ва асосий мезонлари ҳақида XII асрдаёқ буюк мутасассуфлар томонидан атрофлича таҳлил қилиб чиқилган. Бунинг учун эса такводор инсон фазилатлари, мезон ва мақомлари асос сиватида қабул қилинган.

Президентимиз ёзганларидек: "Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиз»дир. Комил инсондаги «комил» сўзи арабча сўз бўлиб, бу тушунча бизга араб тилидан кириб келган ва ўзбекчада «етук» деган маънони англатади. Бу тушунча халқимиз ҳаётида ўрта асрлар яъни X-XII асрларда шаклланган. Баркамол инсон тушунчаси эса, форсча - арабча сўзлар

бирикмасидан ясалган тушунча бўлиб, бу ўринда «бар» форсча олиб бормок, «камол» етуклик, яъни комилликка элитувчи, олиб борувчи маъносини билдиради. Ҳозирги даврда комил инсон дейилганда қуйидаги хислатларга эга бўлган инсон тушунилади:

Маънавий жихатдан етук.

Рухий жихатдан етук.

Этикасий жихатдан етук.

Ақлий жихатдан етук

Жисмоний жихатдан этук.

Яъни, киши ички олами гўзал, иродали, юксак ахлоқли, теран мушохадали ва соғлом танли бўлиши лозим. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда баркамол инсон дейилганда: Озодлик ва эркинлик, Адолатлилик

Ватанпарварлик руҳида тарбияланган инсон тушунилади. Ҳозирги даврда бизнинг олдимизда турган асосий мақсадимиз соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб улғайтириш, шу мақсадда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда муносиб хиссасини қўшмоғи лозим. Шундагина биз кўзланган мақсадга эришамиз. Зеро, баркамол авлод — келажагимиз пойдеворидир. Комил инсон ҳақидаги таълимот инсонни ҳар жихатдан инсоний, этикасий, илмий, эътиқод ва бошқа соҳаларда энг юксак камолотга эриштиради.

Ўзбек халқи ўз тарихида ҳеч ҳачон беватан бўлган эмас. Лекин уни эркин ўз қўлида бўлган ва бўлмаган кунлари бўлган. Мустақиллик шароитида кишиларда ватанпарварлик хиссини уйғотиш, кенгайтириш ва мустахкамлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Муҳим вазифа Ўзбекистондаги ҳар бир инсонни миллати, дини, тилидан қатъий назар ватанпарварлик руҳида, қадимий молдий ва маънавий маданиятнинг масканларидан бири бўлмиш бу ҳудуднинг ҳақиқий жонқуярлари этиб тарбиялашдир.

Адабиётлар:

1. Юсупов Э. Маънавият камолот омили. -Т.: 1995.
2. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. Университет. -Т.: 1996.
3. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: 2009.
4. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. -Т.: 1999.
5. Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: 1996.

ХУЛОСА

Инсон кишилик жамиятида яшар экан, у хоҳ оилада бўлсин, хоҳ жамоада бўлсин, хоҳ жамиятда бўлсин, барча бўғинларда ўзаро муносабатда бўлади.

Ахлоқ тушунчаси кўп киррали тушунчалардан биридир. У ўз ичига инсон фаолиятининг барча жабҳаларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий-ботиний томонларини ҳам қамраб олади.

Ахлоқ, хулқ, одоб тушунчалари инсонларни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган зот белгиси эканлиги билан ажралиб туради. Инсон табиат мавжудотларининг олий гултожи саналади. Унинг юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти, даражаси ва хислати инсоннинг маънавиятини ташкил этади. Агар моддий нарсалар одам жисмига озик берса, маънавият инсоннинг руҳиятига, шуурига озик беради ва уни руҳлантиради.

Тасаввуф ахлоқи, умуман ахлоқ мавзуси бир сўз билан айтганда, жуда мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Умуман ҳар бир киши ҳаётда иложи борича бахтли, саодатли, билимли, маънавиятли, ижобий ва гўзал инсон бўлишни хоҳлайди ва бу йўлда тинмай ҳаракат қилади-ки буни зиёга, маърифатга ва маънавиятга, ёхуд ахлоқлиликка нисбатан табиий талпиниш деб баҳолаш мумкин.

Мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараён халқимиз маънавий ва маърифий мероси, қадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимизнинг маънавий, фалсафий меросини, шу жумладан тасаввуф ахлоқини ҳам ҳар томонлама ўрганишни тақозо қилади.

Жаҳон халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида мамлакатимиз алоҳида ўрин тутди. То ҳозиргача Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча йўналиш ва соҳалари, жумладан ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётида ўзининг сезиларли изини қолдирган.

Зеро, жамиятнинг бир тараққиёт босқичидан ва муайян қадриятлар тизимидан иккинчи тараққиёт босқичи ва янги қадриятлар тизимига ўтиши, прогрессив ғояларнинг кишилар онги ва тафаккуридан жой олиши, ислохотларнинг позитив ўзгаришларга, цивилизация талабларига мос ижтимоий ҳодисаларга айланиши замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар етиштиришга боғлиқдир. Чунки, тафаккури ҳар қандай «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга,

эл-юрт равнақига ва миллий маданиятни яратишга ва уни асрашга ўз ҳиссасини қўшишга қодирдир.

Маънавий меросимиз фалсафий асосининг муҳим қисмини тасаввуф таълимоти ва ахлоқи, шу жумладан Туркистонда шаклланиб, Шарқ маданияти ва тараққиётига катта ҳисса қўшган, уч буюк тариқатлар: яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари ташкил этадики, бу қайси бир жиҳатдан ўзбек фалсафасининг назарий асосларидан биридир. Ушбу жараёни замонавий-фалсафий қарашлар нуқтаи назардан тадқиқ этиш ҳам илмий, ҳам ижтимоий-амалий аҳамиятга эгадир.

Шу нуқтаи назардан танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги куйидагиларда кўринади:

Биринчидан, ўзбек фалсафасининг ва миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимиз бой маънавий, фалсафий меросини, шу жумладан тасаввуф ахлоқини ҳам ҳар томонлама ўрганиш, кенг халқ оммасига етказишни тақозо қилади.

Иккинчидан, ўзбек фалсафаси катта қисмини исломий кадриятларимиз: Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар, тафсирлар, шариат китоблари ва тасаввуфий мерос ташкил қилади. Ҳозирги давр халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёнида исломий ва тасаввуфий меросни замонавий илмий усуллар билан тадқиқ қилишни тақозо этади.

Учинчидан, миллий фалсафий меросимизнинг муҳим қисмини тасаввуф таълимоти ва ахлоқи, шу жумладан айнан бизнинг Ватанимиз - Туркистонда шаклланиб, эндиликда бутун дунёга тарқалган, жаҳон илм-фани, маданияти, умуминсоний кадриятлари тараққиётига катта ҳисса қўшган, уч буюк тасаввуфий тариқатлар: яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари ташкил этади. Мамлакатимиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан борар экан, умуминсоний кадриятларга содиқ эканлигини расман эълон қилган. Шу мақсадда тасаввуф ахлоқини умуминсоний кадрият сифатида ўрганиш зарур.

Тўртинчидан, мамлакатимиздаги мустақилликдан кейинги миллий тикланиш жараёнида Президент И.А.Каримов ташаббуси билан тасаввуфий меросга катта эътибор қаратилмоқда.

Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам «...тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз»¹дандир. Бу эса бизга Баҳоуддин Нақшбанд каби даҳо тасаввуф алломаларимиз ва бошқа тасаввуфий меросларимизни илмий ўрганиш вазифасини юклайди.

Бешинчидан, Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти бунёд этилаётган ҳозирги жараёнда, инсонни барча имкониятларини намоён қилишга, ўзлигини англашга шароит яратилган. Бу борада ўзбек фалсафасининг назарий асосларидан бири бўлган тасаввуф таълимотида, бир қатор ғоя, назария

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -Б. 140.

ва тажрибалар мавжудки, уни фалсафий жиҳатдан махсус таҳлил ва тадқиқ этиш зарур.

Мавзуга доир тўпланган материаллар, таҳлиллар ва илмий-назарий хулосалардан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик тавсияномалар ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида ёшларга фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларни ўқитишда, махсус фан дастурлари ишлаб чиқишда, маънавият ва маърифат марказлари, ёшлар ижодий уйлари, мактаблар ва ўқув юртларининг оммавий-маданий тадбирларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, олий ўқув юртларида махсус фан сифатида, талабалар орасида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар олиб борилишида ҳамда “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши талабаларига “Фалсафа”, “Ахлоқшунослик”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик”, “Маданиятшунослик”, “Маданият ва санъат тарихи”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Ижтимоий фалсафа”, “Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари” каби фанларни ўқитишда қўшимча маълумот, ахборот сифатида қўлланилиши мумкин.

Ушбу “Тасаввуф этикаси” номли ўқув қўлланма зарурий методик ишлардан биридир. Агар мазкур қўлланима оммалаштирилса, ундан нафақат “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида таълим олаётган талабалар, АЛ ва КХК ижтимоий фанлар ўқитувчилари, балки таълим ва тарбия тизимидаги барча зиёлилар ва ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар аудиторияси фойдаланиш имконияти туғилади деган фикрдамиз.

Тасаввуф этикасида адабиётлар

1) Манбалар:

- Абдулҳолиқ Ғиждувоний. «Васиятнома». -Т.: 1993.
- Азизиддин Насафий. Зубдат ул ҳақойик. (Ҳақиқатлар қаймоғи). -Т.: «Камалак», 1996.
- Али Сафий. «Рашаҳот». Иккинчи нашр. -Т.: 2004.
- Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат». А. Навоий асарлари тўплами. Ўйигирма томлик. 17 том. -Т.: 2001.
- Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Фақирнома. -Т.: 1992.
- Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. -Т.: 1991.
- Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. -Бухоро: «Бухоро», 2001.
- Бобраҳим Машраб. Мабдаи нур. -Т.: 1994.
- Ғаззолий. Ихё улум уд — дин (Диний илмларни жонлантириш). Илм китоби. -Т.: 2002.
- Ғаззолий. Кимёи саодат. -Т.: «Камалак», 1994.
- Ғаззолий. Охиратнома. -Т. 1994.
- Имом Бухорий. Ал -адаб ал —муфрад. -Т.: 1991.
- Мавлоно Муҳаммад Қози. «Хукмдорга ўғитлар». -Т.: 1999.
- Мир Кулол ва шоҳи Нақшбанд мақоматлари. «Дурдона». -Т.: 1993.
- Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар Султони. -Т.: 2004.
- Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. -Т.: «Ўзувчи», 1993.
- Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. -Т.: 2004.
- Насафий Азизиддин. «Зубдатул — ҳақойик» («Ҳақиқатлар қаймоғи») -Т.: 1995,
- Сўфи Оллоёр. «Сабот ул — ожизин». -Т.: 1991.
- Умар Хайем. Рубоийлар. -Т.: 1991. 1994.
- Фариддин Аттор. Илоҳийнома. -Т.: 1994.
- Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул авлиё. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1997.
- Ҳасанхожа Нисорий. «Музақкири аҳбоб». -Т.: 1993.
- Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. «Васиятнома». -Т.: 1993.
- Хожа Бектоши Валий. Мақолат. -Т.: 2000.
- Хожа Юсуф Ҳамадоний. «Ҳаёт мезони» ("Рутбат-ул-ҳаёт") -Т.: 2003
- Ҳусайн Воиз Кошифий. «Футуфатномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати». -Т.: 1994.
- Шайх Нажмиддин Кубро. Шарҳи рисолайи одобул зокирин. Урганч. 1994.
- Ҳусайн Воиз Кошифий. Этикаси Муҳсини. -Т.: «Ўзувчи», 2004.
- «Ислом тасаввуфи манбалари». (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий . Тузувчи Ҳ. Болтабоев. -Т.: «Ўқитувчи», 2005.

2) Тасаввуфий адабиётлар:

- Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тўплам. -Т.: «Ўзбекистон», 1994.

- Абдуғани Абдулла ўғли. Мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари. -Т.: «Адолат», 1993.
- Валихўжаев Ботурхон. «Хожа Аҳрор тарихи». Т. 1994.
- Дурдоналар хазинаси. -Т.: «Шарқ», 1999.
- Жўшон М. А. Ислон, тасаввуф ва ахлоқ.-Т.: «Истиқлол», 1999.
- Жўшон М. А. Тасаввуф ва нафс тарбияси.-Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2001.
- Зоҳидов В. «Улуғ шоир ижодининг қалби». Т.: 1970.
- Иззат Султон. «Нақшбандия абадияти». Т.: 1994.
- Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси. Т. 1995.
- Каримов Э. «Хўжа Аҳрор: ҳаёти ва фаолияти». Т.: 2003.
- Комилов Н. «Нажмиддин Кубро». Т.: 1995.
- Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон этикаси. Биринчи китоб. Т.: «Ёзувчи», 1996.
- Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
- Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Т. 1999.
- Комилов Н. Шайх Нажмиддин Кубро. Т.: 1995.
- Муршиди комил ҳикматлари. Т.: «Янги аср авлоди», 2004.
- Наврўзова Г. «Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ва комил инсон тарбияси». Т.: 2005.
- Ориф Усмон. «Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида». Т.: 1993.
- Ориф Усмон. Бухорои шарифнинг етти пири. Т.: «Фан», 2003.
- Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. Т.: "Янги аср авлоди", 2006.
- Салим Бухорий. Дилда ёр. Т.: 1993.
- Ишқ дафтари. Рубоийлар. Форс тилидан Эргаш Очил таржималари. Т.: "Маънавият", 2000.
- Ҳамидхон Исломий. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. Т.: "Фан", 2005.
- Хўжа Аҳмад Яссавий. Насабнома. Т.: "Фан", 2007.
- Яссавий насабномаси ва Амир Темур. Т.: "Хазина", 1996.
- Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Т.: «Истиқлол», 1999.
- Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Т.: 1991.
- Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Т.: «Шарқ», 2004.
- Хуррам Барака. Тасаввуф. -Самарқанд: «Сугдиёна», 1997.
- Эргаш Очил. Муборак сарчашмалар. Т.: «Ўқитувчи», 1997.

ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: 1998.
2. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. (Усули ашара) Т.: 2004.
3. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон этикаси. 1-китоб. Т.: 1996.
4. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Т.: 1999.
5. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: 2001.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва тасаввуф этикаси. Т.: 1994.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси–халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: 2000.
3. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Т.: 1993.
4. Абдулҳолик Ғиждувоний. Васиятнома Т.: 1993.
5. Абу Ҳамид Ғаззолий. Кимёи саодат. Т.: 1994.
6. Али Сафий. Рашаҳот. Иккинчи нашр. Т.: 2004.
7. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. А. Навоий асарлари тўплами. Йигирма томлик. 17 том. Т.: 2001.
8. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Т.: 1992.
9. Баҳоуддин Нақшбанд. Авроди Баҳоия. Бухоро.: 2000.
10. Ислом тасаввуфи манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий . Тузувчи Ҳ. Болтабоев. Т.: 2005.
11. Мир Кулол ва шоҳи Нақшбанд мақоматлари. Дурдона. Т. 1993.
12. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Т.: 2004.
13. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони ("Рутбат-ул-ҳаёт") Т.: 2003
14. Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Т.: 1991.
15. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Т.: 1994.
16. Валихўжаев Ботурхон. Хожа Аҳрор тарихи. Т. 1994.
17. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Т.: 1970.
18. Иззат Султон. Нақшбандия абадияти. Т.: 1994.
19. Каримов Э. Хўжа Аҳрор: ҳаёти ва фаолияти. Т.: 2003.
20. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Т.: 1995.
21. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ва комил инсон тарбияси. Т.: 2005.
22. Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. Т.: 1993.
23. Ориф Усмон. Бухорои шарифнинг етти пири. Т.: 2003.
24. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Т.: 1999.
25. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. Т.: 1991.

Интернетдан маълумот олиш мумкин бўлган сайтлар:

1. www.istedod.uz
2. www.akademik.ru
3. www.pedagog.uz
4. www.kutubxona.uz
5. www.intall.uz
6. www.ilm.uz

ТАСАВВУФ ЭТИКАСИ ФАНИДАН ТЕСТЛАР.

1. Тасаввуф гўзал ахлоқдир, таърифи кимники?

- А) Соқатий
- Б) Ғаззолий
- С) Арвосий
- Д) Арабий

2. Суфизм- мураккаб фалсафий оқимдир-ибораси кимники?

- А) Е. Бертепье
- Б) И. Мўминов
- С) В. Зоҳидов
- Д) М. Боратов

3. Суфизм атамасини қанча талқинлари бор?

- А) 50 та.
- Б) 60та
- С)72та
- Д) 96та

4. Суфизм атамасини машҳур талқинлар нечта?

- А) 3та
- Б) 5та
- С) 7та
- Д) 9та

5. Суфизм атамасини туркча талқинини топинг.

- А) Хикмат
- Б) Жанда
- С) Билим
- Д) Соф

6. Тасаввуф қаерда пайдо бўлган?

- А) Арабистонда
- Б) Сурияда
- С) Ироқда
- Д) Эронда

7.Тасаввуф тараққий этган ҳудудларни топинг.

- А) Арабистон, ироқ.
- Б) Ироқ, Сурия.
- С) Арабистон, Эрон
- Д) Эрон, Турон

8. Тасаввуф тараққиет босқичлари нечта?

- А)2та
- Б) 3та
- С)4та
- Д) 5та

9.Тасаввуф тариқатлари қайси даврдан бошланган?

- А)2
- Б)3

С)4

Д)5

10.Қуйидаги тасаввуфнинг назарий унсурларини топинг.

А) онтологик-троссологик-оксиологик

Б) оксиологик-методологик-диолектик

С) диалектик-оксиологик-оксиологик

Д) онтологик-психологик-тросеологик

11.Агар Муҳаммаддан кейин пайғамбар бўладиган бўлса Ғаззолий бўларди

таърифи кимники.

А) Арабий.

В) Бартольд

С) Бертелс

Д) Гольцер

12.Тасаввуф босқичлари қайсилар.

А) шариат-тариқат.

В) шариат-тариқат-маърифат.

С) шариат-тариқат-маърифат-ҳақиқат.

Д) шариат-тариқат-маърифат-ҳақиқат-меҳнат.

13.«Мен ҳақман»-деган иборани ишлатган мутасаввуф ким?

А) Ғаззолий

В) Румий

С) Халлож

Д) Бистомий.

14.Аналҳақлик ғоясини марказий Осиёда ким қўллаган?

А) Кубро

Б) Яссавий

С) Машраб

Д) Нақшбанд

15.Петрушевский талқинича тариқатларни қанчаси оммавий тариқатлардир?

А) 7-8

Б) 9-10

С) 12-14

Д) 18-20

16.Тасаввуфда адаб илми нечига бўлинади?

А) 2 га

Б) 3 га

С) 4 га

Д) 5 га

17.Адаб маъоллох нима?

А) Оллоҳни севувчи

Б) Олоҳга ибодат этувчи

С) Оллоҳни дўст тутувчи

Д) Бандасининг одоби

18. Адаб моъаси расул нима?

А) Расуллоҳ одоби

Б) Одобни сақлаш

С) Умматнинг одоби

Д) Бандасининг одоби

19. Адаб моъаси шайх нима?

А) Шайх одоби

Б) Банданинг одоби.

С) Умматнинг одоби

Д) Муриднинг одоби.

20. Адаб моъаси ихвон нима?

А) Бандасининг адаби

Б) Умматнинг одоби.

С) Шайхлик одоби.

Д) Дўстлик одоби.

21. Бандалик одоблари нечта?

А) 2

Б) 3

С) 4

Д) 5

22. Умматлик одоблари нечта?

А) 5

Б) 6

С) 7

Д) 8

23. 250 та муридлик хусусиятлар бўлишини айтган олим ким?

А) Ғаззолий

Б) Кошифий

С) Арабий

Д) Бурсавий

24. Дарвишдаги «Д» нима?

А) Дард

Б) Дуне, борлиқ.

С) Дил.

Д) Дўстлик

25. Дарвишдаги «Ш» нима?

А) Шариат

Б) Шиор

С) Шижоат

Д) Шукр.

26. Ғўзал ахлоқ саноғи қанча?

А) 200

Б) 300

С) 400

Д) 500

27. Инсоннинг «Энг катта душмани-...» деган ҳадисни тўлдилинг?

А) Шайтон.

Б) Мажусийлар

С) Нафс

Д) Кибр.

28. Нафсни ғайри табиий истаклари нечта?

А) 4

В) 5

С) 7

Д) 10

29. Нафсни мартабалари нечта?

А) 3

В) 4

С) 5

Д) 7

30. Биринчи нафс мартабасини топинг?

А) нафси розия

В) нафси аммора

С) нафси ливвора

Д) нафси номула

31. Охири нафс мартабасини топинг?

А) нафси аммора

В) нафси розия

С) нафси ливвора

Д) нафси номула

32. Нафсни ислоҳ этиш йўлларини дастлабкиси.

А) намоз

В) рўза

С) закот

Д) ҳаж

33. Зикр нима?

А) ибодат

В) намоз

С) сано

Д) ед этиш.

34. Қуръонда неча ўринда зикр амр этилган?

А) 50

В) 60

С) 70

Д) 80

35. Зикр ҳақида қанча ҳадислар бор?

А) 90-100

Б) 100-200

С) 200-400

Д) 500-600

36. Зикр турлари нечта?

А) 5

В) 6

С) 7

Д) 8

37. Робитаи мавт нима?

А) эслаш

В) ёд олиш

С) хотира

Д) ўлимни эслаш

38. Зикрни турларини аниқланг?

А) жаҳрий

В) хафий

С) жаҳрий ва хафий

Д) сано-мақтов

39. Зикрни биринчи вазифаси нима?

А) астағфруллоҳ

В) ла ила илолоҳ

С) оллоҳ

Д) оллоҳума

40. Оллоҳ йўлида пул сарфлашни савоби қанча?

А) 70 баробар.

В) 100 баробар

С) 300 баробар

Д) 500 баробар

41. Самоъ нима?

А) Қўшиқ

В) Зикр

С) Рақсли зикр

Д) Ибодат

42. Яссавийнинг машхур асари нима?

А) Хикматлар

В) Фақирнамо

С) Ибодат

Д) Намоз.

43. Машхур "Рашоҳат" асарини ким ёзган?

А) Кошифий

В) Ғаззолий

С) Али Сафий

Д) Навоий

44.Аттор ва Навоий мажозий маънода етти водий оркали нимани тасвирлаган?

- А) Солик рухининг етти хил товланувчи манзараси
- В) Йлохга восил бўлиш боскичлари, маърифат зиналари
- С) Тасаввуфда машхур етти тариқат
- Д) Тасаввуфдаги етти машхур суфийлар

45.Аттор ва Навоий асарларида тасвирланган «Худуд» қандай рамзий маънони билдиради?

- А) Пир тимсоли
- В) Хак таоло тимсоли
- С) Ой тимсоли
- Д) Мутасаввуф тимсоли

46.«Лисоний ут тайр» да мавжуд бўлган 60 дан ортиқ ҳар хил хикоятларда қайси масалаларда фикр юритилади?

- А) Инсон этикасига оид масалалар, тариқат ва шариат, ирфоний билиш масалалари устида.
- В) Мурид ва муршид масаласи устида.
- С) Яхшилик ва ёмонлик масаласида.
- Д) Тасаввуф ғояларини таъсирчанлиги ҳақида.

47.«Шоирда дарвешлик хислати бўлмаса, унинг истеъдоди улуғ мақсадга хизмат қилолмайди». Ушбу фикр кимга тегишли?

- А) Мир Алишер Навоийга.
- В) Абдурахмон Жомийга.
- С) Жалолиддин Румийга.
- Д) Нажмиддин Куброга.

48.Кимлар тасаввуф шеърлятида бағоят содда тилда ёзилган асарлари билан машхур бўлганлар?

- А) Яссавий, Сўфи Оллоер.
- В) Навоий, Лутфий.
- С) Ибн ал- Арабий, Румий.
- Д) Жомий, Бедил.

ГЛОССАРИЙ

Абдол - тарки дунё айлаб Ҳаққа юз бурган вали. Улар руҳларини, маънавий борлиқпарини моддий борлиқлари ўрнига бадал айлаган дарвешлардир. Абдол - ўзгаларнинг унга қилган ёмонликларини осон кечира билгувчи, қазо ва қадарга кўнгил хушлиги билан бўйин эгувчи, ибодатларни чин ихлос ила адо айловчи киши. Абдоллар дунёнинг маънавий посбонларидурлар. Ибн Арабийга кўра, Оллоҳ етти иқлимни етти абдол воситасида бино қилган. Шу боис етти замоннинг руҳонияти уларга боғлиқ ва ҳар абдол ўз кучини етти замоннинг биридан ўрин олган пайғамбарлар — Ҳазрат Иброҳим, Ҳазрат Мусо, Ҳазрат Ҳорун, Ҳазрат Идрис, Ҳазрат Юсуф, Ҳазрат Исо ва Ҳазрат Одам алайҳиссаломдан олур. Ҳазрат Яхё эса Исо билан Хорун ўртасида юриб пайғамбарлардан эшитган ҳақиқатларни етти абдол қалбига нақш айлаб турармиш.

Аброр - ўзи, сўзи-ю амали тўғри бўлганлар, яхшилик ва поклик ила танилган кишилар. Тасаввуфда аброр икки тоифага ажратилган: 1. Аҳди футувват бўлиб, булар ўзларини инсонийлик хизматига бағишлаганлар. 2. Махлуқотдан узоқлашиб бутунлай Оллоҳга бағишлаганлар, яъни ғайратга таслим зотлар.

Авлиё - валилар, дўстлар. Оллоҳнинг энг яқин дўстлари, севимли куллари демак. Авлиёнинг каромати ҳақдир.

Арш - айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш тўққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ - кулли макон. Арш сўфийлар тасавбурида борлиқ ва вужуддир. Аршга «нафси кулл» номини берганлар ҳам бўлган экан. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, у моддий оламнинг илк босқичи саналган. Арш - тажаллий манбаи, яъни илоҳий кудрат асоси. Шунинг учун у илоҳий тахт деб қабул қилинган. «Арши муалло», «Арши Раҳмон», «Арши илоҳий», «Арши Яздон», «Фалаки аъзам» - булар Аршга қўйилган номлардир.

Асмой хусна - Оллоҳу таолонинг гўзал исмлари демак. Бу ҳақида Қуръони каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган: «Оллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар) (Аъроф: 180). Ёки «(Эй Муҳаммад), айтинг: «Оллоҳ деб чорлангиз, ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангизларда (жоиздир). Зеро, У зотнинг гўзал исмлари бордир».

Ағёр - ғайрлар, Ҳақдан бошқа нарсалар, мосиво. Сўфийлик ҳаётини яшамаган, тариқатдан йироқ кишилар. Бу калима нафс маъносида ҳам қўлланилган.

Бало - ғам, кадар, мусибат, офат, фалокат. Тасаввуфда илохий имтихон, солик қалбида шавқ ва қувончнинг зухурланиши ёки ортиши демак. Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, «балода неъмат бордир. Чунки у инсонни охират ва Оллоҳга боғлар. Шунинг учун балодан суюниб, шукр айламоқ керакдир». Балоба авлиёнинг либоси деб қаралишининг боиси ҳам ана шунда.

Басират - ботиний назарнинг очилишиш, қалб кўзи ила кўриш, илохий сезгининг кучайиши. Бунга «Қудсий қувват» ҳам дейилган.

Бақо - фанонинг зидди, давомийлик. Тасаввуфий истилоҳда қулнинг ўзида мавжуд нарсалардан кечиб, Оллоҳга оид ҳақиқатлар билан бақоба эришиши. Башарий иродадан илохий, яъни энг олий иродага юксалиш.

Ботин - ич, пинҳон, сир, асрори илоҳия. Соликнинг сийрати, руҳи ва ички олами.

Ватан - қулнинг ҳол ила энг охирда эришган ва қарор топган жойи маънавий юрт. Жунайд Бағдодий демиш: «Оллоҳнинг шундай қуллари бордурки, бир қанча мақомдадурлар. Улар Оллоҳнинг ҳадя ташийдиган отларига минадилар ва суръатла Оллоҳга томон елиб борадилар». Абу Сулаймон Доронийнинг айтишича, «Иймон яқийндан (илм) кўп фазилатлидир. Чунки иймон юртдир»... Инсон руҳининг бу дунёга келишдан аввалги манзили ҳам аслий ватан дейилган. Сўфи Оллоёр инсонни «Кетар аслий ватанга даст холи», деганда ҳам айнан ўша ватанни назарда тугган.

Ваҳдати вужуд - вужуднинг бирлиги демак. Оллоҳдан бошқа борлик йўқлигини билиш шуурига сохиб бўлишдир. Ваҳдати вужуд маслағига кўра, ҳамма нарса тоқ вужуд бўлмиш Оллоҳнинг турли-туман тажаллийлари, зухурлари, тахайюллари ва кўринишларидан бошқа бир нарса эмасдир. Ваҳдати вужуд моҳияти завқ ила кашф этилиб, яшаш йўли билан бшшнади, мушоҳада этилади.

Ворид - қулнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган равишда қалба юзага келадиган маъно, илҳом ва файз эрур.

Дарвеш - тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юксак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва хуррият мақомидир. Яссавий «Фақрнома»сида таъкидлаганки, «Ҳар ким дарвешлик даъвосини қилса, аввал Ҳақ амрига бўйин суниб, шариат амри билан бўлғай. Ва ботил ишлардин ва бидъат ишлардин парҳез қилғай, кеча қиём бўлмагунча, кундуз хизмат қилмагунча, шайхлик даъвосини қилса, ботил турур».

Жабарут - мулк ва малакут ёки шаҳодат ва ғайб-моддий ва маънавий оламларнинг ўртасида мавжуд бўлган олам.

Жалват - кишининг ватани ва оиласидан узокпашуви; жилोलаниш, жило бермоқ; маълум бир нарсанинг ўртага чиқиши, зухурланиши. Тасаввуфий

исгилоҳда халқдан узоқлашиб, танҳоликда Ҳақ ила бўлиш. Қулнинг илохий сифат иа гўзал хулқ ила безаниб, хилватдан чиқиб халққа аралашиши. Жалват нақшбандийликда «Хилват дар анжуман» тарзида ифодаланган.

Жалол - улуғлик, буюклик, азамат. Маъшукнинг ошиққа муглақо мухтож эмаслигини изҳор этиш, ошиқнинг ғурурини синдириб, ўзининг қаршисида нақадар чорасизлигини исботлаши. Соликни манлик даъвосидан халос этгувчи илохий тажаллийлар.

Жамол - гўзал чехра, гўзаллик. Оллоҳнинг лутф ва раҳмат сабаби бўлган сифатлари тажаллийси.

Жаҳолат - нодонлик, билимсизлик, жаҳдга тобе бўлиш. Қанча муддат расмий ва зоҳирий илмларни ўрганиш билан машғул бўлмасин, барибир ҳақиқатни идрок айлаш қобилиятидан маҳрум қолдирадиган кўнгил.

Зоҳид - зухд йўлига кирган, таркидунё этган киши. Ҳожи Бектош Валининг таърифига кўра, «зоҳидларнинг асли оташдандур ва улар тариқатта мансубдурлар». Шу сабабли ҳақиқий зоҳид ўзини «ёндириши», яъни ёниб яшамоғи лозим. Зоҳидларнинг мақомлари ибодат, кўрқув, умид ва «Илм-ал яқийн» эрур.

Зухд - парҳез қилмоқ, яъни дунёга илтифот этмасдан тоат-ибодат ила кун кечирмоқ. Асл зухд - Оллоҳга маъқул нарсаларни севмоқ. Тангри таъқиқпаган нарсалардан ҳазар этмоқ. Расулуллоҳ демишлар: «Дунёда зухдни таржих этки, Мавло сени севсин ва носнинг (инсонларнинг) кўлидагиларга илтифот этмагилки, нос ҳам сени севсин».

Ибодат - Оллоҳга топинмоқ, қуллуқ қилмоқ ва унинг амрларини адо этмоқдир. Ўтмишда ибодат аҳли жаннат учун, жаҳаннам азобларидан кўрқув туфайли ёки Ҳақнинг ризоси учун ибодат қилувчилар тоифасига ажратилган.

Имон - қалб ва вужудни бирлаштирувчи, эзгу амалларга бошловчи илохий ҳол. Иймон учун қалбнинг тасдиғи асл ҳисобланади. Ислом дини нуқгаи назарича, Оллоҳнинг мавжудлиги, бирлиги, Муҳаммад пайғамбарнинг Оллоҳ элчиси экани, Қуръонга, ундан олдин нозил этилган диний китобларга шубҳасиз ишонган, намозини қанда қилмаган, рўза тутган, ҳажга борган, закот берган киши мўъмин, яъни иймонли киши дейилади. Иймоннинг туб мохияти ва бош асоси Қуръони каримда белгилаб берилган. Масалан, «Нисо» сурасида бундай дейилади: «Эй мўъминлар, Оллоҳга, унинг пайғамбарига, нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган китобларига ишончингиз комил бўлсин. Кимки Оллоҳга, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди».

Истиғроқ - ғарқ бўлиш, бирор нарсани бошдан-охиригача эгаллаш, ишюл этиш. Сўфийликда Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса билан алоқани узиб

важд ва ҳолга таслим бўлишдир. Валоят мартабасидан кейинги ҳол. Истиғроқнинг даражаси учдир: 1. Илмнинг ҳолга истиғроқи. 2. Ишоратнинг кашфга истиғроқи. 3. Шавоҳиднинг жамъда истиғроқи.

Каромат - икром, шараф, карам, лутф ва эҳсон демак. Каромат — пайғамбарлик даъвосидан йироқ бўлган одамда фавқулудда ҳолатнинг зухурланиши ёки руҳий тажриба Оилан боғлиқ ҳайратланарли воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиши. Каромат иккига бўлинган: биринчиси- каромати кунния. Иккинчиси - каромати илмий. Булар «қавний» ва «ҳақиқий» деб ҳам аталган.

Ладун - ғайб илми, илоҳий асрорни ўргатувчи илм.

Латойифи ситта - нафс, қалб, руҳ, сир, хафий, ахфо.

Маърифат - ақлу дониш, амалий билим, таниш, фаҳм, тасаввуфга хос илм; ҳол сирлари ва илоҳий ҳақиқатларга тегашли илм-ирфон. «Кашф ул-махжуб» муаллифининг айтишича, фуқаҳо сингари бошқа кишилар ҳам Оллоҳ ҳақидаги илмга «маърифат» номини берганлар. Тарикат шайхлари эса Оллоҳ хусусидаги сиҳатли ҳолни «маърифат» дея атаганлар. Ва шунга кўра, «Маърифат илмдан кўп карра устундир», деганлар. Имом Ғаззолийнинг таъкидига кўра, «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади».

Мақом - манзил, марҳала, маънавий мавқе, мартаба, тўхтам. Қушайрийнинг айтишича, мақом қулнинг такрор асосида сифат ҳолига етказган одоби ва этикасидир. Мақомга риёзат, мужоҳада ила эришилур.

Тавба, вараъ, зухд, фақр, сабр, таваккул, ризо — булар тарикат мақомлари эрур. Тавба мақоми талабларини бажармасдан вараъ мақомига эришиб бўлмайди. Худди шунингдек, кейинги мақомларда ҳам биридан иккинчисига ўтиш айна шу тартибда давом этади.

Мурид - тарикат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулук мартабасини эгаллаган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эгалланадиган бир даражадир.

Муроқаб - мушоҳада, бирор нарсага диққат ила нигоҳ ташламоқ, худо фикрига берилиб, дунёга тааллуқли хаёл, ўткинчи майллардан фориғ бўлмоқ. Тасаввуфда муроқаб икки хилга ажратилган: бири авомнинг муроқабаси бўлиб, бунда Ҳаққа толиб киши Оллоҳнинг амрларини адо этади. Унинг ўз ахволидан огоҳ ва талабгор эканини англаб, айна шу мулоҳазадан ғофил қолмайди. Иккинчиси - муроқабай хавос. Бунда солиқ жазбан муҳаббат билан ҳусни мутлақнинг сирини бўлган аҳадиятини давомли тарзда барча ашъда мушоҳада ва мулоҳаза қилади ҳамда шу жараёнда ашъни тамоман

эсдан чиқаради. Айни ҳолда Оллоҳ таолонинг анворига назар айлаб, асрорига муроқиб бўлади.

Муршид - тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо.

Муршиди комил - Ҳаққа етишган, фанофиллоҳ мартабасига юксалган вали.

Олами Кубро - буюк олам. Зоҳиран буюк олам коинотдир. Кичик олам эса инсон. Дарҳақиқат, коинот инсонда мужассамлашгандир. Зеро, инсон бутун оламларнинг аслидир. Инсон зоҳиран кичик, ҳақиқатда эса улуг оламдир.

Олами Суғро - кичик олам. Бу олам эса инсондир.

Ризо - розилик, хушнудлик, мамнунлик. Тасаввуфда Оллоҳ ҳукми ва иродасига тўла таслим бўлиш. Зунун Мисрийга кўра, «Ризо - қайғу ва қадарнинг аччиқлигини қалб севинчи ила қаршиламоқ». Рувайм бин Ахмад ал-Бағдодий эса ризони инсонга қисмат этилмиш балолардан лаззатланиш истеъдоди, дея таърифлайди.

Мавлоно Фузулий: Ё Раб, балойи ишқ ила қил ошно мани,

Бир дам балойи ишқдан этма жудо мани, деганида, бу ўткинчи дунё хирсу ҳавасларидан кўнгилни бугунлай поклашни назарда тутган эди. Зеро, Жунайд Бағдодий қайд этганидек: «Ризо қалбларда восил бўлган илмнинг мустаҳкам ва саҳиҳ бўлишдир. Қалб илмнинг ҳақиқатига юзлангач, илм уни ризога йўналтирар».

Робита - алоқа, боғланиш, занжир, тартиб ва қоида. Нажмиддин Куброга кўра, ирода тобланиб, «толибдаги самимият ҳам кучга тўлса, химмат соҳиби ила матлуб орасида (моддий ва маънавий) робита майдонга келур. Бу робита ё ижод ва пайдо айлаш, ёки ихфо ва йўқотиш шаклида воқе бўлур».

Сабр - чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устиворлик. Тасаввуфий тушунчада сабр - инсоннинг яхши ва ёмон ҳолатларнинг барчаси Оллоҳ томонидан берилганини англаши ва шунга тан бериши. Яхши ҳоллар учун шукр, ёмон ҳоллар учун шикоят қилмаслик сабрнинг шартларидандир.

Сайр - тариқатда тариқат асосчиси бино этган усул доирасида тасаввуф этикасининг юксалиши, рухий камолотга етиштирувчи саёҳат.

Саири Аниллоҳ - сайру сулукнинг тўрт мартабасидан охиргиси. Бу сайр ваҳдатдан касрат томонга бўлган сайрдир.

Саири Илоллоҳ - сайри сулукнинг илк мартабаси, сафари аввал. Соликнинг зикр йўли билан Ҳақ таолога уруж айлаб, асмоуллоҳ мартабаларидан исми ҳақиқийга восил бўлишидир.

Саири Маъоллоҳ - сулукнинг учинчи мартабаси. Соликнинг ҳар мартабада Оллоҳ билан сайрга етишиши.

Сайри Филлоҳ - сайри сулукнинг иккинчи мартабаси. Сифатуллоҳ ила сифатланиш, асмоуллоҳ билан мутаҳаққиқ ва ахлоқуллоҳ ила мутаҳолик бўлиш, «уфуқи аъло» га етишиш, башарий сифатлардан фориғлик.

Самоъ - эшитиш, тинглаш; кўшиқ, мусиқа, рақс. Дарвешларнинг зикр мажлисларида давра айланиб, жўшиб рақс тушишлари. Мажозий мазмунда - важд ва солиқлар ҳолати. Абулқосим Бағдодийнинг таснифи бўйича, самоъ икки хилдир: 1. Сўз тингламоқ. 2. Куй тингламоқ.

Таважжух - юзланиш, зехни диққат ила бир нарсага қаратиш. Тасаввуфий мохиятда таважжух Оллоҳга юз бурмоқ, йўналмоқ ёки тугунчаларни Ҳусни мутлаққа тўлиқ тобе айламоқ демак. Таважжухда солиқ ўзлигидан кечмаган бўлсада, шунга ҳаракат қилиши керак. Таважжух важддан аввал юз берадиган ҳол саналади.

Тавҳид - луғавий маъноси бирор бир нарсани воҳид айлаш. Илмий истилоҳда эса Оллоҳнинг бирлигига ишонмоқдир. Сўфийлар эътиқодида тавҳид Оллоҳнинг азалу- абадда собит ваҳдониятига ишончдир. Олимлар тушунчасида тавҳид эътиқодга тааллуқли бўлса, сўфийлар учун у мақсад, мушоҳада ва маърифат ҳисобланади. Биринчиси - билиш ва тасдиқ этишга асосланса, иккинчиси - завқий идрокка суянади. Имом Ғаззолий таърифига кўра, «Тавҳид шундай шарафли мақомдурки, таваккул, ризо, Оллоҳга таслимият ҳоллари ҳам айна шу мартабанинг меваларидир». Абдуллоҳ Ансорий ҳазратларининг айтишича, «тавҳид - бирликда сўзламоқ, бирликда кўрмоқ ва якто бўлмоқдир». Диний адабиётда тавҳид - тавҳиди иймоний, тавҳиди илмий, тавҳиди ҳолий (яшаш тавҳиди), тавҳиди илохий каби турларга ажратилади.

Тажалли - илохий файзнинг солиқ кўнглида зуҳур айлаши, ғайб нурларидан пайдо бўлган ҳол. Тажалли икки қисмдир: 1. Рухоний тажалли 2. Раббоний тажалли. Бу ҳам иккига ажралур: 1. Улуҳдят тажаллиси. 2. Рубубият тажаллиси. Буларнинг бири ҳазрати Муҳаммадга, иккинчиси Ҳазрати Мусога тегишлидир.

Тариқат - йўл. «Шариат» ва «тариқат» сўзлари бошқа-бошқа ўзакдан яралганига қарамасдан луғавий маъноси бир, яъни йўл демакдир. Шу боис Юнус Эмро: «Шариат, тариқат йўлдир юрганга...» дейди. Лекин тариқат, шариатдан фарқи ўлароқ, бир талай хусусий талаб, усул ва қоидаларига эга йўлдир. «Агар сўрасаларки, тариқат мақомоти нечадур, айтгил: тўрт юзу қирқ тўрттадир», дейди Ҳусайин Воиз Кошифий ва уларнинг барчаси тавба, ҳафв, жиғол, сабрдан иборат тўрт мақомда жамланганини баён этади. Ул зотнинг фикрига кўра, ҳатто «тариқат» сўзидаги ҳар бир ҳарф солиқ зиммасига талаб қилмоқ (Т), рози бўлмоқ (Р), яқин бўлмоқ (Й), қурб кўрсатмоқ (К) ва буткул таважжух (Т) каби мажбуриятларни юклагандир.

Олимларнинг аниқлашича, тасаввуфда 160 дан зиёд тариқат ва тариқат тармоқлари бўлган. Анъанага кўра, тариқат уч асосий таркибга ажратилган:

1. Тариқи ахёр - хайрли инсонлар йўли. Тариқи арбоби муомалот деб ҳам таърифлаган ушбу йўлнинг асосини зухд, тақво ва ибодат ташкил қилган. Шу боис унга зоҳидлар ва обидлар йўли сифатида ҳам қаралган. Бу йўл - Ҳаққа етишишнинг узундан-узун йўли. Уни танлаганлар орасида мақсадга эришганлар ниҳоятда кам бўлган.

2. Тариқи аброр - яхши инсонлар йўли бўлиб, тариқи тасфия ва мужоҳада деб ҳам юритилган. Бу йўл - нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликлардан поклаш, этикасий комилликка етишиш йўли ҳисобланади. Хоҳ Ҳақ билан бўлсин, хоҳ халқ билан бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ҳамда тўғрилиқдан чекинмаслик ушбу йўлнинг бош талаби эрур.

3. Тариқи шутгор - ошиқлар йўли.

Тафаккур - фикр, муҳокама этиш. Оллоҳнинг зотидан бошқа ҳамма нарса тўғрисида мушоҳада этиш. Абу Али Рўзборийнинг айтишича, тафаккурнинг тўрт шакли бордир: 1. Оллоҳнинг оят ва аломатларига доир тафаккур. Бу - муҳаббатни майдонга келтиради. 2. Унинг суюб ва жаннатга тегишли даъватларини тушунмоқ. Бундан рағбат ва иштиёқ ҳосил бўлади. 3. Унинг азоб ва жаҳаннамга дахлдор ҳукмларини тафаккур айлаш. Бундан ҳафв, яъни кўркув туғилади. 4. Оллоҳнинг эҳсон ва нафснинг жафосини мушоҳада этиш. Бу - Оллоҳдан андиша ва ҳаё ҳиссини юзага чиқаради.

Таслим - бош эгаш, таслим бўлиш. Оллоҳ амрларига тобелик. Ғайб олаמידан келадиган нарсаларга рози бўлиш.

Узлат-хилват - машҳур сўфий Басрий демишдир: «Тавротдан ёд олган калималарим мана шулар эди: «Инсон фарзанди қаноат этди - бадавлат бўлди. Хилватга чекинди - саломат бўлди...»

Фано - йўқ бўлиш, фоний бўлиш. Нарса ва ашёларнинг сўфий назаридан барҳам топишига фано дейилур. Фанонинг туб маъноси — қулнинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарк қилиб, Оллоҳнинг гўзал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий иродага кўчиши. Қушайрий фанони учга ажратган: 1. Илк фано - қулнинг ўзидан ва ёмон хулқ-атворидан фоний бўлиши. 2. Иккинчи фано - Ҳақни томоша айлаган қулнинг Ҳақ сифатларидан ҳам фоний бўлуви. 3. Учинчи фано Ҳақнинг борлиғида йўқ бўлган қулнинг ўз фаносини кўришдан ҳам фонийлигидир.

Фаросат - сезиш, хис қишиш. Тасаввуфда басират кўзи ила ғайбни кўриш, пинҳоний кашф айлашдир. Бошқача қилиб айтганда, рухнинг илоҳий бир қувват билан англаб тафаккур этиши туфайли ғайбий маъноларни

билишидирки, бунга фаросати ақлия, кашфия ва илохия дейилган. Бу фаросатда хато ёки янглишлик бўлмас.

Нажмиддин Кубро фаросат сохибларининг мартабаларини тўрт асосий рукнга ажратиш мумкинлигини сўзлаб, уларни шундай таърифлаганлар: 1. Имон - авом савиясидаги мўминларнинг ҳолидир. Бу мартаба дарахтнинг баргига ўхшар. 2. Валоят - хос мўминларнинг ҳолидир. Бу мартаба эҳсон мартабаси ҳам дейилган. Дарахтнинг меваси каби эрур. Чунки имон, илм ва амали солихдан мақсад мушоҳада мақомига юсалмоқдир. 3. Нубувват - ахосул хавос. Бу меванинг айна ўзидир. 4. Рисолат - хулосаи ахос, яъни ўзининг ўзидир. Фаросатнинг биринчи ва иккинчи мартабаси касбий бўлиб, мужоҳада ва ғайрат билан қўлга киритилади. Кейинги иккитаси ваҳбий, яъни Оллоҳнинг лутфи эрур.

Фақр - тариқатнинг тўртинчи мақоми. Фақир - шу мақомга мансуб киши. Иброҳим Бухорий Калободий фақрга таъриф бериб: «Фақр - молинг бўлмаслик, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслик, фақир эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир», деган экан. Шунингдек, фақирнинг Оллоҳдан бошқага муҳтожпиги бўлмади ва у таваккул эътиқоди билан яшайди.

Хирқа - шайх, мурид ва дарвешлар киядиган махсус кийим. Бу сўзнинг луғавий маъноси ямоқ, парча ёки курокдан тикилган кийим демак. Истилоҳда эса шайх билан мурид орасида алоқа ўрнатилиши, «муриднинг нафс билан ўзи орасида шайхнинг ҳукмронлигини қабул айлаши»дир.

Шариат - очик, ҳаёт манбаига элтувчи тўғри йўл; қонун, зоҳирий ҳукмлар си каби маъноларни ифодалайди. Истилохий жиҳатдан Оллоҳнинг амри, оят, ҳадис, ижмои уммат ва қиёси фуқоҳо асосларига таянган дин қоидалари деган маънони англатади. Бу сўз Қуръони каримда «ширъатун» тарзида қўлланган. «Моида» сурасининг 48-оятда эса, «Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик», дейилган.

Шариат - дин йўли, Оллоҳнинг дахлсиз қонунлари: «Оллоҳнинг йўли қонун бўлиб, илгари ҳам ўтгандир. Оллоҳнинг йўлини ҳаргиз ўзгартира олмассиз» («Фатҳ», 23).

Тасаввуф аҳди Оллоҳга элтувчи йўлни тўрт босқичга ажратиб, биринчисини – шариат босқичи дейди.

Қалб - кўнгил, дил, юрак, виждон. Қалб калимасининг луғавий маъноси «бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатидан ўртаси, асоси демақдир» (Нажмиддин Кубро). Сўфий ва мутасаввифлар бу «ўрталиқ»ни инсон тириклиги ва маънавий ҳаётининг бош манбаи, маърифат ва ирфон маркази, кашф ва илҳом ойнаси, Ҳақ ва ҳақиқат сирларининг тажаллигоҳи, Ашшоҳнинг

тахти деб белгилашган. Аҳмад Рифоий ёзади: «Қалб бир гўшт парчасидир. Айни пайтда қалб нурлар жамланадиган жой эрур».

Ҳаёт-тириклик, соғлик, жон, яшаш. Тасаввуфда қудрат илми билан сифатлантирувчи бир сифат. Ҳаётнинг уч даражаси бор: 1. Ҳаёти илм — қалбнинг жоҳиллик, нодонлик ўлимидан халос бўлиб илм ила ҳаёт кўриши. 2. Ҳаёти жамъи — қалбнинг тафриқа ҳалокатидан қутулиб, ўзида химматни жамлаши. 3. Ҳаёти Ҳақ вужуд ҳаёти эрурки, бу қулнинг фано филлоҳ ва бақо биллоҳ мақомларига юксалишидир.

Ҳақиқат - чиндан мавжуд нарса, асл моҳият. Оллоҳни билиш, борлик олам сирларини тўғри ва теран англаш. Ҳақиқат - шариатнинг ботини. Шунинг учун ҳақиқат тасаввуф маъносида ҳам ишлатилган. Абу Наср Саррож ёзади: «Шариат илми - хизмат илми. Ҳақиқат илми мушоҳада илмидир... Шариат - баён илми, ҳақиқат - бурҳон илми. Шариат илми муомала учундир. Ҳақиқат илми муроқаба учундир. Шариат илми феълларга хос, ҳақиқат илми ҳолларга махсус...»

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Тасаввуф этикаси фанининг мақсади ва вазифалари	5
Тасаввуф этикаси ва унинг моҳияти	8
Тасаввуф этикасининг асосий тушунчалари ва амалий усуллари	13
Нафс тарбияси	21
Зикр тарбияси	28
Ясавия ахлоқи	37
Кубровия ахлоқи	41
Нақшбандия ахлоқи	45
Тасаввуф комил инсон этикаси тўғрисида.....	55
Хулоса	62
Тасаввуф этикасидан адабиётлар	65
Информацион таъминот.....	67
Тасаввуф этикаси фанидан тестлар	69
Глоссарий	75

СОДЕРЖАНИЕ

Введение	3
Предмет и задачи по фану суфийская этики	5
Суфийская этика и его сущность	8
Основные понятия и практические элементы суфийской этике	13
Воспитание душа	21
Воспитание упоминание	28
Этика яссавия	37
Этика кубравия	41
Этика нақшбандия	45
Суфизм по этики горманично развитого человека	55
Заключение	62
Летературы по суфийской этике	65
Информационный материали	67
Тесты по фану суфийской этике	69
Глоссарий	75

CONTENTS

Introduction	3
Objects and propositions of caerse ethics of sufism	5
Ethicts jf sufism atv essence	8
The main ideas and practical elements of ethics of sufism	13
Upbringing of passion	21
Upbringing of reference	28
Ethics of yassaviy	37
Ethics of kubroviy	41
Ethics of naqshbandiy	45
Sufism is about ethics of intelligent person	55
Conclusion	62
Literature of enhics of sufism	65
Informatic material	67
Tests of course ethics of sufism	69
Glossary	75